ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Ё. Абдуллаев
А. Иброҳимов
М. Раҳимов

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

100 САВОЛ ВА ЖАВОБ

Тошкент — "Меҳнат" — 2001

ББК 65.05 я 75
А 15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ НАШР ЭТИШГА ТАВСИЯ ЭТГАН

Тақризчи: **Э. АКРОМОВ** — иқтисод фанлари доктори, профессор
Муҳаррирлар: **И. УСМОНОВ, М.МИРКОМИЛОВ**

А $\frac{0605010404 - 10}{M\,359\,(04) - 2001}$ 46 – 2001

ISBN 5-8244-1420-3

© «МЕҲНАТ» нашриёти, 2001 й.

КИРИШ

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш шароитида турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг хўжалик молия фаолиятини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки мустақил мамлакатимизнинг ҳисоб тизимини тўғри йўлга қўйиш, шунингдек, иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларнинг микро ва макро жиҳатдан таҳлили, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди ривожининг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш-тижорат ва молия фаолиятини таҳлил этиш асосида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар, иқтисодиётимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг алоҳида олинган корхоналар мисолидаги ҳолатига баҳо бериш ва шу асосда тармоқ, ҳудуд ва мамлакат иқтисодининг равнақини белгилаш мумкин бўлади.

Алоҳида олинган корхоналар молиявий фаолиятини таҳлил этиш асосида:

— уларнинг фаолиятига тўғри ва ҳолисона баҳо бериш;

— ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятда жалб қилинган мулк ҳамда маблағлардан самарали фойдаланишнинг ҳолатини аниқлаш;

— корхона фаолиятининг натижаси ва унинг молиявий аҳволига баҳо бериш;

— корхонанинг бозордаги ўрни ва унинг иқтисодий рейтингини баҳолаш;

— иқтисодий ҳаракатнинг мақсадли шартига эришишда (фойдани максималлаштириш ва зарарни минималлаштириш) ички имкониятларни аниқлаш ва уларни йўлга қўйиш чораларини белгилаш имкони туғилади.

Иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос томонлари очиб берилган мазкур ўқув қўлланма тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар, корхона раҳбарлари, мулк эгалари, солиқ, молия, банк, суғурта компаниялари, аудиторлик фирмалари ходимлари, шунингдек, корхона фаолияти билан бевосита қизиқувчиларга мўлжалланган. Шу билан бирга ундан олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

I БОБ

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ НАЗАРИЯСИ

1.1. Иқтисодий таҳлил бошқарувнинг муҳим воситаси

1 Таҳлил сўзи қандай маънони англатади? 9

2 Иқтисодий таҳлил фанининг предмети деганда нима тушунилади? 9

3 Турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг қандай ўрни бор? 11

4 Иқтисодий таҳлил фани нимани ўрганади? 11

5 Бозор муносабатлари шаротида иқтисодий таҳлил қандай вазифаларни бажариши лозим? 12

6 Иқтисодий таҳлилда амал қилинадиган тамойиллар нималардан иборат? 13

1.2. Иқтисодий таҳлил турлари ва услублари

7	Комплекс иқтисодий таҳлил деганда нима тушунилади?	15
8	Иқтисодий таҳлилнинг қандай усуллари бор?	15
9	Статистик усуллар нималардан иборат?	16
10	Таққослаш усулини қўллашда қандай шартларга амал қилиш лозим?	17
11	Гуруҳлаш усулининг моҳияти ва қўллаш доираси қандай?	19
12	Баланс усулининг иқтисодий таҳлилдаги роли қандай?	20
13	Корхона хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда иқтисодий математик усуллар қандай рол ўйнайди?	22
14	Занжирли боғланиш усули қайси ҳолларда қўлланилади?	23
15	Иқтисодий таҳлилнинг қандай турлари мавжуд?	26
16	Жорий таҳлил ҳақида нималар дея оласиз?	27

17 Бошқарув таҳлили нима мақсадда ўтказилади? 28

18 Молиявий таҳлил деганда нимани тушунасиз? 30

19 Тезкор таҳлил деганда нимани тушунасиз? 32

20 Истиқболни белгилаш мақсадида ўтказиладиган таҳлилнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат? 33

21 Функционал қийматли таҳлил қандай мақсадларда қўлланилади? 34

22 Ички ва ташқи таҳлил турлари ҳақида қандай тушунчага эгасиз? 35

1.3. Иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбалари ва уларни текшириш

23 Таҳлил учун зарур бўлган маълумотларни қандай турларга ажратиш мумкин? 37

24 Иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбаларн билан таъминланиши деганда нима тушунилади? 39

25 Таҳлилда фойдаланиладиган манбаларнинг ишончли эканлиги қандай текширилади? 39

1.4. Турли мулк шаклларидаги корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш

26	Корхонада иқтисодий таҳлил ишлари қандай ташкил этилади?	41
27	Таҳлил натижалари қандай умумлаштирилади ва расмийлаштирилади?	42
28	Иқтисодий таҳлил неча босқични ўз ичига олади?	44
29	Иқтисодий таҳлилда замонавий ҳисоблаш техникалари қандай рол ўйнайди?	45

1 Таҳлил сўзи қандай маънони англатади?

Таҳлил — грекча «analisis» сўзидан олинган бўлиб, ҳодиса ва жараёнларни қисм ва қисмчаларга бўлиб ўрганишни англатади. Бундай қисм ва қисмчаларга ажратишда, албатта, умумийлик, бирлик ва боғлиқлик сақланади. Яъни, аввал бўлак ва қисмларга ажратилган ҳодисалар яхлит бир шаклда синтезлашади. Ҳодиса ва жараёнларни диалектик ўрганишда, албатта, анализ — синтез методи, уларнинг ўзаро бирлиги ва боғлиқлигига амал этилади. Бу боғлиқликни барча иқтисодий жараён ва ҳодисаларга нисбатан оддийдан мураккабга, қисмлардан яхлитликка ёки аксинча, ўрганиш ҳолларида ҳам татбиқ этиш мумкин.

Таҳлилда корхона ишлаб чиқариш-тижорат ва молия фаолиятида содир бўлаётган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгариши, ўзгаришларнинг сабаблари, бошқарув ва уни мувофиқлаштириш масалалари ўрганилади. Унинг асосий мақсади корхона хўжалик молия фаолиятига иқтисодий ташҳис қўйиш, иқтисодий натижавийликни ҳамда молиявий аҳволни яхшилашга қаратилган.

2 Иқтисодий таҳлил фанининг предмети деганда нима тушунилади?

Корхона фаолиятини мақсадли, тезкор, жорий ва истиқболли ўрганиш асосида унинг ҳолатига кенг қамровли баҳо бериш иқтисодий таҳлилнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Иқтисодий таҳлил мустақил фандир. Чунки у ўзининг мазмунига кўра:

- корхона бошқаруви учун зарур бўлган иқтисодий ахборотлар базасини яратиш;
- корхона фаолиятини кенг қамровли тарзда ўрганиш асосида унга иқтисодий ташхис қўйиш;
- корхонанинг молиявий аҳволи ва уни соғломлаштириш юзасидан чора-тадбирларни белгилаш;
- молиявий натижавийликни, иқтисодий нафни ўстириш юзасидан имкониятларни аниқлаш ва уларни тўғри бошқариш;
- корхонани иқтисодий соғломлаштириш юзасидан муҳим йўналишларни белгилаш билан шуғулланади.

Иқтисодий таҳлил корхона, хўжалик-молия фаолиятинигина эмас, балки унинг техник, ижтимоий аҳволини ҳам кенг қамровли тарзда ўрганади (1-чизма).



1-чизма. Иқтисодий таҳлилда ўрганиладиган масалалар.

3 Турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг қандай ўрни бор?

Турли мулкчилик тизимига асосланган иқтисод бозор механизмининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Унинг субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, алоҳида олинган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мулкнинг эгаси ва тасарруф этувчиси сифатида уни тўғри бошқаришдан манфаатдордир. Бу эса, албатта, содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларни даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни, иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил корхона (фирма) фаолиятини бошқаришнинг муҳим воситаси ва қуроли ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлил корхона (фирма) фаолиятини ўрганади, эришилган натижа, йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида кўрсатиб, илғор тажриба ва ғояларни умумлаштиради ҳамда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни келгусида тўғри бошқариш учун замин, дастур тайёрлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий таҳлил бошқарувнинг сўров шартидаги маълумотларни бошқарувчига вақтли ва ўринли тарзда етказиб беришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифани нафақат иқтисодий таҳлил, балки бухгалтерия ҳисоби, назорат ҳам бажаради. Лекин улар қаторида таҳлилнинг ҳам ўз ўрни ва роли бор. Таҳлилнинг вазифаси шундаки, у мулк ва маблағлардан самарали фойдаланишнинг мукобиллик шартларини белгилайди ҳамда бошқарувчи улар қаторидан ўзи учун мақбул бўлганини танлайди.

4 Иқтисодий таҳлил фани нимани ўрганади?

Алоҳида олинган корхоналарнинг хўжалик-молия фаолияти ва унинг натижавийлиги иқтисодий таҳлил фани-

нинг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланади. Бундан бевосита унинг предметига таъриф бериш мумкин. Иқтисодий таҳлил фанининг предмети деганда корхона, ташкилот, ассоциация ва корпорацияларда содир бўлаётган барча иқисодий жараёнлар, уларнинг социал-иқтисодий самараси ва охирги молиявий натижаларини объектив ва субъектив омиллар таъсирида узвий боғлиқликда иқтисодий ахборотлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш тушунилади.

Ушбу таърифга кўра, иқтисодий таҳлил, аввало, хўжалик жараёнларини ўрганишни, ундаги ўзгаришлар ва фарқларни, ички ва ташқи омиллар таъсирида узвий боғлиқлик ва алоқадорликда ўрганишни тавсифлайди.

Корхона фаолияти натижавийлиги, мулк ва маблағларни бошқаришдан олинадиган иқтисодий фойда иқтисодий таҳлилнинг эътибор шартида асосий масала ҳисобланади. Иқтисодий таҳлил предмети таърифининг сўнггида хўжалик жараёнлари, уларнинг социал-иқтисодий самарадорлиги ва молиявий натижалари (ҳисоб ва ҳисобдан ташқари маълумотларда) иқтисодий ахборотларда ўз тамойилларида ифода этилиши ва уларни узвий боғлиқликда ўрганиш лозимлиги қайд қилинган.

5 Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таҳлил қандай вазифаларни бажариши лозим?

Иқтисодий таҳлил фанининг предмети ва мазмуни унинг вазифаларини билиш билан тўлдирилади. Таҳлилнинг бош вазифаси корхона ишлаб чиқариш-тижорат ва молия фаолиятида меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишнинг ички имкониятларини аниқлашга ва уларни йўлга қўйиш чора-тадбирларини белгилашга қаратилган. Унинг бош вазифаси бевосита ўрганиладиган мавзулар бўйича тавсифланади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш таҳлили ва унинг вазифалари, маҳсулот таннархи таҳлили ва унинг вазифалари, молиявий натижалар таҳлили ва унинг вазифалари, молиявий ҳолат таҳлили ва унинг вазифалари ва ҳ.к.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб:

- тузилган бизнес-режа ва нормативларнинг илмий ҳамда иқтисодий асосланганлигини ўрганиш, уларнинг бажарилишига тўғри, холисона баҳо бериш;
- ўрганиладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш;
- меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни бошқаришдан олинган иқтисодий фойда ва унинг ўзгаришини баҳолаш;
- иқтисодий самарадорликни ошириш юзасидан ички имкониятларни аниқлаш, уларни йўлга қўйиш;
- корхона молиявий ҳолатини баҳолаш ва уни бошқариш;
- бизнес фойдаси ьа унинг ўзгаришини омилли ўрганиш;
- иқтисодий рейтинг ва унинг кўрсаткичлар тизимини ўрганиш;
- бошқаришга энг илғор тажрибаларни татбиқ этиш ва уларни оммалаштириш кабилар ҳисобланади.

6 Иқтисодий таҳлилда амал қилинадиган тамойиллар нималардан иборат?

Ҳар бир фан ўзининг воқеа ва ҳодисаларни ўрганишдаги тамойилларига эга. Бу тамойиллар бевосита ўрганиладиган объектнинг бир бутунлиги, реаллиги ва воқелигини характерлайди. Шу жиҳатдан таҳлилнинг ҳам иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишдаги ўз тамойиллари мавжуд. Бу тамойилларнинг халқаро ва миллий ҳисоб андозалари асосида қуйидаги шаклларини келтириб ўтиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Иқтисодий таҳлил тамойиллари

Т/р	Тамойиллар	Изоҳ
1.	Ишончлилик	Олинган маълумотларда хато бўлмаслиги ва ҳаққоний эканлиги, аниқлиги.
2.	Таққосланувчанлик	Кўрсаткичларнинг таққосланувчанлиги, уларни бир асосли тарзда турли даврлар ва бошқа корхоналар фаолияти тўғрисидаги худди шундай маълумотлар билан қиёсий ўрганиш.
3.	Бетарафлик	Ахборотдан фойдаланувчилар бир гуруҳининг зарари ҳисобига бошқа гуруҳлар манфаатлари қондирилишининг ўринсизлиги.
4.	Даврийлик	Олинган маълумотларнинг даврий оралиғи,хўжалик фаолияти тўғрисида манфаатдор томонни ахборотлар билан таъминлаб туриш.
5.	Пулли баҳолаш	Барча активлар, капитал ва мажбуриятларнинг сўмда ифода этилиши
6.	Ҳисобга олиш	Даромад ва харажатларнинг юзага чиқиш вақти, ўрни ва марказлари бўйича ҳисобга олиниши.
7.	Мазмуннинг шаклдан устунлиги	Маълумотларнинг ҳисоб ва ҳисоботдаги ҳуқуқий шаклида унинг моҳияти ва иқтисодий воқелиги бўйича ҳисобга олишдаги ифодасининг устунлиги.
8.	Аниқ баҳолаш	Активлар ва фойданинг бозор нархларида қайта ифодаланиши.
9.	Узлуксизлик	Корхонанинг хўжалик фаолияти юзасидан барча жараёнларни ўз якунига қадар ҳисобда узлуксиз акс эттирилиши.
10.	Бошқа тамойиллар	

7 Комплекс иқтисодий таҳлил деганда нима тушунилади?

Комплекс иқтисодий таҳлил деганда корхона, бирлашма ва ташкилотлар фаолиятида иқтисодий, социал, экологик, ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни узвий, бир-бири билан боғлиқликда ва боғланишда, бир бутунликда ўрганишга айтилади. Шунингдек, комплекс иқтисодий таҳлил ўрганиладиган ҳодиса ва жараёнларга тизимий, кетма-кетлик ва динамик тарзда ёндашиш ҳамда бунда кўрсаткичлар кўплиги билан характерланади.

Таҳлилнинг комплекслиги ва тизимийлиги жуда кўп ва мураккаб маълумотлардан (иқтисодий, технологик, ижтимоий, экологик, ҳуқуқий ва ҳ.к.) манба тариқасида фойдаланишда ҳам кўринади.

8 Иқтисодий таҳлилнинг қандай усуллари бор?

Фаннинг ўз объекти ёки предметини ўрганиш усуллари, воситалари унинг методини тавсифлайди. Иқтисодий таҳлил ўзининг мустақил усулларига эга. Булар бевосита оддий, анъанавий ва иқтисодий математик усуллар ҳисобланади (2-чизма).



2-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг усуллари.

9 Статистик усуллар нималардан иборат?

Иқтисодий таҳлилда қуйидаги статистик усуллар қўлланилади (2-жадвал):

2-жадвал

Статистик усуллар ва уларни қўллаш шартлари

Т/р	Усуллар	Қўллаш шартлари
1	2	3
1.	Таққослаш	Барча кўрсаткичларни даврий ва қиёсий ўрганишда (мутлақ ва нисбий ифодада).
2.	Гуруҳлаш	Бирлик кўрсаткичларнинг гуруҳлаш ҳодиса ва жараёнларни энг муҳим белгилар бўйича бир хил гуруҳ ҳамда гуруҳчаларга ажратиб,уларни ўзаро боғланишда ўрганиш.
3.	Балансли боғланиш	Товар, валюта, мулк, мажбурият ва капитал таҳлилида.
4.	Мутлақ фарқлар	Икки ёки ундан ортиқ ўзаро алоқадорлик ва боғланишда бўлган омилларнинг якуний ифодага таъсирини ўрганишда.
5.	Нисбий фарқлар	Ўзаро боғлиқ ва алоқадорликдаги якуний ифодада бирикувчи кўрсаткичларнинг ўсиш ёки камайиш даражалари бўйича таъсирини аниқлашда.
6.	Ўртача миқдорлар	Бир турдаги ҳодисанинг ўзгарувчан белгилари асосида умумлаштириб таърифлашда.
7	Индекслар	Умум ўлчовга эга бўлмаган турли хилдаги жараёнларни ечишда (мулк,активлар, фойда ва зарарларни баҳолашда).
8.	Занжирли боғланиш	Икки ёки ундан ортиқ бўлган кўрсаткичлар орасидаги узвий алоқадорлик, боғлиқлик, акс таъсир ва системалилик мавжуд бўлган ҳолларда.

1	2	3
9.	Интеграл	Якуний ифодага таъсир этувчи омилларни ўзаро фарқланишлари ва услубий боғлиқлигини таҳлил қилишда.
10.	Ҳ.к.	

10 Таққослаш усулини қўллашда қандай шартларга амал қилиш лозим?

Таққослаш усули иқтисодий таҳлилда энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Кўрсаткичларни таққослашда қуйидаги шартларга амал қилиш талаб этилади:

- бир хил ҳисобланган ва бир асосли кўрсаткичларнигина таққослаш;
- аниқланиш усули бир хил бўлган кўрсаткичларни таққослаш;
- бир хил даврийликдаги кўрсаткичларнигина таққослаш;
- ўзаро ўхшаш ва яқин бўлган, ихтисослиги бир хил корхоналар кўрсаткичларини таққослаш ва ҳ.к.

Иқтисодий маълумотларни таққослаш юқоридаги шартларга амал этган ҳолда таҳлилни бажариш, натижаларни аниқ ва бор ҳақиқатни тўғри ифодалашга ёрдам беради.Таққосланувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидаги кўрсаткичлар киради (3-чизма):



3-чизма. Таққосланувчи кўрсаткичлар тизими.

TDPU
17
917396

Шу бетда берилган 3-жадвал маълумотлари асосида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилишига баҳо бериш мумкин. Жадвалдаги маълумотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш режаси амалдаги баҳода 11 % га ёки 1850 минг сўмга ошириб бажарилган. Ўтган йилга нисбатан ўзгариш +20,8 % ўсишни ёки 3222 минг сўм ижобий фарқланишни характерлайди.

Маълумотларни қиёсий ўрганишда уларнинг бир асосли кўрсаткичга келтириш ва реал фарқланишларни аниқлаш мақсадида таққослама баҳоларда қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига баҳо берилади. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш режаси таққослама баҳоларда режага нисбатан 1310 минг сўмга ёки 8,2 % га ошириб бажарилган. Ўтган йилга нисбатан ўзгариш 11 % ўсишни ёки 1702 минг сўм ижобий фарқланишни характерлайди.

3- жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлили

(минг сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Ўзгариши			
			Режа	Ҳақиқатда	Режадан фарқи		Ўтган йилдан фарқи	
					сўмда	% да	сўмда	% да
1.	Маҳсулот ҳажми, корхона улгуржи баҳосида: — амалдаги баҳода	15428	16800	18650	+1850	111,0	+3222	120,8
	— таққослама баҳода	15428	15820	17130	+1310	108,2	+1702	111,0



4-чизма. Маълумотларни таққослаш қаторлари.

11 Гуруҳлаш усулининг моҳияти ва қўллаш доираси қандай?

Гуруҳлаш — усули иқтисодий изланишларда бир таркибли, кўплаб кўрсаткичларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигини тавсифлашдаги муҳим усул сифатида қўлланилади. Маълумотлар ўзининг гуруҳлаш белгиси бўйича турлича таркибланган ҳолда ўрганилади. Бу эса кўрсаткичларнинг ўзаро бир-бирига нисбатан қиёсий ўзгаришларини, уларнинг сабабларини аниқлаш, баҳолаш имконини беради. Шунингдек, гуруҳлаш усули иқтисодий таҳлил учун зарур бўлган маълумотларни қайта ишлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Гуруҳлаш ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичлар таркибидаги илғор корхоналарга тегишли бўлган маълумотларни оммалаштириш ҳам мумкин.

Гуруҳлашда қуйидагиларга риоя қилиш керак:

- гуруҳлаш белгиси тўғри танланиши лозим;
- фақат бир тизимга кирувчи кўрсаткичларгина олиниши керак;
- кўрсаткичлар бир хил ўлчов ва услубда аниқланиши лозим.

4-жадвал

Савдо корхоналарида товар айланиши бўйича режа бажарилишининг харажат ва рентабелликка таъсири

Товар обороти бизнес режасининг бажарилиши фоизига қараб корхоналар гуруҳи	Корхоналар сони	Товар обороти, бизнес режасининг бажарилиши,%	Харажатларнинг товар обороти-даги салмоғи, %	Товар обороти бўйича рентабеллик,%
100 гача	9	94,5	22,1	0,64
100-103	7	101,6	20,4	3,10
103 ва юқори	8	104,2	19,2	4,4
Жами	24	99,1	20,6	2,3

Юқорида келтирилган маълумотларда савдо корхоналари товар оборот режасининг бажарилиши, унинг харажат ва рентабеллик даражалари ўзгаришидаги боғланувчанлик ҳамда алоқадорликдаги фарқланишларини кўриш мумкин.

12 Баланс усулининг иқтисодий таҳлилдаги роли қандай?

Балансли усул — ўрганиладиган кўрсаткичлар орасидаги функционал боғланишлар мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу кўпроқ бухгалтерия ҳисоби, статистика ва режалаштиришда қўлланилади. Ушбу усул асосида моддий ва меҳнат ресурслари, корхона пул маблағлари кирими ва чиқими, даромад ва харажатларини (махсус баланслар ва уларнинг маълумотларини ўрганиш асосида) таҳлил этиш мумкин.

Балансли усул кўпроқ корхонанинг молиявий ҳолати, мулки, мажбурияти ва капиталини ўрганишда қўлланилади. Жумладан,

Активлар = Капитал + Мажбуриятлар
Капитал = Активлар - Мажбуриятлар
Мажбуриятлар = Капитал - Активлар

Ушбу ифода корхона мулки ва унинг ташкил топиш манбаининг ўзаро тенглигини билдиради. Худди шу боғланишни товарлар балансини тузишда ҳам кўриш мумкин.

$$ТҚйб + ТМ + Ин/о = СМ + ТҚйо + Ин/к$$

Бунда, ТҚйб — товар маҳсулотнинг йил бошидаги қолдиғи;
ТМ — ишлаб чиқарилган товар маҳсулот;
Ин/о — инвентаризацияда аниқланган ортиқча маҳсулот ва бошқа киримлар;
СМ — сотилган маҳсулот;
ТҚйо — товар маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғи;
И/к — инвентаризация натижасида аниқланган камомад ва бошқа чиқимлар.

Балансли боғланишдан бевосита омилли таҳлилни, яъни алоҳида олинган кўрсаткичларнинг якуний ифодага таъсирини ҳам аниқлаш мумкин (5-жадвал):

5-жадвал

Товар баланси ва унинг тузилмавий таҳлили

Активларнинг ўсиши				Активларнинг камайиши			
Товар маҳсулотнинг йил бошидаги қолдиғи	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	Инвентаризация натижасида ортиқча аниқланган маҳсулот	Баланс	Сотилган маҳсулот	Товар маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғи	Инвентаризация натижасида аниқланган камомад	Баланс
2345	125487	43	127875	126345	1509	21	127845

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонанинг товар маҳсулот баланси 127345 минг сўмни ташкил этган. Бу тенглик формуласидан бевосита ҳар бир кўрсаткични алоҳида таъсир бирлиги ва омили сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

13 Корхона хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда иқтисодий математик усуллар қандай рол ўйнайди?

Хўжалик жараёнларини ўрганиш, таҳлил этишда янги усул ва воситалардан фойдаланиш иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу маънода таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий математик усулларни ҳам ушбу қаторга киритиш мумкин (6-жадвал).

Иқтисодий математик усулларни қўллаш асосида:

- таҳлилни бажариш муддати тезлашади;
- ўзгаришлар ва уларнинг таъсирини аниқ ҳисоблаш мумкин бўлади;
- оддий, анъанавий усуллар билан ҳисоблаб бўлмайдиган мураккаб омиллар ва кўп омилли кўрсаткичларни тўлиқ ўрганиш имкони туғилади;
- ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш осонлашади ва ҳ.к.

6-жадвал

Таҳлилда қўлланиладиган иқтисодий математик усуллар ва уларни қўллаш ўрни

Т/р	Усуллар	Изоҳ
1	2	3
1.	Корреляция-регрессия	Ўзгарувчи бирликка таъсир этувчи, ўзаро алоқадорлик ва боғланишдаги алоҳида белгининг бошқа белгилар таъсирида ўзгаришларини аниқлаш.
2.	Логорифмлар	Натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи кўплаб омилларнинг таъсирини аниқлашнинг математик ифодага солиниши.
3.	Детерминантлар	Якуний ифодага таъсир этувчи бир омилнинг иккинчи омилни туғдирувчи ва уларнинг алоҳида таркибланиши.
4.	Матрицалар	Якуний ифода ва натижавий кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни жуфтлик, бирлик ва кўплик коэффицентларда аниқлаш.

1	2	3
5.	Қаторли программалаштириш	Хўжалик жараёнларини функция ва чекланишларда қаторли тарзда программалаштириш ва уларни бошқариш бўйича муқобил қаторлардан энг оптимал вариантини аниқлаш.
6.	Назарий ўйин усули ва ҳ.к.	Ижтимоий, экологик, технологик шартларни ҳисобга олган ҳолда бошқаришни бир хил даражада сақлашнинг шартларини белгилаш.

14 Занжирли боғланиш усули қайси ҳолларда қўлланилади?

Занжирли боғланиш усули алоҳида омилларнинг умумий кўрсаткичга таъсир даражасини аниқлашда қўлланилади. Иқтисодий таҳлилнинг бу усули шу пайтда қўлланиладики, қачонки ўрганилаётган кўрсаткичлар орасидаги боғланиш функционал характерга, яъни тўғридан-тўғри ва такрорий алоқадорликка эга бўлса. Бунда ҳар бир таъсир этувчи омилнинг ўрганилаётган умумий кўрсаткичга таъсирини топиш услубий кетма-кетликка эга. Омиллар таъсирини аниқлашдаги услубий кетма-кетлик, қараб чиқилаётган кўрсаткичларни таҳлил этишда тўғри ўринлашдан ва у ёки бу омилнинг таъсир даражасини топишда режа (ёки ўтган йил) кўрсаткичларини ҳақиқий (жорий давр) кўрсаткичлар билан навбатли алмаштиришни тўғри белгилашдан иборат. Кўрсаткичларни тўғри ўринлаш ёки қаторлашда уларнинг миқдор ва сифат жиҳатларига аҳамият берилади. Яъни, аналитик жадваллар тузишда дастлаб миқдор кўрсаткичлар, сўнгра сифат кўрсаткичлар ўринланади.

Базис (ўтган йил) кўрсаткичларини ҳақиқий (жорий давр) кўрсаткичлар билан навбатли алмаштиришдаги услубий кетма-кетлик ҳам юқоридаги белгилашга асосланади. Яъни, дастлабки ҳисоб-китоб бўйича барча кўрсаткичлар базис (ўтган йил) даражасида олинади. Ҳисоб-китобнинг ҳар қайси кейинги қатори бўйича таъсир этувчи бирлик янгиланади. Охирги ҳисоб-китоб қатори бўйича барча кўрсаткич-

лар ҳақиқатда (жорий давр бўйича) олинади. Оралиқ ҳар бир ўзгариш умумий ўзгарувчига таъсир этувчи бирлик омилнинг таъсир даражасини ифодалайди. Бунинг учун шартли аниқланган кўрсаткич ўзидан олдинги кўрсаткичдан фарқланади ва уларнинг қиймат ифодаси топилади.



5-чизма. Занжирли боғланиш усулини аниқлаш.

Занжирли боғланиш усулини умумий ифодага таъсир этувчи ва аниқлаш мумкин бўлган ўзаро боғланиш ҳамда

алоқадорликдаги икки ёки ундан ортиқ бўлган кўрсаткичлар таъсирини аниқлашда қўллаш мумкин (5-чизма). Бу усулнинг камчилиги шундаки, омиллар таъсирини ўрганишдаги айрим ҳолларда тақсимланмаган қолдиқ суммаси келиб чиқади ва бу кўпинча охирги омил таъсирига қўшиб юборилади. Шунингдек, ҳисоблашларнинг мураккаблиги ва барча жараёнларга нисбатан қўллаш имкони йўқлиги ҳам уни бир қадар чеклайди (7-жадвал).

7-жадвал

Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг занжирли боғланиш усулидаги таҳлили

Т/р	Алмаштирилувчи рақам	Кўрсаткичлар			Олдинги ҳисобдан фарқи	Таъсир этувчи омиллар
		Ишчилар сони, киши	Бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми (ўртача йиллик), сўм	Умумий кўрсаткич (жами ишлаб чиқарилган маҳсулот), минг сўм		
1·1	—	500	156000	78000	x	x
2·1	1	520	156000	81120	+3120	Ишчилар сони
2·2	2	520	168500	87620	+6500	Меҳнат унуми
Жами ўзгариш	x	x	x	x	+9620	x

Ишчи сонининг ўзгариши ҳисобига маҳсулот ҳажми 3120 минг сўмга, бир ишчининг меҳнат унуми ўзгариши ҳисобига эса 6500 минг сўм ўсишга эришилган. Ҳар икки омил таъсирида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми режага нисбатан 9620 минг сўмга ёки +12,3 % ўсишга эришилган.

15 Иқтисодий таҳлилнинг қандай турлари мавжуд?

Иқтисодий таҳлил таркиблаш белгиси бўйича қуйидаги турларга ажратилади (8-жадвал):

8-жадвал

Иқтисодий таҳлил турлари

Гуруҳлаш белгиси	Таҳлил турлари
1.Ўрганиш даври бўйича	Тезкор (оператив) таҳлил Жорий таҳлил Истиқболли таҳлил
2.Ўрганиш объекти бўйича	Корхона таҳлили Тармоқ таҳлили Халқ хўжалиги таҳлили
3.Таҳлил истеъмолчилари ва ўтказувчиларига қараб	Ички таҳлил Ташқи таҳлил
4.Ўрганиладиган масалалар ва мавзуига қараб	Тематик таҳлил Комплекс таҳлил
5.Ҳисоб тизими ва бошқарув объектига қараб	Бошқарув таҳлили Молиявий таҳлил
6.Ўрганиш йўналишларига қараб	Функционал-иқтисодий Техник-иқтисодий Ижтимоий-иқтисодий Экологик-иқтисодий

Иқтисодий таҳлилнинг тезкор, жорий ва истиқболли турлари ҳодиса ва жараёнларни содир бўлиш даври бўйича ўрганишда қўлланилади. Бунда тезкор таҳлил ҳодиса ва жараёнларни содир бўлиш чоғини, жорий таҳлил ўтган жараёнларни истиқболли таҳлил эса келажакни ўрганишда қўлланилади. Ўрганиш объектига қараб корхона, тармоқ ва халқ хўжалиги таҳлилига таркиблаш таҳлилни макро-микро жиҳатдан ташкил этиш ва ўтказишни англатади. Шундан фақат корхоналарнинг хўжалик фаолияти таҳлилигина фан сифатида шаклланган. Қолганлари эса бошқа фанлар таркибида ўрганилади.

Таҳлилнинг истеъмолчилар ва ахборотдан фойдаланувчиларга қараб, ички ва ташқи таҳлилга таркибланиши, таҳлил субъектлари ва уларнинг ахборотга бўлган талабидан келиб чиқади. Ўрганиладиган мавзунинг кўламига қараб, таҳлилнинг тематик ва комплекс турларга ажратилиши, таҳлил режаси ва мақсадидан келиб чиқади.

Ҳисоб тизимининг ташкил этилиши ҳам таҳлилни таркиблашда муҳим рол ўйнайди. Бу бевосита ишлаб чиқариш (бошқарув) ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг фарқланиши билан ифодаланади. Шунга мувофиқ, иқтисодий таҳлилнинг ҳам бошқарув, ҳам молиявий таҳлил мавзуларини таркиблашимиз мумкин. Таҳлилнинг таркибланишида, йўналишларнинг фарқланиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу бевосита корхона фаолиятига кенг қамровли тарзда баҳо беришда муҳим ҳисобланади.

16 Жорий таҳлил ҳақида нималар дея оласиз?

Жорий таҳлил хўжалик фаолияти натижавийлигини айрим олинган даврийликда ўрганишга қаратилган бўлиб, бевосита расмий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига асосланади. Бундай таҳлилнинг асосий вазифаси — корхона фаолият натижавийлигига объектив баҳо бериш орқали фойдаланилмаётган ички имкониятларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришга жалб этиш йўналишларини белгилаш, шунингдек, иш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг жавобгарлигини аниқлаш, меҳнатнинг сифати ва натижасига қараб, моддий ва маънавий манфаатдорликни қарор топтиришни таъминлаш ҳисобланади.

Таҳлил бухгалтерия ҳисоби, статистик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари асосида ўтказилиб, корхона ва унинг бўлимлари иш фаолиятининг ойлик, чораклик ва йиллик маълумотлари асосида баҳолашни характерлайди. Таҳлил натижаларига эса стратегик бошқарув муаммоларини ҳал этишда, шунингдек, техник иқтисодий режалаштиришни илмий асослашда муҳим дастак сифатида қаралади. Жорий таҳлилнинг камчилиги шундаки, таҳлил асосида аниқлан-

ган имкониятларни жорий даврда ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришда сафарбар этиб бўлмаслигида. Шу сабабли таҳлил натижаларидан кейинги фаолиятни яхшилашда фойдаланиш мумкин. Бу эса, албатта, оператив бошқарув стратегиясига таъсир этади. Чунки ахборотлар кечиккан ҳолда олинади. Буни бевосита расмий ахборотларни тузиш, тақдим этиш ва аналитик қайта ишлаш даврини тезлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Жорий таҳлил бошқарувнинг барча бўлимларида ўтказилиши, хўжалик фаолиятининг тўлиқ таҳлили сифатида ўзининг кенг қамровлиги, истиқболли таҳлил учун асос бўлиб хизмат қилиши билан тавсифланади.

17 Бошқарув таҳлили нима мақсадда ўтказилади?

Халқаро ҳисоб андозалари асосида тузилган миллий ҳисоб тизимида ҳисоб ва таҳлилни икки йўналишда юритиш назарда тутилган. Булар «Бошқарув ҳисоби ва таҳлили» ҳамда «Молиявий ҳисоб ва таҳлил». Иқтисодий адабиётларда улар ички бошқарув таҳлили ва ташқи молиявий таҳлил деб ҳам юритилади. Лекин молиявий таҳлил нафақат ташқи, балки ички ҳам бўлиши мумкин (6-чизма).



6-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг туркумланиши.

Бошқарув таҳлили бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш юзасидан ресурслардан самарали фойдаланишнинг, ички имкониятларни аниқлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига олади. Унда корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти юзасидан бизнес режа-топшириқларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳолати, имкониятлари ва уларни мақсадли бошқаришдаги муҳим йўналишлари белгиланади.

Бошқарув таҳлили субъекти сифати фақат шу корхонанинг ходимлари, шунингдек, мустақил жалб қилинган аудиторлар ва масалаҳатчилар бўлиши мумкин. Унинг маълумот манбаи ташқи истеъмолчилар учун сир сақланади ва бу қонун билан ҳимояланган. Таҳлилнинг асосий вазифаси, корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятида сарфларни тўғри ва мақсадли бошқаришга қаратилганлигини аниқлашдан иборат (7-чизма).



7-чизма. Бошқарув таҳлили ва унда ўрганиладиган масалалар.

18 Молиявий таҳлил деганда нимани тушунасиз?

Молиявий ҳисобот маълумотлари асосида корхонанинг молиявий аҳволини ўрганиш ва унга ташҳис қўйиш молиявий таҳлил деб юритилади. Унинг натижалари кўпроқ учинчи шахслар, яъни корхона фаолияти билан бевосита ва билвосита қизиқувчиларга асқотади.

Бундай таҳлилда сарфланган маблағларнинг самарадорлиги, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига баҳо бериш, корхона мулки, мажбуриятлари ва капиталининг ўзгариши, тўлов лаёқати, молиявий барқарорлиги, маблағлар айланувчанлиги, фондлар, уларнинг ҳолати ва ҳаракат кўрсаткичлари, пул маблағларининг ҳаракати, ўз капиталининг ўзгариши каби масалалар ўрганилади.

Молиявий таҳлилнинг ютуғи шундаки, у ахборотдан фойдаланувчиларни ошкор этилган маълумотлар базасида корхона фаолиятининг натижаси ва унинг молиявий аҳволи хусусида аҳамиятли бўлган маълумотлардан воқиф этади. Бунга бевосита ҳисобот маълумотларини «ўқиш», «устунли (вертикал) таҳлил», «қаторли (горизонтал) таҳлил», «молиявий кўрсаткичларни аниқлаш», «омилли таҳлил» асосида эришилади (8-чизма).



8-чизма. Молиявий таҳлил объектлари.

Молиявий таҳлилнинг субъектлари сифатида корхона фаолияти билан бевосита ва билвосита қизиқувчилар, инвесторлар, сармоя эгалари, кредит берган ташкилотлар, солиқ идоралари, аудиторлик фирмалари, мол етказиб берувчилар, харидор ва буюртмачилар ҳамда кенг жамоатчилик бўлиши мумкин (9-жадвал).

9-жадвал

Молиявий таҳлил субъектлари ва уларнинг манфаатлари

Т/р	Молиявий таҳлил субъектлари	Манфаати
1.	Таъсисчилар ва сармоя эгалари	Корхонага қўйилган ва қўйилиши лозим бўлган мулк ва маблағлардан юқори фойдалиликка эришиш
2.	Солиқ идоралари, ҳукумат органлари	Давлатга тўланадиган ресурслар ва уларнинг ундирилишини ўрганиш
3.	Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари	Олинган ва берилган қарзлар, уларнинг қайтувчанлиги, фоиз даражалари, корхонанинг тўлов лаёқати, унинг тўловга мойиллигини аниқлаш
4	Аудиторлик фирмалари	Эълон қилинадиган ҳисобот шаклларининг ҳуқуқий тамойиллардаги сифат таснифини ўрганиш, мулк эгалари манфаатларини ҳимоялаш
5.	Харидорлар	Тузилган шартномавий муносабатларда томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришнинг молиявий таянчга эга эканлигини аниқлаш
6.	Мол етказиб берувчилар	Жўнатилган маҳсулотлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариши ва корхона тўлов лаёқати тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш
7.	Суғурта агентликлари	Корхона мулкини гаровга қўйиш ва унинг сақланиши тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш
8.	Ҳ.к.	

19 Тезкор таҳлил деганда нимани тушунасиз?

Тезкор таҳлил иқтисодий таҳлилнинг бир тури сифатида хўжалик фаолияти бошқарувининг кундалик масалаларини ўрганади. Унинг вазифаси — ишлаб чиқариш фаолиятининг қисқа даврдаги мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жорий, ички резервларни ўз вақтида аниқлаш, корхона бизнес режасининг бажарилишини доимий назорат қилишдан иборатдир. Бунда хўжалик жараёнларининг содир бўлишида йўл қўйилган камчиликлар, бой берилган имкониятлар ва йўқотишларни бир вақтда аниқлаш ҳамда ҳал этиш имкони туғилади.

Тезкор таҳлил, айниқса, цех, участка, бригада бўйича ички хўжалик ҳисобида меҳнатни ташкил этишда кўпроқ аҳамиятлидир. У ўз ичига корхона бизнес режаси юзасидан қисқа даврда (смена, кун, 5 кун, 10 кун ва ҳ.к.) корхона фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ўзгаришлари, ўзгаришга таъсир этувчи омилларни ўрганишни, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг сабабларини, айбдорларни аниқлашни, бой берилаётган ички имкониятлар ва уларнинг олдини олиш чораларини кўришда эришилган ютуқ ва натижаларни оммалаштиришни қамраб олади. Тезкор таҳлил одатда қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳи бўйича ўтказилади: маҳсулот ҳажми ва реализацияси, ишчи кучидан фойдаланиш кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ускуналари ва моддий ресурслардан фойдаланиш юзасидан бирлик кўрсаткичлар ва бошқа кўрсаткичлар алоҳида ва умумлашган ҳолатда ўрганилади.

Тезкор таҳлилни ўтказишда бевосита корхона бошқаруви ходимлари, ишчи-хизматчилар қатнашади. Ахборот манбаи сифатида оператив ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари олинади. Асосий ахборот манбаи оғзаки усулда бўлиши ҳам мумкин.

20 Истиқболни белгилаш мақсадида ўтказиладиган таҳлилнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

Истиқболни белгилаш мақсадида ўтказиладиган таҳлил корхона хўжалик фаолияти келажакда қай даражада имкониятли бўлишини белгилаб, яқин ва узоқ муҳлат учун бошқарувнинг стратегик дастурларини тузиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бундай таҳлил бевосита корхона хўжалик-молия фаолиятидаги ўзгаришларни келажак назарида ўрганишни характерлайди. Шунингдек, корхона фаолиятининг узлуксизлиги, унинг бозордаги ўрни қанчалик мустаҳкамлиги, жаҳон бозорининг фаол иштирокчиси сифатида қатнашуви, шериклик ва ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши билан боғлиқ бўлган масалалар истиқболли таҳлилнинг заруриятини оширади.

Таҳлилнинг асосий вазифаси — корхонанинг хўжалик фаолиятида истиқболни белгилаш юзасидан режа топшириқларини тузиш ва уларни илмий-иқтисодий асослаш, кутилаётган режа топшириқларининг бажарилишига баҳо беришдан иборат. Истиқболли таҳлилнинг ўзи ҳам ўрганиладиган масалалар кўлами ва шакли билан фарқланади. Масалан, таҳлил объекти бўйича (маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги ва ҳ.к.) ва ўрганиш даври бўйича (жорий истиқболли, яқин истиқболли, узоқ истиқболли) олиб борилади.

Истиқболли таҳлил кўпроқ умумлашган кўрсаткичлар, яъни корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда, рентабеллик ва ҳ.к.) бўйича ишлаб чиқариш, тижорат ва молия фаолиятини олдиндан белгилаш мақсадида ташкил этилади.

21 Функционал қийматли таҳлил қандай мақсадларда қўлланилади?

Функционал қийматли таҳлил иқтисодий таҳлилнинг бир тури сифатида ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнлари, шунингдек харажатларнинг юзага чиқиш ўрни ва жавобгарлик марказлари бўйича, янги маҳсулот турлари, техник лойиҳалар, уларнинг жорий этиши, маҳсулот сотиш бўйича харажатларни бошқаришни тўғри йўлга қўйиш ва уларни имкон қадар минималлаштириш чораларини белгилашни тавсифлайди.

ФҚТнинг муҳим вазифаларига қуйидагилар киради:

- жонли, буюмлашган меҳнатни (маҳсулот ишлаб чиқариш сарфларини) тежаш билан корхона ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш орасидаги узвий боғлиқликни ўрганиш;
- бошқарув объектлари (активлар, меҳнат ва ашёвий ресурслар ва ҳ.к.) бўйича техник-иқтисодий нормативлар ва кўрсаткичларни белгилаш;
- хўжалик фаолияти бошқарувини технологик жараёнлар бўйича таркиблаш;
- хўжалик бошқарувининг иқтисодий воситаларини активлаштириш;
- техник лойиҳалардан самарали, ишончли ва узоқ муддатли фойдаланишни кузатиш, баҳолаш.

ФҚТ қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ахборот-тайёрлов босқичи;
- аналитик-ижодий босқич;
- экспрементал босқич;
- узлукли ишлаб чиқариш босқичи;
- тижорат сотиш босқичи;
- фойдаланиш ва назорат босқичи.

Ахборот тайёрлов босқичида янги техник лойиҳа асосида маҳсулот турларини ишлаб чиқиш ёки уни реконструкциялаш бўйича зарурий ахборотлар базаси йиғилади. Энг аввало, талабдан келиб чиққан ҳолда нима ишлаб чиқариш лозимлиги белгинади. Босқич якунида изланиш мақсади ва унинг ўрни, предмети белгиланади.

Аналитик ижодий босқичда таҳлил мақсадидан келиб чиққан ҳолда таклиф этилган муқобил вариантлар бўйича оптималлик шартлари, уларнинг назарий ечимлари асосланади. Экспериментал босқичда таклиф этилган вариантлар бўйича тажриба синов операциялари ўтказилади ва назарий ечимлар реаллиги ўрганилади ҳамда уларга баҳо берилади.

Узлуксиз ишлаб чиқариш босқичида техник лойиҳалар юзасидан комплекс таҳлил ўтказилади. Аниқланган камчиликлар, технологик талаблар, норматив ва стандартлардаги ўзгаришлар, четга чиқишлар жамланган ҳолда якунланади. Тижорат-сотиш босқичида янги маҳсулот турини ишлаб чиқишга ўтиш, техник лойиҳа реализацияси юзасидан умумий таклифлар тавсия этилади.

ФҚТнинг сўнгги, якуний босқичида янги лойиҳанинг иқтисодий самараси унинг камхаржлиги, фойдалилиги, истеъмолчилар талабини қай даражада қондириш имконият ўрганилади.

22 Ички ва ташқи таҳлил турлари ҳақида қандай тушунчага эгасиз?

Иқтисодий таҳлилни ташкил этишда ички ва ташқи таҳлил турларини таркибланиши қуйидаги шартлар бўйича амалга оширилади (10-жадвал):

- таҳлил мақсади;
- таҳлил субъектлари талаби;
- таҳлил манбалари;
- ўрганиладиган масалалар кўлами;
- маълумотларнинг ошкор этилиши;
- ахборот истеъмолчиларнинг манфаатлари.

10-жадвал

Ички ва ташқи таҳлилнинг фарқланиши

Белги	Ички таҳлил	Ташқи таҳлил
Таҳлил мақсади	Корхонанинг ишлаб чиқариш,тижорат ва молия фаолиятига иқтисодий ташҳис қўйиш,ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда фаолият натижавийлигини ўстириш юзасидан ички имкониятларни аниқлаш ва йўлга қўйиш.	Корхонанинг молиявий аҳволига иқтисодий ташҳис қўйиш.
Таҳлил субъектлари	Фақат корхона ходимлари томонидан ўтказилади.	Ташқи ахборот фойдаланувчилар: таъсисчилар, мулк эгалари, банклар, солик органлари, юқори ташкилот, аудиторлик фирмалари, мол етказиб берувчи, харидорлар ва х.к.
Ахборот манбаи	Бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботи.	Фақат молиявий ҳисобот маълумотлари.
Маълумотларнинг ошкор этилиши	Сир сақланади.	Сир сақланмайди.
Ўрганиладиган масалалар	Бошқарув ва молиявий таҳлилнинг барча масалалари.	Фақат молиявий таҳлил масалалари.
Ахборот истеъмолчиларининг манфаатлари	Корхона фаолиятини бошқаришни тўғри йўлга қўйиш ва унинг натижавийлигини яхшилаш.	Ташқи ахборот фойдаланувчиларининг ўзи учун манфаатли бўлган молиявий аҳволнинг мавжудлиги.

23 Таҳлил учун зарур бўлган маълумотларни қандай турларга ажратиш мумкин?

Таҳлил этиш учун зарур бўлган ва бизнесни бошқаришда муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўлган маълумотлар базасини иқтисодий таҳлилнинг ахборотлар манбаи деб юритилади.

Уларни қуйидаги турларига ажратиш мумкин (9-чизма):



9-чизма. Иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбалари.

Таҳлилнинг ахборот манбаи деганда унинг маълумотлар базаси тушунилади. Уларни:

- қабул этилишига;
- эълон қилинишига;
- манбаларига қараб туркумларга ажратиш мумкин (11-жадвал).

11-жадвал

Таҳлил манбаларининг туркумланиши

Гуруҳлаш белгиси	Тури	Изоҳ
Қабул этилишига қараб	Ёзма	Маълумотлар таркибланган ва умумлашган ҳолда турли ҳисобот шакллари ва баённомалари олинади.
	Оғзаки	Маълумотлар оғзаки усулда олинади ва бу ҳол кўпроқ оператив таҳлилда қўлланилади.
Эълон қилинишига қараб	Ошкор этиладиган	Ошкор этиладиган маълумотларга фақат молиявий ҳисобот шакллари киритилади.
	Ошкор этилмайдиган	Ошкор этилмайдиган ахборотларга бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи киритилади ва улар корхонанинг тижорат сири сифатида қонун асосида ҳимояланади.
Манбаига қараб	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи	Хўжалик жараёнлари тўғрисидаги маълумотларнинг мазмуни, мақсади, миқдорий таснифи бўйича бошланғич ҳужжатларда акс этиши, таркибланиши ва умумлаштирилиши, ҳисобот шаклларига кўчирилишини характерлайди ҳамда жорий ва истиқболли таҳлил учун манба ҳисобланади.
	Оператив ҳисоб ва ҳисобот	Кундалик хўжалик жараёнлари тўғрисидаги маълумотларнинг баённома ёки оғзаки шаклда бошқарув учун тартибланишини характерлайди ва тезкор таҳлил учун манба ҳисобланади.
	Статистик ҳисоб ва ҳисобот	Корхона ишлаб чиқариш-тижорат ва молия фаолиятининг миқдорий томонларини характерловчи кўрсаткичларни ифодалаб, бошқарув ва оператив ҳисоб маълумотларига таянади.
	Ҳисобдан ташқари	Режа маълумотлари, норматив лар, баённомалар, текшириш натижалари юзасидан далолатнома, каталог, маълумотнома ва бошқа ахборотлар киради.

24 Иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбалари билан таъминланиши деганда нима тушунилади?

Таҳлилнинг натижаси, унинг сифати кўп жиҳатдан унинг ахборот манбалари билан қай даражада таъминланишига ва уларнинг таснифига боғлиқдир. Шу сабабли аналитик ишни ташкил этишда муҳим эътибор ахборотлар базасининг тўлиқлигига қаратилади. Ахборотларнинг тўлиқлиги уларнинг таҳлил учун етарли эканлиги билан характерланса, сифат таснифи эса уларнинг ишончли, тўлиқ, тушунарли, моддий асосли, аниқ, таққосланувчан, даврийлиги билан тавсифланади. Ахборотлар, энг аввало, фойдаланувчи талабига жавоб бериши лозим. Бу эса маълумотларни қайта ишлашни ва таҳлил этишни тезлаштиради. Шу ўринда миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимидаги сўнгги янгиликларни инобатга олиш керак.

Маълумотларни йиғиш, таркиблаш, аналитик қайта ишлаш, таҳлилнинг ахборот таъминотини автоматлаштиришда замонавий ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиш бу муаммони бир қадар ижобий ҳал этишга имкон беради. Бу эса бозор муносабатларига ўтиш шароитида корхонанинг маҳаллий ва жаҳон бозоридаги ҳолатини, биржа, божхона маълумотларини, савдо палаталари, ярмаркалари бўйича маълумотларни, брокерлик фирмаларидаги аҳволни, турли ижтимоий-иқтисодий нашрларда чоп этиладиган маълумотларни жаҳон компьютер (интернет) тизимига уланиши орқали тезкор олиш имконини бермоқда. Корхонанинг тижорат-савдо фаолиятини ривожлантиришда бу маълумотлар ўта муҳим ва қимматли ҳисобланади.

25 Таҳлилда фойдаланиладиган манбаларнинг ишончли эканлиги қандай текширилади?

Таҳлилда қўлланиладиган манбаларнинг ишончлилиги иқтисодий кўрсаткичларнинг, баланс ва ҳисобот кўрсат-

кичларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда алоқадорлигини характерлайди. Маълумотлар ҳар хил хатолардан ҳоли бўлиши, моддий ва қиймат ифодасида тўлиқ бўлиши керак.

Ахборот манбаларининг тўғрилиги бевосита уларни мақсадли текширишни йўлга қўйиш ёрдамида аниқланади. Хусусан, мақсадли текшириш асосида:

- ҳисоб ва ҳисобот шаклларида хўжалик муаммоларининг тўлиқ қамраб олинганлиги;
- ҳисоб-китобларнинг аниқлиги ва реаллиги;
- ҳисобот шаклларининг тўғри тузилганлиги, тўлдирилганлиги;
- активлар, мажбуриятлар ва капиталнинг тўғри кўрсатилганлиги;
- молиявий ҳисобот моддаларини тўғри баҳоланиши текширилади.

Ахборотларни дастлабки текширишда танлаб текширув заруриятига аҳамият берилади. Шунингдек, корхона ёки бирлашманинг бюджетга тўловлари ва бюджетнинг молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлари молия органларининг маълумотлари билан ҳамоҳанглиги, ҳисоб-китоб счёти, валюта счётлари бўйича айланмалар Марказий банк ва тижорат банкларидаги маълумотлар билан мос келиши, дебиторлик-кредиторлик мажбуриятлари суммасининг қарздор корхоналардаги суммага тўғри келиши текширилади.

Таҳлил манбаларининг ишончли экалигини текширишда асосий эътибор ҳисобот кўрсаткичларининг тўлиқлиги ва услубий тартибларга мослигига қаратилади. Яъни, мантиқий текшириш асосида ҳисобот кўрсаткичларининг тўғри ўринланиши, бўрттириб ёзишларнинг йўқлиги, жамланган суммаларнинг тўғри ҳисобланганлиги, молиявий ҳисоботга илова ва бунга изоҳларнинг мавжудлиги ўрганилади (10-чизма).



10-чизма. Таҳлил манбаларини текшириш усуллари.

26 Корхонада иқтисодий таҳлил ишлари қандай ташкил этилади?

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади, шакли ва ташкиллаштириш услуби унинг бошқарув ва назоратнинг муҳим вазифаси эканлигидан келиб чиқади. Бундай таҳлил натижаси кўп жиҳатдан таҳлил ишларининг қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Шу маънода корхона ва ташкилотларда иқтисодий таҳлилнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор бериш талаб этилади:

- бизнесни мақсадли бошқаришнинг режасини илмий асослашга;
- корхона ишлаб чиқариш ва молиявий потенциалига;
- кадрлар малакаси ва касб маҳоратига;
- таҳлил хизмат бўлимини ташкил этиш зарурияти-га ва ҳ.к.

Корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади (11-чизма):



11-чизма. Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш шакллари.

27 Таҳлил натижалари қандай умумлаштирилади ва расмийлаштирилади?

Иқтисодий таҳлилнинг сўнгги, якуний босқичи унинг натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш ҳисобланади. Таҳлил натижаларини умумлаштиришда ўзаро таъсир ва услубий кетма-кетлик асосида корхона бизнес режасининг бажарилиши, меҳнат, капитал, ер ресурслари ва тадбиркорлик қобилиятидан фойдаланиш даражасига баҳо берилади. Йўл қўйилган камчиликлар ва унинг сабаблари, ички имкониятлар ва улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар, тавсиялар ўртага қўйилади.

Умумлашган маълумотлар корхона ишлаб чиқариш-тижорат фаолиятини ўстириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, истиқболли режа топшириқларини белгилашнинг зарурий асоси сифатида алоҳида баённома

ва изоҳлар тарзида қисқа, лўнда тартибда ёритилмоғи лозим. Баённоманинг ҳақиқийлиги кўп жиҳатдан ҳисоб-аналитик ишларнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги ва таҳлил этувчининг касбий маҳоратига боғлиқдир.

Одатда корхона фаолиятининг натижаси юзасидан умумий хулоса — тавсифнома мазкур корхона масъул ходимлари, ички аудиторлик хизмати вакиллари томонидан тузилади ва таҳлил натижалари юзасидан меҳнат жамоаси ёки таъсисчиларнинг умумий йиғилишида ҳисоб берилади. Бу борадаги ҳаракатлар асосан ички таҳлил натижаларини умумлаштириш ва тасарруфлашга хосдир. Улар бевосита корхона (фирма) маҳсулотининг рақобатдошлик даражасига, бозордаги ўрнига таъсир этмаслиги, ютуқ ва имкониятларни ошкор этмаслик шарти билан ҳимояланади.

Ташқи таҳлил молия, банк, статистика ва солиқ органлари, аудиторлик фирмалари ва бошқа қизиқувчи ташкилотлар томонидан ўтказилиб, умумлаштирилади ва расмийлаштирилади. Уларнинг якуни корхона ва ҳуқуқ тартибот идораларида, жамоа иштирокида кўриб чиқилиб, ошкор этилиши мумкин (12-чизма).



12-чизма. Иқтисодий таҳлил натижаларини умумлаштириш шартлари.

28 Иқтисодий таҳлил неча босқични ўз ичига олади?

Иқтисодий таҳлил қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- таҳлил объектини танлаш ва режасини тузиш;
- таҳлил учун зарур маълумотларни йиғиш ва текшириш;
- кўрсаткичларни танлаш, қайта ишлаш ва таққослаш ҳолатига келтириш;
- кўрсаткичларни таққослаш, таҳлил этиш, эришилган натижаларни баҳолаш, ўзгариш сабаблари ва омиллар таъсирини аниқлаш;
- таҳлил натижаларини умумлаштириш, хулоса ва таклифлар бериш.

Таҳлил объектини танлаш ва мақсад режасини тузиш таҳлил мавзуи, ўтказиш муддатлари, таркиби ва ижрочилари, шунингдек таҳлил вазифаларини белгилашни ўз ичига олади. Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар базасини йиғиш, уларни қайта ишлаш ва таркиблаш босқичида таҳлил мақсадидан келиб чиққан ҳолда ахборотлар тўпланиб, сараланган ҳолда текширилади. Бунда уларнинг тўлиқлигига ва сифат тамойилларига аҳамият берилади.

Таҳлилнинг кейинги босқичида кўрсаткичларни танлаш, улар орасидаги алоқадорликни белгилаш, аналитик жадваллар тузиш, маълумотлар базасини таққослаш ҳолатига келтириш ва унинг даврийлигини белгилаш, баҳолашни амалга оширишга эътибор қаратилади.Кўрсаткичларни таққослаш ва таҳлил қилиш асосида корхонанинг ишлаб чиқариш-тижорат ва молия фаолиятига баҳо берилади. Бизнес режанинг бажарилиши ўрганилади. Эришилган натижалар, уларнинг ўзгариш сабаблари ва омиллар таъсири таҳлил қилинади.

Таҳлилнинг якуний босқичида натижалар умумлаштирилган ҳолда расмийлаштирилади ва корхона фаолиятига қисқача ташҳис қўйилади ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилади. Таҳлил якуни қисқа, лўнда, тушунарли тарзда баённома, маълумотнома шаклида ифода этилади.

29 Иқтисодий таҳлилда замонавий ҳисоблаш техникалари қандай рол ўйнайди?

Иқтисодий таҳлилда ҳисоблаш техникаларини қўллаш ва улардан фойдаланиш — ахборотларни автоматик ишлаш тизимини шакллантириш ва йўлга қўйишни характерлайди. Ҳисоблаш техникасидан аналитик ишларда фойдаланиш таҳлил қилиш вақтини тежаб, таъсир этувчи омилларни тўла ўрганиш, ҳисоб-китобларнинг ўта аниқлигини таъминлаган ҳолда таҳлил олдидаги кенг қамровли масалаларни бирданига ҳал этиш, яъни, тезкорлик, аниқлик, комплекслик тамойилларига асосланиб ишлаб чиқариш жараёнларини батафсил ўрганиш имконини беради. Иқтисодий таҳлил дастурларини тузиш асосида маълумотларни автоматик ишлаш ва таҳлил этиш тизими яратилади. Ишчи дастурлар таҳлил тури, мазмуни ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Улардан фойдаланиш асосида таҳлилчиларнинг автоматлашган иш ўринлари, инсон-машина тизими вужудга келади (13-чизма).



13-чизма. Таҳлил этишнинг автоматлашган тизими.

Иқтисодий ахборотларни автоматик қайта ишлашни қуйидаги боғланишларда ифодалаш мумкин, яъни, ахборотларни аналитик ишлаш 4 босқични ўз ичига олади;

— таҳлил мақсади, шакли ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда машина маълумотлар тўпламидан зарур ахборотлар базасини қабул қилиш, саралаш ва қайта ишлаш;

— ахборотларга баҳо бериш, таҳлил этиш ва унинг натижаларини чиқариш, умумлаштириш ва расмийлаштириш;

— таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда жараёнларни бошқариш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

— қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ўрганиш.

II БОБ

БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИ

2.1. Маҳсулот, иш ва хизматларга бозор талаби ҳамда таклифининг таҳлили

30 Корхонанинг маҳсулоти ва маиший хизматларига бўлган бозор талаби қандай ўрганилади? 51

31 Маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар кўрсатиш жараёнига қандай омиллар таъсир кўрсатади? Бу омиллар қандай таҳлил қилинади? 53

32 Бозордаги талаб ва таклиф таҳлил қилинаётганда қайси омилларга кўпроқ эътибор берилади? 54

2.2. Маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда сотишнинг таҳлили

33 Корхона (фирма) томонидан маҳсулотларни сотиш қандай шартлар асосида бажарилади ва у қандай таҳлил қилинади? 57

34 Маҳсулотлар тури ва ассортименти бўйича ишлаб чиқариш даражаси қайси усулда таҳлил қилинади? 59

35 Ишлаб чиқаришнинг маромийлиги деганда нима тушунилади ва у қандай таҳлил қилинади? 61

36 Маҳсулот сифатини таҳлил қилиш қандай амалга оширилади? 62

2.3. Меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланишнинг таҳлили

37 Корхона (фирма)да банд бўлган ходимларнинг таркиби қандай таҳлил қилинади? 64

38 Корхона (фирма)нинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси қандай таҳлил қилинади? 65

39 Иш вақтидан фойдаланиш даражаси қандай усулларда таҳлил қилинади? 67

40 Меҳнат унумдорлиги қандай таҳлил қилинади? 68

41 Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади? 71

42 Меҳнат унуми билан иш ҳақининг ўсиши орасидаги нисбат таҳлили қандай ўтказилади? 74

43 Маҳсулот ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили қандай ўтказилади? 75

2.4. Маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархининг таҳлили

44 Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти ва роли нимадан иборат? 79

45 Корхона харажатлари таркиби ва уларнинг таҳлили қандай амалга оширилади? 80

46 Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қандай харажатлар киритилади ва улар қандай таҳлил қилинади? 82

47 Истеъмол фонди харажатлари деганда нимани тушунасиз? Бу харажатларнинг ўзгариш сабаблари қандай таҳлил қилинади? 83

48 Материал харажатларга сарф меъёри ва баҳо ўзгаришининг таъсири қандай таҳлил қилинади? 86

49 Маҳсулот турлари бўйича таннарх таҳлили. Унга таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади? 89

50 Муомала харажатларига қандай харажатлар киради ва улар қандай таҳлил этилади? 91

2.5. Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланишнинг таҳлили

51	Корхона (фирма)даги хом ашё ва моддий маблағлар деганда нимани тушунасиз? Уларни таҳлил қилганда нималарга эътибор берилади?	94
52	Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсири қандай таҳлил қилинади?	95

30 Корхонанинг маҳсулоти ва маиший хизматларига бўлган бозор талаби қандай ўрганилади?

Маҳсулот, иш ва хизматларга бўлган бозор талабининг максимал даражада қондирилиши бозор механизмининг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Корхона (фирма) фаолияти,энг аввало, бозор регуляторлари асосида тартибланади. У бевосита нимани ишлаб чиқариш, қандай ва қанча ишлаб чиқариш лозимлигини белгилайди. Бу ўз-ўзидан сарфлар, сифат меъёрларини бошқаришни ҳам тартиблайди. Бунда иқтисодий манфаатлар муштараклиги эътиборга олинади.

Корхона (фирма) бозор механизми ва конюнктурасини батафсил ўрганган ҳамда таҳлил қилган ҳолда ўз имкониятларини йўлга қўйишнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий шартларини тузиб чиқади. Бу эса қисқа ва узоқ даврийликда фаолият юритишнинг йўналишларини белгилаш ҳамда унинг режасини тузиб чиқишни характерлайди. Режали асосда ишлаб чиқаришни бошқариш ҳам бевосита бозор регулятори элементлари таъсирида йўлга қўйилади. Таҳлилда асосий эътибор маркетинг тадқиқотларига қаратилади. Бозордаги аҳвол ва унинг ўзгарувчанлиги, талаб ва таклиф даражалари, бозор соҳиблари ва уларнинг мавқеи, фаолиятни йўлга қўйишнинг имкониятлари кенг қамровда ўрганилади.

Бозор талабини таҳлил этишда бозорнинг алоҳида олинган товарлар билан тўйинганлик даражаси, унинг яқин ва узоқ оралиқда ўзгарувчанлик эҳтимоллари, товарлар нархининг ўзгарувчанлиги, энг юқори фойдалили, мувозанатлашган кўрсаткичлар ва уларнинг ўзгаришларига баҳо берилади (14-чизма).



14-чизма. Кейс машиналарига бўлган талабнинг ўзгариши.

A1 — талабнинг дастлабки чизиғи.

A2 — талабнинг янги чизиғи.

Таҳлил этишда талаб эгри чизиғининг ўзгариш сабаблари ва уларнинг таъсир даражаларини ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин. Буни икки таъсирли бирлик орқали аниқлаш имкони бор, яъни баҳо ва миқдор омили (15-чизма).



15-чизма. Талаб таҳлили кўрсаткичлар тизими.

31 Маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар кўрсатиш жараёнига қандай омиллар таъсир кўрсатади? Бу омиллар қандай таҳлил қилинади?

Маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмига таъсир этувчи омилларни иқтисодий белгилари бўйича қуйидаги тўртта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Меҳнат омиллари.
2. Ашёвий омиллар.
3. Меҳнат воситалари омиллари.
4. Тадбиркорлик қобилияти.

Меҳнат воситалари билан боғлиқ бўлган омиллар ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатида ўрганилади. Меҳнат омилларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири бевосита миқдор ва сифат кўрсаткичларда аниқланади.

Меҳнат ашёлари билан боғлиқ бўлган омилларга моддий қийматлар билан таъминланганлик ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари киради.

Меҳнат воситалари билан боғлиқ бўлган омилларга корхонанинг асосий воситалар билан қуролланиши ва уларнинг самарадорлиги, интенсив ривожланиш кўрсаткичлари киритилади. Тадбиркорлик лаёқати деганда аҳолининг ўз қобилиятини тўла намоён этишга иштиёқи ва унинг самараси тушунилади.

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳар бири таркиби бўйича алоҳида, бошқа омиллар таъсиридан холи равишда ўрганилади. Яъни бир туркум омилларнинг таъсири ўрганилаётган бошқа таркиб омиллар таъсирисиз деб олинади (12-жадвал).

12-жадвал

Маҳсулот хажмига таъсир этувчи омиллар

Омиллар	Мезонлари
Меҳнат омиллари	Ишчилар сонининг ўзгариши,иш кунларининг ўзгариши,иш куни давомийлиги,ўртача бир соатлик меҳнат унумининг ўзгариши кабилар.
Ашёвий омиллар	Моддий қийматлар ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари.
Меҳнат воситалари билан боғлиқ омиллар	Асосий воситалар ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари.
Тадбиркорлик қобилияти билан боғлиқ омиллар	Тадбиркорлик қобилияти, ғояси ва ҳ.к.

32 Бозордаги талаб ва таклиф таҳлил қилинаётганда қайси омилларга кўпроқ эътибор берилади?

Бозор мувозанатининг муҳим элементи бўлган талаб ва таклифни, унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш асосида корхона (фирма)нинг ишлаб чиқариш суръати ва унинг тузилишига баҳо берилади. Талаб — истеъмолчилар томонидан сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдоридир. Уни тўловга қобил эҳтиёж дейиш ҳам мумкин. Талаб ўзгаришига қуйидаги омиллар, яъни, товарлар баҳосининг ҳамда миқдорининг ўзгариши, сотиб олувчилар сони, пул маблағлари, мулкий жамғарма, истеъмолчилар дидининг ўзгариши, маҳсулотлар сифатининг ўзгариши ва бошқа бир қатор омиллар таъсир этади.

Омилларнинг талаб ҳажми ўзгаришига таъсирини қуйидаги боғланишларда талаб функциясида ифодалаш ва аниқлаш мумкин, яъни:

Qд = f / P, Pa, Pв, , I, T, Ш /.

Бу ерда:
P, Pa, Pв — турдош товарлар баҳоси.
I — аҳолининг пул даромадлари.
T — аҳолининг диди ва нимани афзал кўриши.
Ш — мулкий жамғарма.

Агар товарлар баҳосидан бошқа жами омиллар ўзгармас деб олинса, талаб функцияси фақат баҳо функциясига тенг бўлади. Яъни,

Qд = f / P.

Таклиф бу — ишлаб чиқарувчиниг бозорга чиқарган ва чиқариши мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир. Таклифнинг ўзгариши ҳам бир неча омиллар таъсирида рўй беради. Улар қаторига муайян ва бошқа товарлар баҳосининг ўзгариши, технологик жараёнларнинг ўзгариши, солиқлар ва дотациялар, табиий иқлим шароити ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Qд = f / P, Pa, Pв, ., K,C, Z /.

Бу ерда:
P, Pa, Pв — муайян ва бошқа товарлар баҳоси.
K — қўлланилаётган технология характери.
C — солиқлар ва дотациялар.
Z — табиий иқлим шароити.

Агар муайян товарлар баҳосидан бошқа барча омиллар ўзгармас деб олинса, таклиф функцияси қуйидагича бўлади, яъни:

Qд = f / P.

16-чизма орқали талаб ва таклиф эгри чизиғининг омиллар таъсирида бирламчи ва иккиламчи ўзгаришларини таҳлил этиш мумкин. Талаб эгри чизиғини A_1 ва A_2 нуқталарда таклиф эгри чизиғи билан кесишуви мувозанатлашган бирликни характерлайди.



16-чизма. Талаб ва таклиф эгри чизиғи.

Қуйидаги боғланишларда таклиф ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни схематик шаклда ифода этишимиз мумкин. (17-чизма):



17-чизма. Таклиф ўзгаришига таъсир этувчи кўрсаткичлар тизими.

33 Корхона (фирма) томонидан маҳсулотларни сотиш қандай шартлар асосида бажарилади ва у қандай таҳлил қилинади?

Ривож топаётган бозор шароитида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан кўра кўпроқ уларни сотиш муаммоси олдинги ўринга чиқади. Корхоналар эркин фаолият юритувчи субъектлар сифатида олди-сотди муносабатларини ҳам мустақил белгилайдилар.

Маҳсулот, иш ва хизматларни олди-сотди жараёнлари бозор муносабатларининг негизида туради. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш мулкий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда ўзаро шартномавий келишувларга таянади. Маҳсулот ортиб жўнатилган ва ҳисоб ҳужжатлари қарши томонга (харидор ва буюртмачиларга) тақдим этилган бўлса, сотилган ҳисобланади. Маҳсулотларга эгалик ҳуқуқи улар ортиб жўнатилган пайтданоқ корхона (фирма)дан четланади ва қарши томонга ўтади. Улар бўйича ҳисоб-китоблар томонларнинг ўзара келишувида ҳал этилади.

Маҳсулотларни *сотилган деб ҳисоблашнинг одатда икки* шарти, яъни улар ортиб жўнатилган ва корхона ҳисоб рақамига пули келиб тушишини характерловчи "кассали усул" ҳамда ортиб жўнатилган ва ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилган пайтданоқ сотилган ҳисобланувчи "ҳисобга олиш усул"и характерланади. Мулкга эгаликнинг янги ҳуқуқий аспектларида асосан иккинчи усул таркибланади. Шунингдек, бутун ҳисоб-китоблар тизими ҳам ушбу қонуният асосида тузилади. Олди-сотди муносабатларида ягона белги шуки, ортиб жўнатилган ёки сотилган маҳсулотлар бўйича маблағларни ундириб олиш бевосита мулк эгасининг муаммосидир.

Шартномавий муносабатларда унинг субъектлари ўзаро келишувининг ҳуқуқий аспектлари ифодаланади, маҳсулотларни сотувчи ва сотиб олувчилар, уларнинг мажбуриятлари, ҳисоб-китобларнинг шакли, даври ва шартлари, уларнинг бузилишида қўлланиладиган чоралар, уларнинг тартибга солиниши акс эттирилади. Маҳсулотларни сотиш улгуржи ва чакана нархларда амалга оширилади (18-чизма).

Таварлар ишлаб чиқариш таннархи	Корхона фойдаси	Сотишга солиқлар	Савдо устамаси
Корхонанинг улгуржи сотиш баҳоси			
Корхонанинг чакана сотиш баҳоси			

18-чизма. Корхона томонидан қўлланиладиган нархлар.

Таҳлилда маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш режасининг бажарилиши ва динамикаси, унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни қуйидаги чизма ва жадвал мисолида кўришимиз мумкин:



19-чизма. Маҳсулотларни сотиш шакллари.

Ишлаб чиқариш таннархи + Корхона фойдаси + Сотишга солиқлар	I	Сотиб олиш баҳоси
Ишлаб чиқариш таннархи + Корхона фойдаси + Сотишга солиқлар + Савдо устамаси	II	Сотиб олиш баҳоси
Ишлаб чиқариш таннархи + Корхона фойдаси + Сотишга солиқлар + Савдо қўшимчаси + Савдо устамаси	III	Сотиб олиш баҳоси
Ишлаб чиқариш таннархи + Корхона фойдаси + Сотишга солиқлар + Савдо қўшимчаси + Савдо қўшимчаси + Савдо устамаси	IV	Сотиб олиш баҳоси

20-чизма. Сотиш шакллари бўйича нархларнинг шаклланиши.

13-жадвал

Сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таҳлили (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Товар маҳсулотининг йил бошидаги қолдиғи	Ишлаб чиқарилган маҳсулот	Товар маҳсулотининг йил охиридаги қолдиғи	Сотилган маҳсулот
1	2	3	4	5
Ўтган йил	14670	156700	16420	164590
Ҳисобот йили	22200	198450	5690	212900
Сотиш ҳажмига таъсири	+7630	+41750	-10730	+48310

Маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 48310 минг сўмга ортган. Бу ўзгаришда товар маҳсулотининг йил бошига қолдиқларининг ўзгариши +7630 минг сўмни, ишлаб чиқарилган маҳсулот ўзгариши +41750 минг сўмни, товар маҳсулотларининг йил охирига қолдиғи эса — 10730 минг сўм ўзгаришга эга бўлган.

34 Маҳсулотлар тури ва ассортименти бўйича ишлаб чиқариш даражаси қайси усулда таҳлил қилинади?

Маҳсулот, иш ва хизматларнинг тури ва ассортименти таҳлилида уларнинг сегментлар бўйича таққосланадиган ва таққосланмайдиган, профилдаги ва профилда бўлмаган турлари, асосий ва қўшимча маҳсулотлар турлари бўйича туркумланиши ўрганилади. Улар бўйича режа топшириқларининг бажарилиши, умумий режа топшириқларининг бажарилишида уларнинг таъсири, маҳсулотлар тузилишидаги таркибий ўзгаришларга баҳо берилади. Маҳсулот ассортименти деб, уларнинг таркиб бўйича турланишига айтилади. Масалан, пахтанинг навлар бўйича туркумланиши, компьютерларнинг авлодлар бўйича туркумланиши ва ҳ.к.

Маҳсулотларнинг турлар бўйича йириклаштирилган таркиби унинг номенклатурасини белгилайди. Маҳсулотлар ассортименти ва номенклатураси таҳлилида белгиланган ва ишлаб чиқарилиши режалаштирилган маҳсулотларнинг ўзгаришларига баҳо берилади. Якуний кўрсаткич сифатида алоҳида маҳсулотлар тури бўйича режа бажарилишини характерловчи кўрсаткич аниқланади. Маҳсулот ассортименти бўйича режа бажарилиши қуйидагича аниқланади:

$$Ap = \frac{\text{Ассортимент бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми}}{\text{Режа бўйича ишлаб чиқариши белгиланган маҳсулот}} \times 100$$

14-жадвал

Маҳсулот ассортименти режасининг бажарилиши таҳлили

Кўрсаткичлар	DEWOO	DELL	LG	PANASONIC	Жами
Режа бўйича (минг сўм)	5000	1000	3000	4000	13000
Ҳақиқатда (минг сўм)	5200	800	2800	5200	14000
Ассортиментга қабул қилинган маҳсулот (минг сўм)	5000	800	2800	4000	12600
Умумий режа бажарилиши,%	x	x	x	x	107,7
Ассортимент бўйича режа бажарилиши,%	x	x	x	x	96,9

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 107,7 фоизга бажарилган. Лекин ассортимент бўйича режа 96,9 фоизга уддаланган. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришдаги таркиб ўзгаришлар 3,1 фоизга тенг бўлган.

35 Ишлаб чиқаришнинг маромийлиги деганда нима тушунилади ва у қандай таҳлил қилинади?

Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги деб маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қисқа даврийликда ёки тенг вақтлар оралиғида бир хил даражада сақланишига айтилади. Маҳсулотлар ассортименти таҳлили уларнинг турлар бўйича ўзгаришини характерласа, маромийлик даврий, тенг тақсимотни ва уларнинг ўзгаришини характерлайди.

Ишлаб чиқаришнинг бир маромда ташкил этилиши маҳсулотлар сифатига, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш сарфларига кучли таъсир этади. Таҳлилда эътибор кўпроқ самарали бошқаришнинг муҳим жиҳатларига қаратилади. Улар тузилган режа топшириқларига қатъий амал қилиниши, ишлаб чиқаришнинг сменали ташкил этилиши, технологик жараёнларда жорий (таъмир, кўрик каби) тадбирларнинг амалга оширилишида намоён бўлади (15-жадвал).

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маромийлигида умумий кўрсаткич сифатида маромийлик коэффициенти аниқланади, яъни:

$$Мр = \frac{\text{Маромийлик ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми}}{\text{Режа бўйича ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот ҳажми}} \times 100$$

15-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги таҳлили

Ўн кунликлар	DEL телевизори		LG телевизори		DEWOO телевизори		Жами	
	режа	ҳақ.	режа	ҳақ.	режа	ҳақ.	режа	ҳақ.
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Биринчи	100	80	150	110	200	150	450	340

1	2	3	4	5	6	7	8	9
Иккинчи	100	150	150	160	200	140	450	450
Учинчи	100	100	150	210	200	330	450	640
Жами	300	330	450	480	600	620	1350	1430
Маромийлик ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот	x	280	x	410	x	490	x	1200
Маромийлик коэфф.	x	0,93	x	0,91	x	0,82	x	0,88
Ҳақиқатан режа бажарилиш коэфф.	x	1,10	x	1,06	x	1,03	x	1,06

Демак, корхонада DEL русумли телевизорлар ишлаб чиқариш режаси 110 % га, LG русумли телевизорлар ишлаб чиқариш режаси 106 % га, DEWOO русумли телевизорлар ишлаб чиқариш эса 103 % га бажарилган. Жами маҳсулот режаси 106 % га бажарилган. Ишлаб чиқариш маромийлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши эса 93 (DEL), 91 (LG), 82 (DEWOO)%га тенг бўлган. Жами маҳсулот ҳажми бўйича маромийлик коэффициенти 0,88 га ёки 88 % га тенг бўлган.

Ишлаб чиқариш маромийлиги ўзаро боғланиш ва меҳнат тақсимотидаги корхоналар фаолиятини тўғри ҳамда бир текисда йўлга қўйишда, шунингдек, барқарорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

36 Маҳсулот сифатини таҳлил қилиш қандай амалга оширилади?

Маҳсулот сифати ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сифат деганда маҳсулотнинг товарлилик даражаси ва унинг харидорлар дидидаги юқори таснифий белгиларга эгалигига айтилади. Товарлилик даражаси унинг таклиф элементи сифатида ўз харидорига эга эканлигини, таснифий белги-

лари эса техник-иқтисодий, социал-иқтисодий, экологик-иқтисодий белгиларнинг мувофиқлигини характерлайди.

Маҳсулот сифатини икки категория бўйича таркиблаш мумкин:

— олий сифат категорияси;

— биринчи сифат категорияси.

Олий категориядаги маҳсулот деб ўзимизнинг ва халқаро сифат белгисига эга бўлган маҳсулотларга айтилади. Биринчи сифат категориясидаги маҳсулот деб давлат сифат белгисидаги ҳамда барча талабларга (ўзимизнинг ва чет эллик истеъмолчиларнинг талабларига) жавоб берувчи маҳсулотлар тан олинади. Таҳлилда маҳсулотлар сифат белгиси асосида таққосланувчи бирликларнинг мутлақ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади. Жами маҳсулот таркибида олий сифат ва биринчи сифат маҳсулотлари салмоғининг йиллар бўйича ўзгаришларига баҳо берилади. Маҳсулот сифатига баҳо беришда баллар тизимидан фойдаланиш, сифат коэффициентларини қўллаш, ўртача навлилик даражаларини аниқлаш ҳам муҳимдир (16-жадвал).

16-жадвал

Маҳсулот сифати таҳлили

Кўрсаткичлар	Маҳсулот бирлиги баҳоси,сўм	Ишлаб чиқарилган маҳсулот, дона		Режани бажарилиши,%	Жами маҳсулотдаги улуши, %		Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати, минг сўм	
		режа	ҳақиқатда		режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда
Олий нав	1200	710	780	109,8	58,6	63,4	852	936
Биринчи нав	1050	500	450	90,0	41,4	36,6	525	472,5
Жами	х	1210	1230	101,6	100	100	1377	1408,5

1. Ўртача навлилик коэффициенти:

$$\frac{1377 \text{ минг сўм}}{1210 \times 1200} = 0{,}948 \qquad \frac{1408{,}5 \text{ минг сўм}}{1230 \times 1200} = 0{,}954$$

2. Ўртача сотиш баҳоси:

$$\text{Режа} \quad \frac{1377 \text{ минг сўм}}{1210 \text{ дона}} = 1138 \text{ сўм}$$

$$\text{Ҳақиқатда} \quad \frac{1408{,}5 \text{ минг сўм}}{1230 \text{ дона}} = 1145 \text{ сўм}$$

Маҳсулот бирлигининг ўртача сотиш баҳоси ва унинг 7 сўмга ортиши қиймат шаклида ишлаб чиқарилган маҳсулотни 8,6 минг сўм ортишига олиб келди.

(1145-1138)*1230=8,6 минг сўм

37 Корхона (фирма)да банд бўлган ходимларнинг таркиби қандай таҳлил қилинади?

Ходимлар таркиби деганда уларнинг хизмат вазифалари ва меҳнат фаолиятининг мазмунига кўра таркибланиши назарда тутилади. Корхонада банд бўлган ходимларни турли белгилар бўйича гуруҳлаш мумкин. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг тузилиши бўйича — саноат ишлаб чиқариш ходимлари, бошқа тармоқ ходимлари, ноишлаб чиқариш ходимлари; банд бўлишига қараб — доимий ишчилар, мавсумий ишчилар; хизмат вазифаси бўйича — ишчилар, хизматчиларга; ишлаб чиқаришда қатнашиш даражаси бўйича — асосий ва ёрдамчи ишчиларга гуруҳланади. Шунингдек, ёши, меҳнат стажи, жинси, малакаси ва маълумоти бўйича ҳам гуруҳлаш мумкин.

Ходимлар таркиби, динамикаси, ҳаракатини улар бўйича мутлақ ва нисбий ўзгаришларда ўрганиш таҳлил мазмунини ташкил этади (17-жадвал).

17-жадвал

Ходимларнинг таркиби бўйича таҳлили

Таркиб	Ҳисобот йили				Фарқи	
	Режа		Ҳақиқатда		Мутлақ	Нисбий
	сони	%	сони	%	сони	%
Ишчилар	1560	82,9	1450	83,8	-110	+0,9
Хизматчилар	320	17,1	280	16,2	-40	-0,9
Шу жумладан:						
Раҳбарлар	34	1,81	30	1,73	-4	-0,08
Жами	1880	100	1730	100	-150	х

Корхонадаги жами ходимлар сони ўтган йилга нисбатан 154 кишига камайган. Шу жумладан, ишчилар сонидаги ўзгаришлар −110 кишига, хизматчилар таркибидаги ўзгаришлар −40 кишига камайган.

38 Корхона (фирма)нинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси қандай таҳлил қилинади?

Корхона фаолиятининг натижавийлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг ишчи кучи билан қай даража таъминланганлигига боғлиқ. Шу маънода ходимлар ва уларнинг соҳиблари фаолиятни мақсадли бошқаришга муҳим (шахсий) омил сифатида қарашади. Ишчи кучи билан таъминланиш таҳлилида ходимларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришлари, маҳсулот ҳажмини ўстириш юзасидан мутлақ ва нисбий фарқлар, ходимлар айланишини характерловчи кўрсаткичлар ўрганилади. Корхонанинг меҳнат ресурслари билан тўла бандлиги таҳлили бевосита уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасидаги бандлигини, маҳсулот ҳажми ўсиши юзасидан талаб этиладиган

ходимлар сонини ўрганишни тавсифлайди. Ходимлар сони бўйича мутлақ ва нисбий фарқланишлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан олиб қаралган ҳолда аниқланади.

Шунингдек, таҳлил этишда меҳнат ресурслари ҳаракатини характерловчи асосий кўрсаткич сифатида ходимлар қўнимсизлиги аниқланади. Ходимлар қўнимсизлиги қуйидаги боғланишда аниқланади:

$$Ққўн.= \frac{Хс}{Х}$$

Бунда:

Ққўн — ходимлар қўнимсизлиги коэффициенти.

Хс — корхона ва умумжамият характерида бўлмаган сабаблар таъсирида ишдан бўшаганлар сони (ўз аризасига кўра ва меҳнат интизомини бузганлиги сабабли ишдан бўшаганлар).

Х — ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони.

Ходимлар қўнимсизлиги бевосита уларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш бўйича айланмаларни ҳисоблаш асосида тўлдирилади. Ходимларни ишга қабул қилиш коэффициенти ҳисобот даврида ишга қабул қилинган ходимлар сонини уларнинг ўртача рўйхат сонига бўлиш асосида аниқланади.

Ходимларнинг ишдан бўшатиш коэффициенти ишдан бўшаган жами ходимлар сонини уларнинг рўйхатдаги ўртача сонига бўлиш асосида аниқланади (18-жадвал).

18-жадвал

Ходимлар таркибидаги мутлақ ва нисбий фарқланишлар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ходимлар сони, киши
1.Режа бўйича	1560
2.Маҳсулот ҳажми ўзгаришига мувофиқ ишчилар сони 1560*20,9/100	1886
3.Ҳақиқатда	1450
4.Мутлақ фарқ (3-1)	-110
5.Нисбий фарқ (3-2)	-436

Корхонада банд бўлган ишчилар сони режага нисбатан 110 кишига кам бўлган, лекин нисбий фарқланиш бўйича ходимлар сони 436 кишини ташкил этган. Бу билан корхонада асосий эътибор меҳнат самарадорлиги ошиши ҳисобига маҳсулот ҳажмини ўстиришга қаратиш орқали изоҳлаш мумкин.

39 Иш вақтидан фойдаланиш даражаси қандай усулларда таҳлил қилинади?

Корхонада меҳнат унумининг ўсиши кўп жиҳатдан иш вақтидан қай даражада фойдаланиш даражаси билан боғлиқдир. Корхонада иш вақтидан фойдаланишнинг қуйидаги жиҳатларини фарқлаш мумкин:

— ишчилар иш вақтидан фойдаланиш даражасини ўрганиш;

— ускуналар иш вақтидан фойдаланиш даражасини ўрганиш.

Ишчилар иш вақтидан фойдаланишнинг умумлашган кўрсаткичи — жами ишчилар томонидан йил давомида ишланган киши-соатлари ҳисобланади. Таҳлил чоғи, корхонада иш вақтидан фойдаланишнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги, унинг ўзгаришига таъсир этувчи алоҳида омилларнинг таъсир даражасига таъриф берилади. Ишчиларнинг иш вақтидан фойдаланиш даражасига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- ўртача рўйхатдаги ишчилар сонининг ўзгариши;
- бир йилда ўртача ишланган иш кунларининг ўзгариши.
- иш куни давомийлигининг ўзгариши.

Ускуналар иш вақтидан фойдаланиш таҳлилида ускуналарнинг бўш туришларига, уларнинг меҳнат самараси ва унумдорлигига баҳо берилади.

19-жадвал

Иш вақтидан фойдаланиш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Т/р	Т/р	Ишчилар сони, (киши)	Ўртача ишланган кунлар, (кун)	Иш кунининг давомийлиги, (соат)	Умумлашган кўрсаткич (киши, кун, соат)	Олдинги ҳисобдан фарқ	Таъсир сабаби
А	Б	1	2	3	4	5	6
1.		1200	240	7,0	2016		
2.	1.	1300	240	7,0	2184	+168	Ишчилар сонининг ўзг.
3.	2.	1300	250	7,0	2275	+91	Иш куни ўзгариши
4.	3.	1300	250	7,2	2340	+65	Иш куни давом. ўзгариши
Жами ўзгариш						+324	

Корхонада умумий иш вақти фонди ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, жорий даврда ишчилар сонининг ўзгариши ҳисобига иш вақти фонди 168 минг киши-кун соатга, иш кунининг ўзгариши таъсирида 91 минг киши-кун соатга, иш куни давомийлигининг ўзгариши таъсирида 65 минг киши-кун соатга ўзгаргани кузатилган. Барча омиллар таъсиридаги ўзгариш 324 минг киши-соатга тенг бўлган.

40 Меҳнат унумдорлиги қандай таҳлил қилинади?

Маълум вақт ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт меҳнат унумини тавсифлайди. Меҳнат унумдорлиги ишлаб

чиқарилган маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмини меҳнат сарфига бўлиш асосида аниқланади. Меҳнат сарфи сифатида сарфланган иш соатлари ёки иш кунлари олинади. Шунингдек, иш кунлари ва соатларида банд бўлувчи субъект сифатида ходимлар ёки ишчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони ҳам олинади. Таҳлил этишда меҳнат унумдорлиги, унинг ўсиш даражаси ва динамикасига баҳо берилади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражалари ва динамикасига баҳо беришда унинг ўзгаришига таъсир этувчи қуйидаги омилларга алоҳида аҳамият берилади:

- интенсив омил;
- экстенсив омил;
- ишлаб чиқаришнинг техник-технологик ҳолати.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши:

- маҳсулот ҳажми уни ишлаб чиқариш вақти ва сифатига таъсир этмаган ҳолда оширилишига;
- маҳсулот бирлигига меҳнат сарфининг камайишига;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва товарлар айланиш вақтини қисқартиришга;
- ҳажм ва фойда меъёрининг оширилишига имкон беради.

Меҳнат унумдорлиги қиймат ва айрим ҳолларда натурал, шартли-натурал кўрсаткичларда аниқланади. Уни аниқлашнинг қуйидаги кўрсаткичлар тизими орқали таркиблаш мумкин (20-жадвал):

20-жадвал

Меҳнат унумдорлигини характерловчи кўрсаткичлар тизими

Меҳнат унумдорлигини характерловчи кўрсаткичлар	
Бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми	$МУ = \frac{\text{Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми}}{\text{Ходимларнинг ўртача сони}}$
Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми	$МУ = \frac{\text{Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми}}{\text{Ишчиларнинг ўртача сони}}$

20-жадвалнинг давоми

Бир соатлик меҳнат унуми	$МУ = \frac{\text{Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми}}{\text{Ишланган иш соатлари}}$
Бир кунлик меҳнат унуми	$МУ = \frac{\text{Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми}}{\text{Ишланган иш кунлари}}$

Меҳнат унумдорлигини алоҳида олинган корхона маълумотлари асосидаги таҳлилни қуйида кўриб ўтиш мумкин (21-жадвал):

21-жадвал

Меҳнат унумдорлиги таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи +,—	Ўзгариш даражаси, %
А	1	2	3	4
1.Маҳсулот ҳажми, корхона улгуржи баҳосида, (минг сўм)	15428	18650	+3222	120,9
2.Саноат ишлаб чиқариш ходимлари, киши	1914	1760	-154	91,9
3. Шу жумладан: ишчилар, киши	1560	1450	-110	92,9
4.Ишчиларнинг саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги салмоғи % да (3/2)	81,5	82,3	+0,8	101,1
5.Жами ишланган иш кунлари, минг киши-куни	430,6	366,0	-64,6	85,0
6.Жами ишланган иш соатлари, киши-соат	3014,2	2635,2	-379,0	87,4
7.Иш кунининг давомийлиги,соат (6/5)	7,0	7,2	+0,2	1,02

А	1	2	3	4
8. Бир ишчи томонидан ишланган киши-куни, кун (5/3)	276	252	-24	91,3
9. Бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми, сўм (1/2)	8060,6	10596,5	+2535,9	131,4
10. Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми, сўм (1/3)	9889,7	12862,0	+2972,3	130,0
11. Бир соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот,сўм (1/6)	5118,4	7077,2	+1958,8	138,2
12. Бир киши-кунида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, сўм (1/5)	35829,0	50956,2	+15127,2	142,2

Корхонада ходимлар иш вақтидан фойдаланиш таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, жорий даврда бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 2535,9 минг сўмга ёки +31,4 %га ортган. Шунингдек, бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ҳам 2972,3 минг сўм ёки +30,0 % ўсишга эришилган. Бир кунлик ва бир соатлик меҳнат унуми кўрсаткичлари бўйича ўзгариш +15127,2 минг сўмни (ёки +42,2 % ни) ҳамда 1958,8 минг сўмни (ёки +38,2 %ни) ташкил этган.

41 Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади?

Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Моддий-техник ва технологик.
2. Ташкилий-иқтисодий.
3. Ижтимоий-психологик.

Моддий-техник ва технологик омиллар ишлаб чиқаришда самарадор техника ва илғор технологик ускуналар-

дан, шунингдек, ахборотлар технологиясидан, янги хом ашё ва материаллардан фойдаланишни характерлайди. Улар кўпроқ маҳсулотнинг ҳажмига, сифатига, меҳнат ва ашёвий сарфига таъсир этади. Ташкилий-иқтисодий омилларга бошқарувнинг, меҳнат ва бутун ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали ва замонавий тизимини қўллаш усуллари киради. Ижтимоий-психологик омилларга — ходимларнинг сифат таснифини характерловчи (малакаси, меҳнат фаоллиги, мажбурияти ва хизмат вазифасига масъуллиги, ишбилармонлиги) жиҳатларини фаоллаштириш масалалари киради.

Юқорида таркибланган барча омиллар ўзаро боғлиқ ва алоқададир. Шу сабабли улар бевосита комплекс ҳолда ўрганилади.

Меҳнат унумдорлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ўрганишда бир ишловчига ва бир ишчига тўғри келадиган унумдорлик кўрсаткичларига аҳамият берилади. Бир ходимга тўғри келадиган меҳнат унумининг ўзгаришига ишчиларнинг жами ишловчилар таркибидаги салмоғининг ўзгариши ва бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсир этади. Бир ишчи меҳнат унумининг ўзгаришига эса унинг ўртача йиллик иш кунларининг ўзгариши, иш куни давомийлигининг ўзгариши ҳамда бир соатлик меҳнат унумининг ўзгариши таъсир этади (21-чизма).



Таҳлилда ҳар бир омилнинг натижавий кўрсаткичга таъсир даражалари ҳисоблаб топилади ва уларнинг ўзгариш таъсири баҳоланади (22-жадвал).

22-жадвал

Меҳнат унуми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили
(18-жадвал маълумотлари асосида)

Бир ходимнинг меҳнат унуми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар		Бир ишчининг меҳнат унуми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар		
Ишчиларнинг саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги салмоғининг ўзгариши, (минг сўм)	Бир ишчига тўғри келадиган меҳнат унумининг ўзгариши, (минг сўм)	Бир ишчи кунининг ўзгариши, (минг сўм)	Иш куни давомийлигининг ўзгариши, (минг сўм)	Бир соатлик меҳнат унумининг ўзгариши, (минг сўм)
+79,1176	+2446,2029	-859,8912	+257,96736	3554,04672
+0,008·9889,7	+2972,3·0,823	-24·7,0·5118,4 /1000	0,2·252·5118,4 /1000	+1958,8·252· 7,2/1000

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини характерловчи кўрсаткич–меҳнат унумининг ўзгариши жами ходимлар ва ишчилар сонига нисбатан қуйидагича бўлган: бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 2535,9 сўмга ёки 131,4 % га ўсган. Бу ўзгариш бевосита саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибида ишчилар сонининг ўзгариши ва бир ишчи меҳнат самарасининг ўзгариши ҳисобига рўй берган. Саноат ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги ишчилар салмоғининг 0,008 коэффициентга ёки +1,1 % ўсиши меҳнат унумининг +79,1176 (+0,008·9889,7) сўм ўсишига олиб келган. Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмининг ўтган йилга нисбатан +2972,3 сўм ёки +30,0 % га ўсиши натижасида бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ҳажми +2446,2029 (+2972,3·0,823) сўмга ўсган.

Ҳисоб-китоблардаги ноаниқликлар:
+79,1176 + 2446,2029 = 2525,3205 − 2535,9000 = -10,5795 сўмга тенг.

Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан +2972,3 сўм ёки 30,0 % га ўсган.

Бу ўзгаришда ишланган киши. кунларининг ўзгариши таъсири — **859,8912** сўмга (-24·7,0·5118,4/1000), иш куни давомийлигининг ўзгариши **+257,96736** сўмга (+0,2·252·5118,4/1000), ўртача бир соатлик меҳнат унумининг ўзгариши **3554,04672** сўмга (+1958,8·252·7,2/1000) тенг бўлган.

Ҳисоб-китоблардаги ноаниқликлар:
-859,8912+257,96736+3554,04672 = 2952,12288 − 2972,3 = — 20,1772 сўм.

42 Меҳнат унуми билан иш ҳақининг ўсиши орасидаги нисбат таҳлили қандай ўтказилади?

Иқтисодий ривожланишнинг муҳим қонуниятларидан бири меҳнат унуми билан иш ҳақининг ўсиши ўртасидаги нисбатнинг сақланишидир. Ушбу қонуният иш ҳақи ўсишининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан ўзаро боғлиқлигини характерлайди. Меҳнат унуми билан иш ҳақининг ўсиши орасидаги алоқадорлик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 0,7 коэффициентда белгиланган. Бу алоқадорлик маҳсулот ҳажмининг ҳар бир фоизлик қўшимча ўсишига нисбатан иш ҳақининг базавий даражасини 0,7 коэффициентга оширишни ифодалайди.

Маҳсулот ҳажмининг ўсишини аниқлашда, албатта, жорий давр кўрсаткичи ўтган даврнинг худди шу пайти билан таққосланади ва нисбий фарқланиш аниқланади. Ўсиш даражаларини аниқлашда маҳсулот ҳажмининг таққослама бирликларига амал қилинади. Яъни, таққосланувчи кўрсаткичлар бир хил индексда олинади. Бу ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таққослама баҳоларига амал этилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таққослама кўрсаткичлари ҳар бир тармоқнинг ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади (22-чизма).



22-чизма. Меҳнат унуми билан иш ҳақи ўсиши орасидаги нисбат боғланишлари.

Таҳлил этишда меҳнат унуми билан иш ҳақининг ўсиши ўртасидаги нисбатнинг корхонада сақланишига ва унинг йиллар бўйича ўзгаришига баҳо берилади. Меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсир бирликлари, бир ходимга тўғри келадиган иш ҳақининг ўзгариши ва унинг таъсир бирликлари ҳам таҳлилнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

43 Маҳсулот ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили қандай ўтказилади?

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил этиш ресурслардан самарали фойдаланишнинг муҳим жиҳати сифатида ўрганилади. Бунда маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига кўрсаткичлар таъсири аниқланади. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни миқдор ва сифат кўрсаткичларига ажратиш мумкин. Миқдор кўрсаткичлари — бу ходимлар сони ва салмоғи, ишланган иш куни ва

давомийлиги билан боғлиқ бўлиб, сифат кўрсаткичлари эса уларнинг унумдорлик даражаси ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи меҳнат омилларини қуйидаги таркибда гуруҳлашимиз мумкин (23-чизма):



23-чизма. Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқ ҳисоб-китобларда қуйидагича кўриб чиқамиз (23-24-25- жадвал):

23-жадвал

Омиллар таъсирини занжирли алмаштиришлар усулида аниқлаш

Тартиб рақами ва уларнинг алмаш-тирилиши	"И"	"Д"	"П"	"Э"	"Q"	Олдинги ҳисобдан фарқи	Таъсир омили
1	2	3	4	5	6	7	8
1-0	**Ир**	**Др**	**Пр**	**Эр**	**Qр**		

1	2	3	4	5	6	7	8
2-1	**Их**	**Др**	**Пр**	**Эр**	**Қш**	**А1**	Ишчилар сонининг ўзгариши
3-2	**Их**	**Дх**	**Пр**	**Эр**	**Қш**	**А2**	Иш кунининг ўзгариши
4-3	**Их**	**Дх**	**Пх**	**Эр**	**Қш**	**А3**	Иш кунининг давомийлиги
5-4	**Их**	**Дх**	**Пх**	**Эх**	**Қх**	**А4**	1 соатлик меҳнат унуми
Жами ўзгариш = А1+А2+А3+А4						**А5**	

р — режа; х — ҳақиқатда

24-жадвал

Ҳисоб-китоблар

(21-жадвалга қаранг)

Тартиб рақами ва уларнинг алмаштирилиши	"И"	"Д"	"П"	"Э"	"Қ"	Олдинги ҳисобдан фарқи	Таъсир омили
1-0	**1560**	**276**	**7,0**	**5118,4**	**15428**		
2-1	**1450**	**276**	**7,0**	**5118,4**	**14338**	**-1090**	Ишчилар сонининг ўзгариши
3-2	**1450**	**252**	**7,0**	**5118,4**	**13092**	**-1246**	Иш кунининг ўзгариши
4-3	**1450**	**252**	**7,2**	**5118,4**	**13465**	**+373**	Иш куни давомийлиги
5-4	**1450**	**252**	**7,2**	**7077,2**	**18650**	**+5185**	1 соатлик меҳнат унуми
Жами ўзгариш						**+3222,0**	

25-жадвал

Омиллар таъсирини нисбий ва мутлақ фарқлар усулида аниқланиши
(21-жадвалга қаранг)

Омиллар	Нисбий фарқ	Мутлақ фарқ
1.Ишчилар сонининг ўзгариши	92,9-100·15428/100= -1095,38	-110·276·7,0·5118,4 /1000=-1087,76
2.Иш кунининг ўзгариши	85,0-92,9·15428/100= -1218,81	-24·1450·7,0·5118,4= -1246,84
3.Иш куни давомийлигининг ўзгариши	87.4-85.0·15428/100= +370.27	+0,2·1450·252·5118,4 = +374,05
4.Бир соатлик меҳнат унумининг ўзгариши	120,9-87,4·15428/100= +5168,38	+1958,8·1450·252·7,2= +5153,36
5.Омиллар йиғиндиси	-1095,38+(-1218,81)+ 370,27+5168,38= +3224,46	-1087,76+(-1246,84)+ 374,05+5153,36= +3193,26
6.Жами ўзгариш	+3222,0	
7.Ҳисоб-китоблардаги ноаниқликлар	+2,46	-28,74

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 3222,0 минг сўмга ўсиши нисбий фарқлар усули бўйича қуйидагича бўлган: ишчилар сонининг ўтган йилга нисбатан 110 кишига қисқариши маҳсулот ҳажмининг +1095,38 минг сўмга камайишига олиб келган. Ишланган иш куни ўзгариши ҳисобига маҳсулот ҳажми 1218,31 минг сўмга камайган. Иш куни давомийлигининг ўтган йилга нисбатан 0,2 соатга ортиши маҳсулот ҳажмини 370,27 минг сўм ўсишига олиб келган. Сифат омили бўлган бир соатлик меҳнат унумининг ўзгариши ҳисобига маҳсулот ҳажми 5168,38 минг сўмга ортган. Барча омиллар йиғиндиси 3224,46 минг сўмни ташкил этган. Ҳисоблашдаги ноаниқликлар эса +2,46 минг сўмга тенг. Бу ўзгариш мутлақ фарқлар усулида аниқланганида нисбий фарқланиши усулига кўра, оралиқ фарқланишлар мавжуд. Бунда жами ўзгаришлар таъсири 3193,26 минг сўмга тенг бўлган. Оралиқ фарқланишлар —28,74 минг сўмни ташкил этган.

44 Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти ва роли нимадан иборат?

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири — бевосита корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлашнинг, фойда олишни қарор топтиришнинг дастаги сифатида қаралишидир. Бу эса, албатта, кўп жиҳатдан корхона харажатлари, ички ва ташқи сарфларига боғлиқдир.

Харажатлар ўзининг турли белгилари бўйича ҳисоб ва таҳлил объектига бўлинади. Булар бевосита корхона харажатларининг юзага чиқиш ўрни, шакли, жавобгарлик марказларининг таркибланиши билан боғланади. Иқтисодий таҳлилнинг муҳим жиҳати бевосита ушбу объектлар бўйича харажатларни даврий ўрганиш асосида уларни камайтириш юзасидан корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни аниқлаш ва уларни ишга солишга қаратилгандир. Бу эса корхона фаолиятининг натижаси билан ҳам боғланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил этишда уларни камайтириш йўналишларини белгилаш биринчи ўринга қўйилади. Бу борада ишлаб чиқариш харажатларини режа ва ўтган йилларга нисбатан маҳсулот ҳажмига таъсир этмаган ҳолда ўсиб кетиши сабаблари ўрганилади. Уларни мақсадли бошқаришнинг йўналишлари белгиланади. Харажатларнинг иқтисод қилиниши ва шу асосда рағбатлантириш механизмининг йўлга қўйилиши истиқбол кўрсаткичларини тўғри тавсифлаш ва белгилаш имконини беради.

Корхонада нафақат ишлаб чиқариш харажатлари, балки ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларни ҳам тўғри бошқаришга муҳим аҳамият берилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини аниқлаш ва унда ўзгарувчан ҳамда ўзгармас харажатларни тўғри белгилаш масалалари ҳам таҳлилнинг муҳим жиҳатидир. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига мувофиқ меъёрланиши билан белгиланади.

45 Корхона харажатлари таркиби ва уларнинг таҳлили қандай амалга оширилади?

Корхона харажатлари деганда – тадбиркорлик фаолияти ва бизнесни йўлга қўйишдаги мақсадли ҳаракатни бошқаришда юзага чиқувчи сарфларга айтилади. Корхона жами харажатларини турли белгилари бўйича таркиблашимиз мумкин (26-жадвал).

26-жадвал

Харажатларнинг туркумланиши

Харажатларни туркумлаш белгиси	Харажатларнинг туркумланиши
1	2
Юзага чиқиш шаклига кўра	Асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича
	Молиявий фаолият бўйича
	Тасодифий,кутилмаган ҳолатлардан
Маҳсулот таннархига қўшилишига кўра	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган
	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган
Юзага чиқиш ўрни бўйича	Бўлим бўйича
	Цех бўйича
	Участка бўйича
	Ва ҳ.к.
Жавобгарлик марказлари бўйича	Бош инженер
	Бош энергетик
	Лаборатория бошлиғи
	Цех бошлиғи
	Участка бошлиғи
	Бўлим бошлиғи ва ҳ.к.
Сотиш ҳажмига ҳисобдан чиқарилишига кўра	Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари
	Давр харажатлари
Даврига кўра	Жорий давр харажатлари
	Келгуси давр харажатлари

1	2
Солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашда ҳисобга олинишига кўра	Солиққа тортиладиган базага қайта қўшиладиган доимий тафовутлар
	Солиққа тортиладиган базага қўшиладиган даври бўйича тафовутлар
	Солиққа тортиладиган базани аниқлашда ҳисобга олинмайдиган харажатлар
Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига мувофиқ	Ўзгарувчан харажатлар
	Ўзгармас, доимий харажатлар
Маҳсулотлар таннархига қўшилишига қараб	Тўғри харажатлар (бевосита)
	Эгри харажатлар (билвосита)
Молиявий натижаларга даҳлсизлиги бўйича	Маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар
	Фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар
Иқтисодий элементлар бўйича	Ашёвий харажатлар
	Меҳнат ресурслари бандлиги бўйича ва улар номидан қилинадиган харажатлар
	Давлат ва унинг номидан иш кўрувчи ташкилотларга турли ажратмалар
	Меҳнат воситаларидан фойдаланиш харажатлари (амортизация, уларни сақлаш, асраш ва фойдаланиш харажатлари)
	Бошқа харажатлар

Таҳлил этишда ўрганиш объекти ва таҳлил мақсадидан келиб чиққан ҳолда корхона харажатларининг у ёки бу туркуми бўйича ўзгаришлар ва ўзгариш сабабларига баҳо берилади. Таққослаш ёки қиёсий ўрганишда жорий давр ва ўтган йил маълумотлари, режа кўрсаткичлари, ўртача кўрсаткичлар ва тармоқ бўйича бошқа маълумотлар олинади. Таққослашда кўрсаткичлар бўйича мутлақ ўзгаришлар нисбий кўрсаткичларни қўллаш орқали тўлдирилади. Муҳим жиҳати шундаки, эътибор динамик ўзгаришлар ва уларни таққослашдаги муаммоларга қаратилади. Бу муаммолар бевосита маълумотларнинг таққослаш вазнлари ва уларнинг бир хил кучда эмаслиги билан белгиланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини баҳолашда таққослама баҳоларнинг қўлланилиши каби ишлаб чиқариш харажатларини ҳам динамик жиҳатдан тўғри баҳолаш услубини яратиш лозим. Бу масалада кўпроқ хара-

жатларни нисбий кўрсаткичлар асосида ўрганишда фойда беради. Харажатларнинг таққослаш кўрсаткичига нисбатан ўзгаришлари ва ўзгариш сабабларига эътибор қаратилади.

46 Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қандай харажатлар киритилади ва улар қандай таҳлил қилинади?

Ишлаб чиқариш харажатлари деганда маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи барча харажатлар тушунилади. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишнинг услубий ва меъёрий шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 5 февралда қабул қилинган 54-сонли «Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибини иқтисодий элементлар ва моддалар бўйича қуйидаги таркибда бериш мумкин (27-жадвал):

27-жадвал

Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлар ва моддалар бўйича туркумланиши

Иқтисодий элементлар бўйича	Моддалар бўйича
1	2
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар	Хом ашё
	Ёқилғи
	Электр қуввати
	Эҳтиёт қисмлар
	Идишлар ва х.к.

1	2
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари	Асосий иш ҳақлари
	Қўшимча иш ҳақлари
	Иш ҳақига устамалар
Ишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат ҳақидан ажратмалар	Ижтимоий таъминот бўлимига
	Меҳнат биржасига
	Касаба уюшмасига
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, эскириш харажатлари	Асосий воситаларнинг эскириши
	Номоддий активларнинг эскириши
	Асосий восита ва номоддий активлар ижара ҳақлари
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	Турли ишлар ва хизматлар
	Солиқлар, йиғимлар

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлар ва моддалар бўйича ўрганиш қуйидагича фарқланади: бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлар бўйича ўрганилади, маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари асосида кўриб чиқилади. Таҳлил этишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами ўзгариши ва унинг таркиб бўйича ўзгаришлари мутлақ ва нисбий жиҳатдан ўрганилади. Нисбий жиҳатдан ўрганишда ҳар бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмоғига баҳо берилади.

Бир сўмлик маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг ҳар бир харажат элементи бўйича ўрганилиши ҳам харажатларни мақсадли бошқаришда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бир сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари корхона асосий фаолиятининг самарадорлигини характерловчи муҳим кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткични айрим тур харажат элементлари бўйича ҳам ўрганиш мумкин. Масалан, бир сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган моддий ишлаб чиқариш харажатлари, бир сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган ишлаб чиқариш характеридаги меҳнат ҳақи харажатлари ва ҳ.к.

Бир сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган харажат кўрсаткичини қуйидаги боғланишларда аниқлаш мумкин:

$$\text{Бир сўмлик махсулотга тўғри келадиган харажат} = \frac{\text{Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) ларни ишлаб чиқариш харажатлари (таннархи)}}{\text{Маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳажми}}$$

$$= \frac{\text{Моддий харажатлар}}{\text{Маҳсулот ҳажми}} + \frac{\text{Иш ҳақи харажатлари}}{\text{Маҳсулот ҳажми}} + \frac{\text{Иш ҳақидан ажратмалар}}{\text{Маҳсулот ҳажми}} + \frac{\text{Амортизация харажатлари}}{\text{Маҳсулот ҳажми}} + \frac{\text{Бошқа харажатлар}}{\text{Маҳсулот ҳажми}}$$

47 Истеъмол фонди харажатлари деганда нимани тушунасиз? Бу харажатларнинг ўзгариш сабаблари қандай таҳлил қилинади?

Истеъмол фонди харажатлари деганда корхонада банд бўлган ходимлар ва улар номидан тўланадиган харажатлар тушунилади. Бунга, меҳнат ҳақи сифатида ҳисобланадиган ва тўланадиган харажатлар, тўловлар, рағбатлантиришлар киритилади. Ходимлар номидан тўланадиган тўловлар таркибига уларнинг ишга қатнаши ва овқатланиши билан боғлиқ бўлган харажатлар, кийим-кечаклар, коммунал хизмат ва уй-жой учун тўловлар, уларни ўқитиш билан боғлиқ ва бошқа шу каби тўловлар киритилади.

Корхонада меҳнат ҳақи харажатларини таҳлил этишда меҳнат ҳақи фондининг режа ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва ўзгариш сабабларига, бир ходимга тўғри келадиган ўртача меҳнат ҳақи фонди ҳамда унинг ўзгаришига баҳо берилади. Меҳнат ҳақи фондининг шаклланиши ва унинг берилиши давлат ташкилотлари томонидан тартибга солиб турилади ва назорат қилинади. Бу бевосита кредит ташкилоти ҳисобланган банк тизими ва унинг бўлимлари бўлиши мум-

кин. Меҳнат ҳақи фондининг ҳисобланиши ва берилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳар йили қайта тузиладиган услубий йўриқнома бу борадаги меъёрий ҳужжат сифатида олинади.

Меҳнат ҳақи фондининг шаклланиш механизмини қуйидаги жараёнлар кетма-кетлигидан ҳам кўриш мумкин (24- ва 25-чизмалар):



24-чизма. Меҳнат ҳақи фондининг шаклланиш тартиби.



25-чизма. Меҳнат ҳақи фондининг шаклланиш ҳисоб-китоби.

48 Материал харажатларга сарф меъёри ва баҳо ўзгаришининг таъсири қандай таҳлил қилинади?

Ишлаб чиқариш харажатларининг таркибида асосий улушни бевосита материал харажатлар ташкил этади. Уларнинг салмоғи айрим саноат тармоқларида салкам 60-80 %ни ташкил этади. Шу жиҳатдан материал харажатларнинг ўзгариши ва ўзгариш сабабларини ўрганишдаги муҳим вазифа, уларни (маҳсулот ҳажмининг камайишига йўл қўймаган ҳолда) иқтисод қилиш ва улардан самарали фойдаланишдир.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қуйидаги материал харажатлар киради:

— хом ашё;
— электр қуввати;
— ёқилғи;
— эҳтиёт қисмлар;
— мойлаш материаллари ва ҳ.к.

Материал харажатлар маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи ўзгарувчан харажатлар ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг ўзгаришини ўрганишда, албатта, ўзаро алоқадорлик даражасига ҳам аҳамият бериш талаб этилади. Бунда ҳар бир сўмлик маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган ёки ишлаб чиқариш харажатларининг материал сиғими кўрсаткичларига муҳим эътибор берилиши лозим. Маҳсулот ҳажмининг ўсиши билан бирга ўзгарувчан харажатлар билан бир қаторда, доимий харажатлар улуши ҳам ўзгариб боради.

Материал харажатлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг бир неча жиҳатини келтириш мукин. Лекин ҳисобкитоб қилинадиган икки омилни фарқлаш лозим. Булар, материал харажатлар сарф меъёри ҳамда материал харажатлар баҳосининг ўзгаришидир. Барча омиллар таъсирини шу икки омил воситасида ҳисоблаш мумкин. Бу ерда меъёр ўзгаришини миқдорий бирлик, баҳо таъсирини эса сифат бирлиги, деб қаралиши ҳам мумкин.

Материал харажатларни ҳисобдан чиқариш усулининг ўзгариши (фифо, лифо, ўртача таннарх ва ҳ.к.), ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларидаги ўзгаришлар таъсири, материалларнинг ўриндош қийматлари билан алмаштирилиши ва ҳоказо омиллар таъсири ҳам, албатта, ушбу икки омил таъсирида ҳисоб-китоб қилинади. Омиллар таъсирини аниқлашда иқтисодий таҳлилнинг боғланиш ва алоқадорлик учун мос бўлган усуллари қўлланилади.

Таҳлил учун керакли маълумотлар маҳсулот калькуляциясидан олинади. Бундай ҳисобот шаклида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган материал турлари, уларнинг миқдори, материал баҳоси келтирилади (28-жадвал).

28-жадвал

Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун материаллар сарфи

Материаллар тури	Режа			Ҳақиқатда		
	Сарф миқдори (тонна)	Материал бирлиги баҳоси (сўм)	Сумма, (минг сўм)	Сарф миқдори (тонна)	Материал бирлиги баҳоси (сўм)	Сумма, (минг сўм)
Пўлат	1200	120,0	144,0	1300	125,0	162,5
Чўян	1020	150,0	153,0	1200	165,0	198,0
Жами	х	х	297,0	х	х	360,5

29-жадвал

Сарф «меъёри» ва материал «баҳо»си ўзгаришининг материаллар харажатига таъсири (занжирли боғланиш усулида)

Кўрсаткичлар	Материаллар харажати,минг сўм			Фарқи (-,+)		
	Режа, режа миқдори ва режа баҳоси	Ҳақиқий ҳақиқий миқдор, ҳақиқий баҳо	Шартли, ҳақиқатдаги миқдор ва режа баҳосида	Жами (3-2)	Шу жумладан	
					Сарф меъёри (3-1)	Материал баҳоси (2-3)
Пўлат	144,0	162,5	156,0	+18,5	+12,0	+6,5
Чўяи	153,0	198,0	180,0	+45,0	+27,0	+18,0
Жами	297,0	360,5	236,0	+63,5	+39,0	+24,5

Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар харажати режага нисбатан 63,5 минг сўмга ортган. Шундан 39,0 минг сўми материаллар баҳосининг ортиши эвазига, қолган 24,5 минг сўми эса сарф меъёрига риоя қилмаслик туфайли юз берган. Материаллар баҳоси пўлат бўйича 6,5 минг сўмга, чўян бўйича 18,0 минг сўмга ортган. Сарф меъёри ўзгариши таъсири пўлат бўйича +12,0 минг сўмга, чўян бўйича +27,0 минг сўмни ташкил қилган.

Таҳлил давомида, албатта, материаллар сарфининг ўзгариш сабаблари, дастгоҳларнинг техник жиҳатдан носозлиги, хом ашё сифати, ишчиларнинг малакаси, хом ашё етказиб берувчиларнинг узоқ ва яқинлиги, юк ташиш, давлат томонидан материаллар нархини белгилашдаги ўзгартиришлар ва бошқа сабабларга аҳамият берилади.

49 Маҳсулот турлари бўйича таннарх таҳлили. Унга таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади?

Алоҳида маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини аниқлаш, молиявий натижага дахлдор бўлган элементларни иқтисодий жараёнларнинг тури, ўрни, жойи ва жавобгарлик бўйича ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши корхонанинг хўжалик-молия фаолиятини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Алоҳида олинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархини аниқлашга ҳисоб-китобларнинг муҳим объекти сифатида қаралади. Бунда маҳсулот таннархининг тўғри аниқланишига аҳамият берилади. Маҳсулотлар таннархини аниқлаш ва ҳисобга олиш, молиявий натижавийликни таркибли ўрганиш билан бирга, фойданинг шаклланиш қаторларини тўғри баҳолаш имконини беради.

Алоҳида олинган маҳсулотлар таннархининг таҳлили харажатларни иқтисодий элементлар бўйича эмас, балки харажат моддалари бўйича ўрганишни, уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига баҳо беришни ҳамда ўзгариш сабабларини ўрганишни тавсифлайди. Алоҳида олинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш ва таҳлил этиш ишлаб чиқаришни бошқаришда сарфлар ва даромадларнинг юзага чиқиш ўринларига тўғри баҳо бериш имконини беради.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархига ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни харажат моддаларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида таркиблаш мумкин. Масалан, материал харажатлар ёки хом ашё харажатлари қатори бўйича харажатлар ўзгаришига моддий сарфлар меъёрининг ўзгариши, уларнинг сотиб олиш баҳоларининг ўзгариши таъсир қилса,

меҳнат ҳақи харажатларининг ўзгаришида ишчилар сони ва бир ходимга тўғри келадиган иш ҳақларнинг ўзгариши таъсир қилади. Амортизация харажатлари бўйича ҳам худди шу шаклда таркиблашни айтиб ўтиш мумкин, яъни, амортизацияланган қийматнинг ўзгариши, амортизация меъёрлари, шунингдек амортизация ажратмалари ажратиладиган асосий воситалар тури, салмоғига боғлиқ ва ҳ.к. Омиллар таъсирини аниқлашда ҳар бир таъсир бирлиги алоҳида ва бошқа омиллар таъсирисиз ўрганилади.

Алоҳида маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш ва таҳлил этиш, айрим маҳсулотларнинг фойдали ва рентабеллик даражасини таҳлил этишда жуда қўл келади (30-жадвал).

30-жадвал

Алоҳида олинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг таннархини харажат моддалари бўйича таҳлили

Т/р	Харажат моддалари	Режа		Ҳақиқатда		Фарқи,+,-	
		сумма	%	сумма	%	сумма	%
1	Хом ашё харажатлари	12500	64,3	15400	64,5	+2900	+0,2
2	Ёнилғи	500	2,6	560	2,3	+60	-0,3
3	Электр қуввати	210	1,0	235	1,0	+25	-
4	Иш ва хизматлар	1500	7,8	1650	6,9	+150	-0,9
5	Иш ҳақи харажатлари	4200	21,6	5405	22,7	+1205	+1,1
6	Амортизация харажатлари	540	2,7	625	2,6	+85	+0,1
7	Бошқа харажатлар	19450	100	23875	100	4425	*

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи режага нисбатан 4425 минг сўмга ортган. Ишлаб чиқариш харажатлари таркибида асосий улушни хом ашё ва иш ҳақи ташкил этган. Қиймат

ифодасида барча харажат моддалари бўйича ўсишни кўриш мумкин. Лекин нисбий кўрсаткичлар бўйича ёнилғи, иш ва хизматлар бўйича камайиш кузатилган.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг калькуляцияси ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларнинг хусусиятига боғлиқ. Саноат корхоналаридаги калькуляция моддалари таркибининг деярлик бир хилда бўлиши таннархни умумий ҳажмда ва услубда ўрганиш имконини беради. Бундай таҳлил бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот бирлигига белгиланадиган нархни аниқлашда фойда ва рентабелликни оширишда муҳим ўрин тутади.

50 Муомала харажатларига қандай харажатлар киради ва улар қандай таҳлил этилади?

Муомала харажатлари – бу товарларни етказиб бериш натижасида келиб чиқадиган активларнинг камайиши ёки бошқача сарфланиши ёхуд мажбуриятлар келиб чиқишидир. Умуман, харажатлар деганда даромад олиш мақсадида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга қилинган сарфлар, ёхуд иқтисодий ресурсларнинг камайиши тушунилади.

Харажатларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Бевосита харажатлар – даромадга мос келадиган ҳолда сотилган товарлар таннархи.

2. Давр харажатлари – сотиш билан боғлиқ бўлган ва умумий харажатлар. Бу харажатлар уларнинг юзага чиқиш даври бўйича тан олинади.

3. Тақсимланмаган харажатлар – бу амортизация ёки суғурталаш бўйича харажатлар. Бу харажатлар тизимий шаклдаги активлар бўлиб, фойда келтириши мумкин бўлган ва кутилаётган даврлар бўйича тақсимланади.

Маҳсулотларни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

— ҳисобот даврида реализация қилинадиган товарлар, хом ашё захираларини сотиб олиш харажатлари (сотилган товарлар таннархи);

— сотиш бўйича комиссион тўловлар, иш ҳақи, ижара, юкни ташиш харажатлари каби сотиш билан боғлиқ харажатлар;

— сотилган маҳсулотнинг кафолат мажбуриятлари бўйича харажатлар.

Маҳсулот ёки хизматлар сотилиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар давр харажатлари каби тақсимланган харажатларни ўз ичига олади. Масалан, реклама бўйича маълум харажатлар турлари, умумий маъмурий ва бошқарув харажатлари. Умумий Низом бўйича корхона давр харажатлари — ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган, яъни, бошқарув, сотиш ва умумхўжалик харажатларини ўз ичига олади. Сотиш билан боғлиқ харажатлар ичида савдо ва умумовқатланиш корхоналарида муомала харажатлари асосий ўринни эгаллайди. Уларга Низом бўйича — меҳнатга ҳақ тўлаш; социал суғурта; биноларни ижарага олиш ва таъмирлаш харажатлари; асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация харажатлари; кийим-бош, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва идиш-товоқларнинг эскириши; ёнилғи; молларни сақлаш, қайта ишлаш ва навларга ажратиш; савдо рекламаси; товар йўқотишлари; тара; суғурта; тиббий хизматлар; инкассация тўловлари ва бошқа харажатлар киради. Демак, мазмун жиҳатдан қараганда муомала харажатлари — бу товарларни сотиш билан боғлиқ, тўғридан-тўғри бўладиган харажатлардир.

Муомала харажатлари, асосан мутлақ суммада ўрганилади. Шунингдек, нисбий даражаси ва ўзгаришларига ҳам катта аҳамият берилади. Бу таркиб харажатларнинг товар айланишига бўлган нисбий даражаси орқали аниқланади. Таҳлилнинг бу борадиги асосий вазифаси — муомала харажатларини фақат ўзгаришини эмас, балки бу ўзгаришларга таъсир этувчи сабабларга ҳам баҳо беришга қаратилган.

Муомала харажатларининг ҳақиқий ҳажми ва унинг режадан ёки ўтган йилларга нисбатан фарқланиши, аввало, товар айланиши ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Яъни товар айланиши ҳажми ошса муомала харажатлари ҳам ошади, камайса улар ҳам камаяди. Бу ерда харажатларни ўзгарувчан ва доимий турларга ажратилишига эътибор қаратилмоғи лозим.

Бунда ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг тўғри тартибланиши ва уларнинг товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига мувофиқ ўзгаришларини белгилашга аҳамият берилади. Таҳлилда бу чегаравийлик ўзгариши ва бунга таъсир этувчи бирликларни ўрганиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Муомала харажатларига товар айланиши ҳажмини ўзгариш таъсирини ҳисоблаш учун унинг ўзгариш ҳажмини муомала харажатларининг режадаги даражасига кўпайтириб, 100 га бўлинади. Муомала харажатларини умумий ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи иккинчи омил бўлиб, уларнинг ўртача даражасини ўзгариши ҳисобланади. Бу таъсирни ҳисоблаш учун муомала харажатларини ўртача даражасининг ўзгаришини товар айланишининг ҳақиқий ҳажмига кўпайтириб, 100 га бўлинади.

Муомала харажатлари режасининг бажарилиши ва ўзгаришини қуйидаги мисолда кўрамиз (31-жадвал):

31-жадвал

Муомала харажатлари ва уларнинг ўзгаришининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи	Бажарилиши %
Товар айланиши, минг сўм	326700	320150	-6550	98,0
Муомала харажатлари, минг сўм	86575,5	87080,8	505,3	100,6
Муомала харажатларини ўртача даражаси, (%)	26,5	27,2	0,7	102,6

Таъсир этувчи омилларнинг ҳисоби:

1. Товар айланиши ўзгаришининг таъсири = - 6550·26,5/100 = - 1735,75 минг сўм.

2. Муомала харажатлари ўртача даражасининг ўзгариши таъсири = 0,7·320150/100 = 2241,05 минг сўм.

Икки омилнинг таъсир йиғиндиси=(-1735,75)+2241,05= +505,3 минг сўмга муомала харажатлари ўсган. Бу ўсиш товар айланиши режасининг 98% га, яъни 6550 минг сўмга бажарилмаганлиги муомала харажатларининг 1735,75 минг сўмга камайтиради. Аммо муомала харажатларининг ўртача даражасининг 0,7% га ўсиши, уларни 2241,05 минг сўмга кўпайишига олиб келган.

51 Корхона (фирма)даги хом ашё ва моддий маблағлар деганда нимани тушунасиз? Уларни таҳлил қилганда нималарга эътибор берилади?

Хом ашё ва моддий маблағлар деб, ишлаб чиқаришнинг муайян циклида фойдаланишда бўлган ва шу циклда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархига ўз қийматини тўлиқ ўтказиб борувчи буюмларга айтилади.

Биз моддий айланма маблағларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш даражасини кўпроқ ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига нисбатан ўрганамиз. Моддий ашёвий маблағлардан ноишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришдан ташқари жараёнларда фойдаланишни эса корхона сарфларининг алоҳида таркиб қатори сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш омиллари таркибига кирувчи меҳнат ашёлари ва уларнинг чекланганлиги, аввало, улардан фойдаланишни тўғри ва мақсадли бошқаришни талаб этади. Ресурслар ёки маблағлар чекланганлиги, бевосита уларнинг захираси тугаши ва чегараланганлигини характерлайди. Бунга моддий ресурсларнинг барча жиҳатлари ёки элементларини киритиш мумкин. Ресурслар ёки маблағларнинг чекланганлиги улардан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланишни талаб этади.

Меҳнат ашёлари таҳлилининг мазмуни, унинг олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқади. Таҳлилда ашёвий ресурслар билан корхонанинг таъминланганлик даражасига, улардан самарали фойдаланишнинг ҳолатига, маҳсулот ҳажмини ўстиришда ашёларни тўғри бошқаришнинг аҳамиятига, ашёвий ресурсларни иқтисод қилиш юзасидан ички имкониятларни белгилаш ва йўлга қўйишга муҳим аҳамият берилади.

Шу маънода иқтисодий таҳлил олдига ҳам ўта муҳим вазифалар қўйилади. Жумладан;

- моддий ресурслар таъминот режасининг бажарилишига баҳо бериш;
- ресурслар ва улар бўйича нормативларга қатъий амал қилинишини ўрганиш;

- ♦ моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланишнинг даражасига баҳо бериш;
- ♦ моддий айланма маблағлар, ашёвий ресурслар айланишини ўрганиш;
- ♦ муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришини омилли таҳлил этиш;
- ♦ маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи меҳнат ашёлари билан боғлиқ бўлган омилларни ўрганиш;
- ♦ ишлаб чиқариш харажатлари таркибида меҳнат ашёларининг салмоқ кўрсаткичларини ўрганиш ва ҳ.к. лар.

52 Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсири қандай таҳлил қилинади?

Моддий ресурслар самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар тизимига моддий ресурслар қайтими ва сиғими кўрсаткичлари киритилади. Моддий ресурслар қайтими уларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини тавсифласа, сиғими ҳар бир сўмлик маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган моддий ресурслар қийматини тавсифлайди. Таҳлил этишда уларнинг қиёсий фарқланишлари ва ўзгариш сабаблари ўрганилади.

Таҳлил этишда моддий ресурслар қиймати ва қайтими таъсирида маҳсулот ҳажмининг ўзгаришларига баҳо берилади. Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи моддий омиллар таҳлилида уларнинг ўртача йиллик қийматларининг ўзгариши ва моддий ресурслар қайтими ўзгаришларига муҳим аҳамият берилади. Бу бевосита корхонада мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва белгилашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади (32-жадвал).

32-жадвал

Моддий ресурслар самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсирининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)
1.Моддий харажатларнинг ўртача йиллик қиймати,минг сўм	42843	42043	-800
2.Товар маҳсулоти, минг сўм	74260	79797	+5537
3.Товар маҳсулоти материал сиғими (сўм) (1/2)	0,5769	0,5268	-0,050
4.Материал сарфи ўзгаришининг таъсири (+,-)			
а) товар маҳсулоти таннархидаги моддий харажатларнинг қимматлашиши (+),пасайиши (-) - 0,050·79797=-3989	x	x	-3989
б) товар маҳсулотининг ҳажми, минг сўм -3989:0,5769=6914	x	x	+6914
5.Материал қайтими (2/1)	1,73	1,89	+0,16

Корхонада моддий харажатлар қайтими ўтган йилга нисбатан +0,16 сўмга ортган. Моддий сарфлар сиғими эса −0,050 сўмга камайган. Моддий сарфлар сиғими ўзгаришининг маҳсулот таннархига таъсири −3989 минг сўмни, товар маҳсулот ҳажмига таъсири эса +6914 минг сўмни ташкил этган.

Ш Б О Б

МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ

3.1. Молиявий таҳлилнинг услубий асослари ва ахборот манбалари

53 Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишдан мақсади нима? 102

54 Молиявий таҳлил қандай усуллардан фойдаланади? 103

55 Молиявий таҳлилнинг ахборот манбаи ва уларга қўйиладиган ҳуқуқий талаблар деганда нимани тушунасиз? 104

56 Молиявий таҳлилда умумлаштирилган молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг таҳлили қандай амалга оширилади? 107

57 Молиявий таҳлил субъектлари деганда кимларни тушунасиз ва уларнинг мақсади нима? 108

3.2. Корхона мулки, капитали ва мажбуриятлари таҳлили

58	Корхона баланси нима ва у қандай таҳлил қилинади?	110
59	Корхонанинг тўлов лаёқати деганда нимани тушунасиз ва у қандай таҳлил қилинади?	117
60	Корхонанинг молиявий барқарорлиги деганда нимани тушунасиз ва унинг таҳлили қандай бажарилади?	120
61	Корхона баланси ва унинг ликвидлиги деганда нимани тушунасиз, у қандай таҳлил қилинади?	123
62	Банк кредитидан фойдаланиш даражаси таҳлил қилинаётганда нималар ўрганилади?	127
63	Айланма маблағлар самарадорлиги деганда нимани тушунасиз ва улар қандай таҳлил қилинади?	129
64	Айланма маблағлар айланишига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади?	131
65	Корхонанинг меҳнат фаоллиги ва унинг кўрсаткичлар тизимига нималар киради? Улар қандай таҳлил қилинади?	133
66	Корхона (фирма)нинг иқтисодий ночорлиги қандай аниқланади ва таҳлил қилинади?	135

3.3. Молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлили

67	Корхона фойдаси деганда нимани тушунасиз? Бозор муносабатлари шароитида таҳлил олдига қандай вазифалар қўйилади?	138
68	Корхона фойдаси таркибига нималар киради ва уни таҳлил қилиш қандай амалга оширилади?	140
69	Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади?	143
70	Умумхўжалик фаолиятидан олинган натижа қандай таҳлил қилинади?	147
71	Солиқ тўловига қадар бўлган фойда қандай таҳлил қилинади?	148
72	Соф фойда ва унинг омилли таҳлили қандай олиб борилади?	150
73	Фойда қандай тақсимланади ва у қандай таҳлил қилинади?	152
74	Корхона рентабеллиги қандай таҳлил қилинади?	154
75	Маҳсулот (иш ва хизматлар)ни сотиш бўйича рентабеллик даражаси қандай аниқланади ва уни таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?	158

76 Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажми ва унинг даражаси деганда нимани тушунасиз, у қандай таҳлил қилинади? 159

77 Бозор индикаторлари ва уларнинг таҳлили қандай ўтказилади? 161

3.4. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таҳлили

78 Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари нима ва улар қандай таҳлил қилинади? 162

79 Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабабларига нималар киради? 165

80 Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятлари айланувчанлиги ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади? 167

3.5. Асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили

81 Корхона (фирма)нинг асосий фондлари деганда нимани тушунасиз ва уларнинг таркиби қандай таҳлил қилинади? 173

82 Асосий воситаларнинг ҳолати қандай таҳлил қилинади? 176

83 Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари қандай таҳлил қилинади? 178

84 Корхона (фирма)нинг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва қуролланганлик даражалари қандай ҳисобланади? 180

85 Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш қандай таҳлил қилинади? 181

86 Асосий воситаларнинг самарадорлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қандай таъсир кўрсатади ва улар қандай таҳлил қилинади? 183

3.6. Пул омилининг таҳлили

87 Пул оқими қандай таҳлил қилинади? 185

88 Валюта маблағлари ҳаракатининг таҳлили қандай олиб борилади? 187

3.7. Хусусий капитал таҳлили

89 Хусусий капитал деганда нимани тушунасиз ва унинг таҳлили қандай амалга оширилади? 189

53 Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишдан мақсади нима?

Молиявий таҳлилнинг асосий мақсади — корхона активлари, капитали ва мажбуриятлари, шунингдек, даромад ва харажатларини муайян даврга бўлган ҳолатини иқтисодий ахборотлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш асосида корхона хўжалик-молия фаолиятига иқтисодий ташхис қўйишдан иборат. Молиявий таҳлилда мақсаднинг аниқ белгиланиши бир жиҳатдан таҳлил этувчиларнинг ахборот сўрови шартидан ҳам келиб чиқади. Буни бевосита давлат номидан иш юритувчи органлар ёки кредит ташкилотлари учун зарур бўлган иқтисодий ахборотлар ечими билан ҳам ифода этиш мумкин. Масалан, банк учун кўпроқ корхонанинг тўлов лаёқати, унинг кредитга лаёқатлик даражаси ҳисобланади ва унинг асосий мақсади ҳам шунга қаратилади. Шу маънода таҳлилнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг вазифалари белгиланади.

Корхонанинг молиявий таҳлили фақат микро даражада ўрганишни характерлайди. Таҳлилнинг сифати асосан мақсаднинг тўғри белгиланиши ва унинг ташкил этилишига боғлиқдир.

Корхонанинг молиявий ҳолатини кенг қамровли тарзда ўрганиш асосида:

- корхона мулки, капитали, мажбуриятларининг ҳолати ва ўзгаришларига баҳо берилади;
- маблағларининг ликвидлилик даражаси ўрганилади;
- корхонанинг тўлов лаёқати ва унинг ўзгаришига баҳо берилади;
- корхонанинг молиявий барқарорлиги ва уни таъминланиши ўрганилади;

- корхонанинг молиявий натижавийлигини баҳолаб, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш орқали фойдани ўстириш имкониятлари кузатилади;
- корхонанинг асосий капитали ва унинг самарадорлик кўрсаткичлари ўрганилади;
- айланма капитал ва унинг айланувчанлигига ташхис қўйилади;
- пул маблағлари оқими текширилади;
- хусусий капитал ва унинг ўзгаришини ўрганиш ҳамда молиявий аҳволни тавсифловчи бошқа кўрсаткичларни ўрганиш орқали корхонанинг иқтисодий рейтинг бали аниқланади.

54 Молиявий таҳлил қандай усуллардан фойдаланади?

Фаннинг предметини ўрганишда қўлланиладиган усуллар ва воситалар мажмуаси шу фаннинг услубий асосини ташкил этади. Бу усуллар ва воситалар орқали иқтисодий ҳодиса ва жараёнлардаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг ўзгариш сабаблари ўрганилади. Биз иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос анъанавий ва иқтисодий математик услубларини таркиблаган эдик. Шу маънода молиявий таҳлилнинг ҳам ўзига хос услубий элементлари ва воситалари таркибланади. Буни бевосита иқтисодий таҳлилнинг одатдаги услублари билан бир қаторга қўйиш мумкин.

Молиявий таҳлилнинг услубий элментларига қуйидагиларни киритиш мақбул топилади: молиявий ҳисоботни «ўқиш», вертикал (бўйлама) таҳлил, горизонтал (ёнлама) таҳлил, трендли таҳлил, динамик таҳлил, молиявий коэффициентлар таҳлили, омилли таҳлил (33-жадвал).

33-жадвал

Молиявий таҳлил услубларининг мазмуни

Т/р	Услуби	Мазмуни
1	Молиявий ҳисоботни "ўқиш"	Молиявий ҳисобот элементларига баён бериш ва изоҳлаш
2	Вертикал таҳлил	Молиявий ҳисобот элментларини бир қаторли ва кўп қаторли тарзда устунлар бўйича мутлақ ва нисбий ўзгаришларда ўрганиш
3	Горизонтал таҳлил	Молиявий ҳисобот элементларини бир қаторли ва кўп қаторли тарзда ёнламасига мутлақ ва нисбий ўзгаришларда кетма-кетликда ўрганиш
4	Трендли таҳлил	Молиявий ҳисобот элементларини ривожланишнинг асосий йўналишларини асос йилига нисбатан мутлақ ва нисбий ўзгаришларда ўрганиш
5	Динамик таҳлил	Молиявий ҳисобот элементларини бир неча йиллар бўйича мутлақ ва нисбий ўзгаришларда ўрганиш
6	Коэффициентлар таҳлили	Молиявий ҳисобот элементларини таққосланувчи, ўзаро алоқадорликда ва боғланишда бўлган нисбий кўрсаткичлар асосида ўрганиш
7	Омилли таҳлил	Молиявий ҳисобот элементлари ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ўрганиш

Молияий таҳлилни олиб боришда биз таҳлил мақсадидан келиб чиққан ҳолда, албатта, у ёки бу услубни қўллашимиз лозим. Масалан, молиявий ҳисобот элементларини таркиб ва тузилиши бўйича таҳлил қилиниши лозим бўлса, у ҳолда молиявий таҳлилнинг горизонтал ва вертикал таҳлил услубидан, корхонанинг молиявий барқарорлигини таҳлил этишда эса нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади ва ҳ.к.

55 Молиявий таҳлилнинг ахборот манбаи ва уларга қўйиладиган ҳуқуқий талаблар деганда нимани тушунасиз?

Молиявий таҳлилнинг ахборот манбаи деганда таҳлил учун зарур бўладиган маълумотларнинг манбаланиши,

ғамланиши тушунилади. Молиявий таҳлилнинг сифати, албатта, унинг тўлиқ ва тўғри, энг асосийси, қанчалик зарур маълумотларнинг манбаланганлигига боғлиқ. Шу маънода таҳлил этишда ахборотлар манбаининг тўлиқлиги ва ишончлилиги, ҳаққонийлиги ва холислигига, даврийлиги ва узлуксизлигига, баҳоланганлиги ва таққосланувчанлигига эътибор қаратилади.

Молиявий таҳлилнинг ахборот манбаига қуйидагиларни киритиш мумкин (34-жадвал):

34-жадвал

Молиявий таҳлилнинг ахборот манбаи ва уларнинг тавсифи

Тавсифлаш белгилари	Ҳисобот шакли, топшириш муддати ва жойи	Тавсифи
Молиявий ҳисобот шакллари	1-шакл. „Баланс"	Корхона мулки, капитали ва мажбуриятларининг муайян санага бўлган ҳолати
	2-шакл. „Молиявий натижалар"	Корхонанинг молиявий натижавийлиги
	3-шакл. „Асосий воситаларнинг ҳаракати"	Асосий воситалар таркиби ҳолати ва ҳаракати
	4-шакл. „Пул оқими"	Пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати
	5-шакл. „Хусусий капитал"	Хусусий капиталнинг ҳолати ва ўзгариши
	Маълумотномалар	Корхонанинг молиявий аҳволи билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар
Ҳисобот даври	1 январдан 31 декабрга қадар* (*агар корхона ўз фаолиятини 31 октябрдан кейин бошлаган бўлса, унинг ҳисобот даври кейинги 31 декабрида тугайди)	Корхоналар томонидан тузиладиган молиявий ҳисобот шаклларини тузиш муддатлари оралиғи
Тақдим этиш муддатлари	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда	Молиявий ахборотларни қабул қилиш вақти ва топшириш муддатлари

35-жадвал

Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг элементлари

Ҳисобот шакли	Элементлари
„Баланс"	Активлар, капитал, мажбуриятлар
„Молиявий натижалар"	Даромад, харажат, натижа
„Асосий воситалар ҳаракати"	Асосий воситалар
„Пул оқими"	Пул ва валюта маблағлари
„Хусусий капитал"	Хусусий капитал
Корхонанинг молиявий ҳолати ва унинг бошқа объектлари	Активлар, пассивлар

Молиявий ҳисоботда акс эттириладиган ахборотлар, албатта, бетарафлик асосида тузилган бўлиши лозим. Яъни, бир ахборот фойдаланувчининг бошқа ахборот фойдаланувчи зарари ҳисобига рағбатланишига йўл қўйилмаслиги керак. Шу жиҳатдан молиявий ҳисоботни тузишда ахборот тури ва ҳажми бўйича қуйидаги талаблар қўйилиши ҳуқуқий мезон сифатида белгиланган (36-жадвал):

36-жадвал

Молиявий ҳисобда акс эттириладиган ахборотларга қўйиладиган талаблар

Т/р	Талаблар
1	Инвестицион ва кредит бериш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда айнан шу жиҳатлар бўйича зарур бўладиган ахборотларни акс этиш
2	Субъектларнинг бўлажак пул маблағларини баҳолашда фойдага оид ахборотларни акс этиш
3	Субъектга берилган ресурслар, мажбуриятлар ва улардаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни акс этиш
4	Субъектнинг молиявий аҳволини тавсифловчи бошқа ахборотларни акс этиш*
* фойдаланувчилар давлат органи, кредит берувчи, шунингдек таъсисчилар сифатида қўшимча маълумотларни талаб қилишлари мумкин.	

37-жадвал

Молиявий ҳисобот элементлари, активлар ва мажбуриятларни баҳолаш шакллари

Т/р	Активлар ва мажбуриятлар	Баҳоланиши
1.	Баҳолашнинг ўлчов воситаси	Миллий валюта —сўмда
2.	Айланма активлар	Ҳақиқий таннархида Бозор баҳосида (агар ҳақиқий таннархи юқори бўлса)
3.	Асосий воситалар	Бошланғич қийматида
4.	Номоддий активлар	Бошланғич қийматида
5.	Молиявий қўйилмалар	Миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича
6.	Мажбуриятлар	Томонларнинг келишувига мувофиқ
7.	Ҳуқуқий мажбуриятлар (суд қарори билан)	Юзага келган тегишли суммаларда
8.	Потенциал мажбуриятлар	Дастлабки қийматида

56 Молиявий таҳлилда умумлаштирилган молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг таҳлили қандай амалга оширилади?

Умумлаштирилган молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот ва уни тузиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага мувофиқ белгиланади (ЎзР.Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5- сон йўриқномаси).

Умумлаштирилган молиявий ҳисобот ўзининг турли бўлимлари, ваколатхоналари, шўъба корхоналари ва бошқа таркибий бўлимларига эга бўлган корхоналар томонидан тузилади ҳамда йиғма шаклда бош корхона молиявий ҳисоботида акс эттирилади. Уларнинг молиявий таҳлили бош корхона томонидан ёки унинг таркибий бўлинмаларининг ўзида ҳам ўтказилиши мумкин (агар шу тартиб мақбул деб топилса).

Умумлаштирилган молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг йиғма шаклини қуйидаги чизмадан ҳам кўриш мумкин (26-чизма):



26-чизма. Умумлаштирилган молиявий ҳисоботлар.

57 Молиявий таҳлил субъектлари деганда кимларни тушунасиз ва уларнинг мақсади нима?

Молиявий таҳлилнинг субъектлари деганда уни ўтказувчилар гуруҳи ва таркиби тушунилади. Молиявий таҳлил

билан корхона хўжалик-молия фаолиятидан манфаат кўрувчи ва унинг фаолияти натижавийлигидан иқтисодий наф кўзловчи барча қизиқувчилар шуғулланиши мумкин.

Молиявий таҳлил субъектларини умумлаштирилган тарзда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ички таҳлил субъектлари.
2. Ташқи таҳлил субъектлари.

Ички молиявий таҳлил субъектларига фақат шу корхонада банд бўлган ёки унинг номидан иш кўрувчи хизмат бўлимлари ходимлари киритилади. Ташқи молиявий таҳлил субъектларига корхонага ўз маблағларини қўйган ёки қўйиши мумкин бўлган акционерлар, унинг инфраструктураси билан қизиқувчи солиқ идоралари ва давлат номидан иш кўрувчи бошқа ташкилотлар, кредит ресурсларини мақсадли бандлиги бўйича — кредит ташкилотлари, мулкнинг ҳолати ва сақланиши бўйича суғурта ташкилотлари, мол-мулклар ҳолати ва корхона иқтисодий ночорлиги масалалари бўйича давлат мулки ҳуқуқи ташкилотлари ҳамда корхона фаолияти билан билвосита қизиқувчи таҳлил субъектлари каби шахсларни киритиш мумкин.

Таҳлил этишда ҳар бир ҳаракат субъекти ўз мақсади ва манфаатидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг молиявий ҳолати ва унинг у ёки бу жиҳатини ўрганади ва ўз ҳаракатини бошқаради (38-жадвал).

38-жадвал

Таҳлилда қатнашувчи субъектлар ва уларнинг мавзуси

Т/р	Қатнашувчилар	Жамғарма	Компенсация	Таҳлил мавзуси
1	2	3	4	5
1.	Мулкдорлар	Хусусий маблағлар	Дивиденд, фойда	Молиявий ҳолат ва натижавийлик
2.	Раҳбарият	Билим, маҳорат, компетенция	Меҳнат ҳақи	Корхона фаолияти ва молиявий аҳволининг барча жабҳалари
3.	Ходимлар	Меҳнат, фаолият	Меҳнат ҳақи ва ижтимоий рағбатлантиришлар	Ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият самарадорлиги

1	2	3	4	5
4.	Суғурта ташкилотлари	Суғурта полислари	Суғурта баҳоси	Корхона активлари, мол-мулки
5.	Лизинг компаниялари	Истеъмол қилинмайдиган ашёвий қийматликлар	Фоиз тўловлари	Корхонанинг молиявий аҳволи, иқтисодий фаоллиги, тўлов лаёқати, лойиҳалар самарадорлиги
6.	Кредит ташкилотлари	Кредит ресурслари	Фоизлар	Корхонанинг тўлов лаёқати ва баланс ликвидлилиги
7.	Солиқ идоралари	Фаолиятда фискал, рағбатлантириш кафолатлари	Солиқлар, тўловлар, йиғимлар	Молиявий натижавийлик ва самарадорлик
8.	Мол етказиб берувчилар	Товаралар, иш ва хизматларни сотиб олиш	Сотиб олинган товарлар, иш ва хизматлар баҳоси	Молиявий ҳолат
9.	Харидор ва буюртмачилар	Товарлар, иш ва хизматларни сотиш	Товарлар, иш ва хизматларни сотиш баҳоси	Молиявий ҳолат

58 Корхона баланси нима ва у қандай таҳлил қилинади?

Корхона баланси — унинг мулки, капитали ва мажбуриятларининг маълум бир ҳисобот санасига бўлган ўзаро тенглигидир. Корхона мулки деганда унинг фойдаланиши, эркин тасарруф этиши, шунингдек, эгалик қилиши мумкин бўлган барча активлари тушунилади. Капитал деганда корхона активларининг ўзлик маблағлари ҳисобига капиталлашуви тушунилади. Мажбуриятлар деганда корхона томонидан қарши томонга бўлган мажбуриятлар, қарзларнинг барча турлари ва шакллари тушунилади.

Баланс тузилиши моддалар бўйича қуйидаги тенглик билан изоҳланади:

Активлар = Капитал + Мажбуриятлар

Бухгалтерия балансининг шакли ва мазмуни (тузиш, тўлдириш ва топшириш тартиби) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Таҳлил этишда корхона баланси, унинг активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳолатининг ўзгариши ва таркибий тузилишига баҳо берилади. Корхона балансининг актив ва пассив томонларга таркибланиши, ҳар икки томон ўзаро тенглигининг сақланиши, томонларнинг тенг бўлимларларга (иккига) бўлиниши, тузиш муддатлари, оралиқлари, тақкосланувчанлигининг сақланиши ва бошқа жиҳатларга баён беришни ҳам таҳлилнинг назарий асосларига киритиш мумкин. Корхона активлари ҳаракатчанлик ва айланувчанлик, шунингдек, иқтисодий жараёнларда қатнашувчанлик хусусиятларига қараб, узоқ муддатли ва айланма активларга бўлинади.

Корхона баланси активини қуйидагича таркиблаб ўтишимиз мумкин (39-жадвал):

39-жадвал

Корхона баланси активининг туркумланиши

<table>
<tr><td rowspan="5">Актив</td><td rowspan="3">Узоқ муддатли активлар</td><td rowspan="2">Ноҳаракатчан молиявий активлар</td><td>Асосий воситалар</td><td rowspan="2">Кўчмас мулк</td></tr>
<tr><td>Номоддий активлар</td></tr>
<tr><td rowspan="3">Ҳаракатчан молиявий активлар</td><td>Доимий ҳаракатчан молиявий активлар</td><td rowspan="2">Меъёрланмайдиган жорий активлар</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Айланма активлар</td><td>Тез ҳаракатчан молиявий активлар</td></tr>
<tr><td>Секин ҳаракатчан молиявий активлар</td><td>Меъёрланувчи жорий активлар</td></tr>
</table>

Корхона балансининг пассив қисми эса қуйидагича туркумланади (40-жадвал):

40-жадвал

Корхона баланси пассив томонининг туркумланиши

<table>
<tr><td rowspan="4">Пассив</td><td rowspan="2">Ўз маблағлари манбаи</td><td>Хусусий капитал</td><td rowspan="2">Доимий пассивлар</td><td rowspan="3">Айланма маблағларни шаклланти-риш манбаи</td></tr>
<tr><td>Мақсадли киримлар, захиралар ва даромадлар</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Мажбури-ятлар</td><td>Узоқ муддатли мажбуриятлар</td><td>Узоқ муддатли мажбуриятлар</td></tr>
<tr><td>Жорий мажбуриятлар</td><td>Қисқа муддатли мажбуриятлар</td><td></td></tr>
<tr><td colspan="2"></td><td>Кредиторлик мажбури-ятлари</td><td>Муддати тугаган мажбуриятлар</td></tr>
</table>

Таҳлилда корхона активлари ва пассивлари, улардаги умумий ва таркибий ўзгаришлар ҳар қайси томон бўйича алоҳида ўрганилади. Корхона баланси таҳлилида нафақат активлар ва пассивлар ҳолати, балки корхонанинг молиявий барқарорлиги, тўлов лаёқати, маблағлар айланувчанлиги, ликвидлилиги каби кўрсаткичлар ҳам ўрганилади. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил қилинади (41-жадвал):

41-жадвал

Бухгалтерия балансининг кенгайтирилган шакли

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот йили бошида	Ҳисобот даври охирида
1	2	3	4
Актив			
Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (01.03)	010	69482	71049

1	2	3	4
Эскириш (02)	011	38698	44548
Қолдиқ қиймат 010-011	012	30784	26501
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймат	020		
Эскириш	021		
Қолдиқ қиймат 020-021	022		
Капитал қўйилмалар (07-08)	030	92	90
Шўъба корхоналаридаги акциялар (06)	040		
Шўъба корхоналарига берилган қарзлар (06)	050		
Уюшма корхоналаридаги акциялар (06)	060		
Уюшма корхоналарига берилган қарзлар (06)	070		
Узоқ муддатли инвестициялар (06)	080	122	10611
Бошқа қарзлар (06)	090		
Бошқа активлар	100		
1.БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ 012+022+030+040+050+060+070+0+ 090+100	110	30998	37202
Айланма активлар			
Ишлаб чиқариш захиралари (10,11,12-13,15,16)	120	22271	47769
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (20,21,23,29)	130	198	2084
Тайёр маҳсулот (40)	140	34381	19472
Олиб сотиладиган товарлар (41-42)	150	564	993
Келгуси давр сарфлари (31)	160	3192	25
Пул маблағлари (51,55,56,57)	170	900	2388
Валюта маблағлари 950,52,55,56,57)	180		
Ғазнадаги пул маблағлари (50)	190		

1	2	3	4
Қисқа муддатли қўйилмалар (58)	200		
Сотиб олинган хусусий акциялар (56)	210		
Дебиторлар: Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (09,45,62-82)	220	9091	26291
Бўнак (аванс) тўловлари (61)	230	16521	4646
Бюджет билан ҳисоблашишлар (68,19)	240	4900	13946
Ходимлар билан ҳисоблашишлар (73)	250	33	60
Шўъба корхоналари билан ҳисоблашишлар (78)	260		2410
Уюшма корхоналари билан ҳисоблашишлар (79)	270		2854
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар (75)	280		
Бошқа дебиторлар (63,71,76)	290	1526	2214
2.БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ 120+130+140+150+160+170+180 +190+200+210+220+230+240+250+ 260+270+280+290	300	93577	125152
Баланснинг активи бўйича ЖАМИ 110+300	310	124575	162354
Пассив Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (85/1)	320	35243	35243
Қўшилган капитал (85/2)	330	3866	2967
Резерв капитали (85/3)	340		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87)	350	22629	69026
Мақсадли тушум ва фондлар (96,88)	360	27247	14232
Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар (89)	370		5102
Келгуси давр даромадлари (83)	380	50	12
1.БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ 320+330+340+350+360+370+380	390	89035	126582

1	2	3	4
Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли қарзлар (95,97)	400	1500	1500
Узоқ муддатли кредитлар (92)	410		
Қисқа муддатли қарзлар (93,94,97)	420	6000	2500
Қисқа муддатли кредитлар (90)	430		
Харидор ва буюртмачилардан олинган (счётларга келиб тушган) бўнаклар (64)	440	4335	6460
Кредиторлар:			
— мол етказиб берувчилар (60)	450	15585	18777
— бюджет бўйича қарзлар (68)	460	3368	—
— меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (70/1,70/2)	470	1499	3820
— ижтимоий суғурта за таъминот бўйича қарзлар (69)	480		172
— бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67)	500		1887
— шўъба корхоналарига қарзлар (78)	510		111
— уюшма корхоналарига қарзлар (78)	520	395	
— бошқа кредиторлар (75/1,71/2,73,76/1,79)	530	2858	545
2.БЎЛИМ БЎЙИЧА ЖАМИ 400+410+420+430+440+450+460+ 470+480+490+500+510+ 520+530	540	35540	35772
Баланснинг пассиви бўйича ЖАМИ 390+540	550	124575	162354

42-жадвалда берилган маълумотларга кўра корхона мулки йил бошида +37779 минг сўмга ортган. Шу жумладан, узоқ муддатли активлар 6204,0 минг сўмга, айланма активлар 31575,0 минг сўмга ўсган. Жами айланма активлар таркибида захира ва харажатларнинг ўзгариши 9737,0 минг сўмга, дебиторлик мажбуриятлари +20350,0 минг сўмга, пул маблағлари +1488,0 минг сўмга ортган. Мулкнинг ташкил

42-жадвал

Корхона мулки капитали ва мажбуриятлари таҳлили

Мулк	Йил боши	Йил охири	Фарқи	Капитал, мажбурият	Йил боши	Йил охири	Фарқи
Узоқ муддатли активлар	30998	37202	+6204	Ўз маблағлари манбаи	89035	126582	+37547
Айланма активлар	93577	125152	+31575	Мажбуриятлар	35540	35772	+232
Шу жумладан: — захира ва харажатлар	60606	70343	+9737	Шу жумладан: — узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар	1500	1500	—
— дебиторлик мажбуриятлари	32071	52421	+20350	— қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар	6000	2500	—3500
— пул маблағлари	900	2388	+1488	— кредиторлик мажбуриятлари	28040	31772	+3732
Баланс	124575	162354	+37779	Баланс	124575	162354	+37779

топиш манбаида ўз маблағлари +37547 минг сўмга, мажбуриятлар суммаси +232 минг сўмга ўсган. Мажбуриятлар таркибида узоқ ҳамда қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар бўлмаган.

59 Корхонанинг тўлов лаёқати деганда нимани тушунасиз ва у қандай таҳлил қилинади?

Тўлов лаёқати деганда корхонанинг ўз мажбуриятларини тўлашга қодирлиги тушунилади. Корхонанинг тўлов лаёқатига баҳо беришда унинг тўлов маблағлари ва тўлов мажбуриятларининг маълум бир ҳисобот санасидаги ҳолатининг ўзаро нисбатларига эътибор берилади. Тўлов маблағлари сифатида жорий активлар, тўлов мажбуриятлари сифатида эса корхонанинг яқин ва қисқа даврда тўланиши лозим бўлган қарши томонга мажбуриятлари тушунилади.

Жорий активлар таркибига корхонанинг моддий айланма активлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ҳамда қарши томонга бўлган дебиторлик мажбуриятлари киритилади. Бу моддалар бевосита корхона баланси активининг иккинчи бўлими ҳаммасини ифодалайди. Тўлов мажбуриятлари таркибига корхонанинг кредиторлик мажбуриятлари киритилади. Унинг таркибидан корхонанинг мол етказиб берувчилар билан товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш юзасидан мажбуриятлари, ижара ҳақи тўловлари, кредитга олинган товарлар бўйича тўлов мажбуриятлари, ходимлар билан иш ҳақи ва бошқа тўловлар юзасидан мажбуриятлари, ижтимоий ажратмалар бўйича мажбуриятлари, солиқлар ва бошқа бюджетга тўловлар, мақсадли фондларга ажратмалар бўйича мажбуриятлар ва бошқа кредиторлик мажбуриятлари ўрин олади.

Корхонанинг тўлов лаёқатини аниқлашда унинг қисқа даврийликда ўрганиб турилишига ва бу асосда молиявий активларнинг бошқаришни фаоллаштиришнинг муҳим йўналишларини белгилашга эътибор бериш талаб этилади. Корхонанинг кредит юзасидан тузиладиган шартномалари кўп жиҳатдан тўлов лаёқати кўрсаткичининг класслар бўйича меъёрий шартларига боғликдир.

Корхонанинг тўлов лаёқатини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Мутлақ тўлов лаёқати.
2. Оралиқ тўлов лаёқати.
3. Жорий тўлов лаёқати.

Мутлақ тўлов лаёқати кўрсаткичи корхонанинг жорий активларида ҳаракатчан активларнинг тўлов мажбуриятларини қоплашига етарлиги ёки етишмаслигини; **оралиқ тўлов лаёқати** кўрсаткичи жорий активларда ҳаракатчан ва тез пулга айланадиган активларни тўлов мажбуриятларини қоплашга етарлиги ёки етишмаслигини; **жорий тўлов лаёқати** кўрсаткичи эса жорий активларда барча айланма активларнинг тўлов мажбуриятларини тўлашга етарлиги ёки етишмаслигини тавсифлайди.

Ғарб амалиётида асосан корхонанинг тўлов лаёқатига баҳо беришнинг умумий кўрсаткичига кўпроқ эътибор берилади. Бу кўрсаткич тўлов мажбуриятларининг оқланувчанлигида барча айланма активларнинг бир хил тўлов кучига эга эканлигини тавсифлайди. Бунда активлар пул шаклида бўладими, мулк-товар шаклидами ёки мажбурият шаклидами бунинг тўлов маблағлари оқланувчанлигида таъсири бўлмайди.

Корхонанинг тўлов лаёқатига баҳо беришда тўлов маблағлари ва мажбуриятлари қаторидан муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари чегириб қолинади. Агар улар мажбурият сифатида сақланмаса; у ҳолда уларни дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари қаторида акс эттириш мумкин эмас. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари фойда ва зарарлар таркибига қўшиб юборилади. Лекин бу ерда мажбуриятларнинг, ҳужжатларнинг айланиши тўла ўз якунига етмаганлиги сабабли, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркибида қолиши билан уларнинг фойда ва зарарлар таркибига қўшилишини тўғри фарқлашга аҳамият бериш лозим. Демак, бундан шундай хулоса чиқадики, ҳужжатлар айланиши ўзининг зарурий талабларига тўла эга бўлган ҳолдагина уларни ҳисобдан чиқариш мумкин. Бу жиҳат ўзгаришлар ҳам, албатта, таҳлилнинг муҳим омиллари сифатида қараб чиқилиши лозим (43 ва 44-жадваллар).

Корхонанинг тўлов лаёқатига баҳо беришда муқобиллик вариантларини ҳам қўллаш лозим. Янги очилган ва ҳали фаолият бошламаган корхоналарга кредит бериш юзасидан қарор қабул қилишда, унинг бизнес режа кўрсаткичлари ва у бўйича аниқланган тўловга қодирликнинг эҳтимоллигига, корхонага мақсадли, марказлашган кредит ресурсларининг туширилишига, техник лойиҳалар асосида кредит ажратилиши ва ҳ.к.ларга аҳамият бериш муҳимдир.

43-жадвал

Корхонанинг тўлов лаёқати кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби

Т/р	Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Изоҳ
1	Мутлақ тўлов лаёқати	$К_м = \frac{ПМ+ҚҚ}{ҚММ}$	ПМ — пул маблағлари ҚҚ — қимматли қоғозлар ҚММ — қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари
2.	Оралиқ тўлов лаёқати	$К_о = \frac{ПМ+ҚҚ+ДМ}{ҚММ}$	ДМ — дебиторлик мажбуриятлари
3	Жорий тўлов лаёқати	$К_ж = \frac{ПМ+ҚҚ+ДМ+З/Х}{ҚММ}$	З/Х — захира ва харажатлар

44-жадвал

Корхонанинг тўлов лаёқати ва унинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
Пул маблағлари	900	2388	+1488
Қимматли қоғозлар	—	—	—
Дебиторлик мажбуриятлари	32071	52421	+20350
Захира ва харажатлар	60606	70343	+9737
Қисқа муддатли мажбуриятлар	28040	31772	+232
Мутлақ тўлов лаёқати	0,032	0,075	+0,053
Оралиқ тўлов лаёқати	1,175	1,725	+0,550
Жорий тўлов лаёқати	3,337	3,939	+0,602

Корхонанинг тўлов лаёқати йил бошига нисбатан бир қадар яхшиланган. Лекин, мутлақ тўлов лаёқати бўйича меъёрий даража сақланмаган. Қолган кўрсаткичлар бўйича тўлов лаёқатининг нормал ҳолатини кўриш мумкин. Мутлақ тўлов лаёқати бўйича ўзгариш 0,053 га, оралиқ тўлов лаёқати бўйича ўзгариш +0,550 га, жорий тўлов лаёқати бўйича эса ўзгариш 0,602 га тенг бўлган.

60 Корхонанинг молиявий барқарорлиги деганда нимани тушунасиз ва унинг таҳлили қандай бажарилади?

Корхонанинг молиявий барқарорлиги деганда унинг ўз активларини молиявий манбалашдаги лаёқатлилиги тушунилади. Унга баҳо беришда узоқ муддатли активларни ташкил этишда ўз маблағларининг нақдлиги ва айланма активларни шакллантиришда ўзининг ва қарз маблағларининг ҳолатига, яъни, етишмовчилиги ёки ортиқчалигига баҳо берилади (45-жадвал).

45-жадвал

Узоқ муддатли активларни ташкил этиш ва айланма активларни шакллантиришда молиявий барқарорлик шартлари

Молиявий барқарорлик шартлари			
Меъёрланган айланма маблағларнинг (МАН) ўз маблағлари нақдлиги ҳисобига қопланиши (НМ)	НМ ва узоқ муддатли қарз маблағлари УМҚМ ҳисобига МАН қопланиши	Жами маблағлар ҳисобига МАН қопланиши (ҚМКҚ—қисқа муддатли кредит ва қарзлар)	Барқарорлик даражаси
НМ>МАН	НМ+ УМҚМ>МАН	НМ+УМҚМ+ ҚМКҚ>МАН	Мутлақ барқарор
НМ<МАН	НМ+ УМҚМ>МАН	НМ+УМҚМ+ ҚМКҚ>МАН	Барқарор
НМ<МАН	НМ+ УМҚМ<МАН	НМ+УМҚМ+ ҚМКҚ>МАН	Нобарқарор
НМ<МАН	НМ+ УМҚМ<МАН	НМ+УМҚМ+ ҚМКҚ>МАН	Кризис ҳолатда

Корхонанинг молиявий барқарорлигини характерловчи кўрсаткичларни турли белгилар бўйича ёки корхонанинг иқтисодий потенциалини тавсифловчи кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ҳам аниқлаш мумкин.

Узоқ муддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи	
30998	37202	30998	37202	89035	126582

Айланма маблағлар				Қарз маблағлар	
58037	70343	60606*	70343*	7500	4000
				Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар	
				1500	1500
				Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар	
				6000	2500

Ортиқчалик		Етишмовчилик	
Йил боши	Йил охири	Йил боши	Йил охири
—	+19037 (126582-37202)-70343	-2569 (89035-30998)-58037	—

* Ўз маблағлари ҳисобига захира ва харажатларни молиялаштиришда маблағларнинг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги.

27-чизма. Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва унинг баланс бўлимлари ёки моддалари бўйича шартлари.

Ўз маблағларининг манбаи	—	Узоқ муддатли активлар	=	Айланма маблағлар таркибида ўз маблағларининг нақдлиги	> =	Моддий айланма маблағлари
Айланма маблағлар таркибида ўз маблағларининг нақдлиги	+	Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар	=	Айланма маблағлар таркибида ўз ва узоқ муддатли қарз маблағларининг нақдлиги	> =	Моддий айланма маблағлари
Айланма маблағлар таркибида ўз ва узоқ муддатли қарз маблағларининг нақдлиги	— +	Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар	=	Айланма маблағлар таркибида жами маблағлар нақдлиги	> =	Моддий айланма маблағлари

28-чизма. Молиявий барқарорликнинг мукобиллик шартлари.

46-жадвал

Корхонанинг молиявий барқарорлиги таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи +, —
1	2	3	4	5
1	Ўз маблағларининг манбаи	89035	126582	+37547
2	Узоқ муддатли активлар	30998	37202	+6204
3	Моддий айланма активларнинг таркибида ўз маблағларининг нақдлиги (1-2)	58037	89380	+31343
4	Узоқ муддатли қарз капитали	1500	1500	—
5	Моддий айланма активларнинг таркибида ўз ва узоқ муддатли қарз капиталининг нақдлиги (3+4)	59537	90880	+31343
6	Қисқа муддали қарз капитали	6000	2500	+3500

1	2	3	4	5
7	Моддий айланма активларнинг таркибида жами маблағларнинг нақдлиги (5+6)	65537	93380	34843
8	Моддий айланма маблағлар қиймати	60606	70343	+9737
9	Моддий айланма маблағларнинг таркибида ўз маблағлари ортиқчалиги ёки етишмовчилиги(3-8)	-2569	+19037	+16468
10	Моддий айланма маблағларнинг таркибида ўз ва узоқ муддатли қарз капиталининг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги (5-8)	-1069	+20537	+19468
11	Моддий айланма активларнинг таркибида жами маблағларнинг етарлиги ёки етишмовчилиги (7-8)	+4931	+23037	+18106

Корхонада моддий айланма активларнинг таркибида ўз ва қарз маблағларнинг етарлиги ёки етишмовчилиги таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, жорий даврда молиявий барқарорлик йил бошига нисбатан яхшиланган. Корхона нобарқарор корхоналар қаторидан барқарор корхоналар қаторига кўтарилган. Манбалашнинг жами қатори бўйича йил бошига нисбатан 18106 минг сўмлик ортиқча маблағга эга бўлинган.

61 Корхона баланси ва унинг ликвидлиги деганда нимани тушунасиз, у қандай таҳлил қилинади?

Баланс маълумотлари асосида корхона активларининг ҳолатини ўрганишда уларнинг пулга айланувчанлигига баҳо бериш таҳлилнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ликвидлик деганда, аввало, маблағларнинг жойланиши, уларнинг пулга айланиш даражаси, яқин ва узоқ даврийликдаги тўлов маж-

буриятларининг оқланиши, жорий активлар ва пассивларнинг ўзаро фарқланишидаги зарурий шартларнинг сақланишига айтилади.

Пулга айланиш тезлигига қараб, корхона активларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- доимий ҳаракатдаги активлар;
- тез сотилувчи активлар;
- секин сотилувчи активлар;
- қийин сотилувчи активлар.

Доимий ҳаракатдаги активлар гуруҳига балансдаги барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, яъни қимматли қоғозлар киради. Бундай активлар қарз мажбуриятларни тўлаш учун тайёр турган маблағ ҳисобланади. Лекин корхона фаолиятига унинг ўз мажбуриятларини қоплаш бўйича нақд пул маблағларининг тўлиқ мавжудлиги билан баҳо бериб бўлмайди. Шу жиҳатдан ушбу қаторда тўлов мажбуриятларининг ҳар сўмига тўғри келадиган пул маблағларининг мавжудлиги 0,25-0,35 тийин даражасида белгиланиши ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Тез сотилувчи активларга баланснинг II бўлим активидаги дебиторлик мажбуриятларини ва бошқа мажбуриятларни киритиш мумкин. Бу маблағлар ҳам зурур бўлган ҳолларда тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Пул маблағлари ва мажбуриятларнинг ҳолати бўйича назорат рақамлари берилмайди. Яъни, нормативлар белгиланмайди. Дебиторлик мажбуриятларининг тўлов мажбуриятларини қоплашга йўналтирилишини эса ўзаро қарздор бўлган ва бир таркибга кирувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда кўриш мумкин.

Секин сотилувчи активлар деганда баланснинг „Захиралар ва харажатлар" қисми тушунилиб, улар нақд пул маблағлари етишмаган ҳолларда тўлов мажбуриятларни қоплашга сарфланиши мумкин. Моддий захираларнинг тўлов мажбуриятларини қоплашга йўналтирилишини бевосита бартер операцияларида ҳам кўриш мумкин.

Қийин сотилувчи активларга „Асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активлар" киради. Бу мулк ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт қатнашиб, ўз қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга аста-секин ўтказиб боради.

Асосий воситаларнинг пулга айланиши узоқ даврни ташкил этади ва уларнинг тўлов мажбуриятларини қоплашга йўналтирилишини фақат ортиқча асосий воситалар ёки очиқ биржа орқали сотишларда ҳамда ҳаракатчан активларга айланишида кўриш мумкин. Бундай имкониятлар корхоналарда кам бўлади. Корхона банкрот деб эълон қилинган ҳолдагина асосий воситаларни тўлов мажбуриятларини қоплашга йўналтириш мумкин.

Корхона активлари, албатта, ўз ва қарз капитали ҳисобига манбаланганлиги боис унинг пассив томони ҳам тўлов мажбуриятларининг муддати ва шартидан келиб чиққан ҳолда таркибий ўрганишни талаб этади. Шу маънода ликвидлик шарти бўйича пассивлар қуйидаги моддалар бўйича туркумлаб чиқилади:

- муддати келган тўлов мажбуриятлари;
- қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари;
- узоқ муддатли тўлов мажбуриятлари;
- доимий пассивлар ёки ўз маблағлари.

Корхонанинг биринчи гуруҳ бўйича **тўлов мажбуриятларига** баланснинг II бўлим пассивидаги кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ва ўз вақтида қайтарилмаган ссудалари киради. **Қисқа муддатли пассивлар** гуруҳига эса II бўлим пассивидаги қолган бандлар, яъни банкнинг қисқа муддатли кредитлари, корхона хизматчилари учун банк кредитлари, қисқа муддатли қарзларга келгуси давр харажатлари ва тўловлар захираси, даргумон қарзлар бўйича захиралари ҳамда бошқа қисқа муддатли пассивлар киради. **Ўрта ва узоқ муддатли пассивлар** дейилганда узоқ муддатли банк кредитлари ва узоқ муддатли қарзлар тушунилади. **Доимий пассивлар гуруҳига** эса баланснинг I бўлим пассивидаги барча бандлар, яъни, „Устав капитали", „Захира капитали", „Қўшилган капитал", „Махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар", „Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар", „Ижара мажбуриятлари", „Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ва бошқа ўз маблағлари киради.

Маблағларнинг айланиш ҳолатини таҳлил қилишда жорий ва келгуси даврда кутиладиган ҳаракатчанлик кўрсаткичларини ўрганиш зарур. Маблағларнинг жорий ҳаракатчанлиги доимий ва тез сотилувчи активлар билан муддати етган тўлов мажбуриятлар ва қисқа муддатли пассивларни

таққослаш орқали аниқланади. Келажакда кутиладиган ҳаракатчанлик кўрсаткичи эса секин сотилувчи активлар билан ўрта ва узоқ муддатли пассивларни таққослаш орқали ўрганилади. Бунда корхонанинг келгусида мўлжалланган ҳар хил тушумлар билан келажак тўловларини олдиндан башорат қилиш мумкин (47-жадвал).

47-жадвал

Корхона маблағлари ликвидлиги таҳлили

Актив		Пассив		Фарқи	
Йил боши	Йил охири	Йил боши	Йил охири	Йил боши	Йил охири
Доимий ҳаракатдаги активлар		Муддати келган тўлов мажбуриятлари			
900	2388	28040	31772	-27140	-29384
Тез сотиладиган активлар		Қисқа муддатли мажбуриятлар			
32071	52421	6000	2500	+29071	+49921
Секин сотиладиган активлар		Узоқ муддатли мажбуриятлар			
60606	70343	1500	1500	+59106	+68843
Қийин сотиладиган активлар		Доимий пассивлар			
30998	37202	89035	126582	+58037	+89380
Баланс		Баланс			
124575	126354	124575	162354	—	—

Меъёрий шартлар			
А1 > = П1	А2 > = П2	А3 > = П3	А4 < = П4

62 Банк кредитидан фойдаланиш даражаси таҳлил қилинаётганда нималар ўрганилади?

Ҳар бир хўжалик юритиш субъекти ўз фаолиятини қарз капиталисиз юритиши қийин. Шу жиҳатдан хўжалик субъектлари у ёки бу даражада ўз фаолиятида кредит ресурсларига зарурият сезади. Жумладан, жаҳон иқтисодини кузатиш ва таҳлил этиш натижаси шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнесда фаолият юритувчи субъектларнинг 90 фоизидан ортиғи қарз капитали ҳисобига фаолият юритади. Шу маънода кўчмас мулкнинг ижарага олиниши ва лизинг муносабатларини ҳам бевосита ушбу қаторга киритиш мумкин. Бунда нафақат кўчмас мулк, балки ходимларни ҳам иқтисодий фаоллар сифатида лизинг муносабатларига тортиш масаласи муҳимдир.

Корхона томонидан олинган қарз, албатта, ўзининг асосли кафолатига ва манбаига эга бўлмоғи лозим. Кредитдан фойдаланиш даражасининг таҳлилида ушбу масала ечимига алоҳида эътибор берилади. Бу бевосита корхонанинг тўлов лаёқатига эга эканлиги, мулкий ҳолати ва фаолият натижавийлиги, молиявий аҳволи билан тавсифланади. Банк кредитидан фойдаланишнинг мақсадли эканлиги, кредит ресурсларининг муддатлар бўйича қайтувчанлиги, қарз капитали бўйича фоизларнинг қайтувчанлиги, муддати ўтган кредитлар ва фоиз тўловлари, мажбуриятлар таҳлилда ўрганиладиган асосий масалалар ҳисобланади.

Қарз капитали бўйича фоизлар ва уларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ҳам корхонанинг банк кредитидан фойдаланиш даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Таҳлил жараёнида олинган кредит ресурслари ва улар бўйича фоиз тўловлари суммасининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар алоҳида ўрганилади. Буни қуйидаги маълумотлар асосида ҳам ўрганишимиз мумкин (48-жадвал):

48-жадвал

Корхонанинг кредит ресурсларидан фойдаланганлиги учун тўланган фоизлар ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи +,—
1	Корхона томонидан олинган кредит ресурслари, минг сўм	10000,0	15000,0	+5000,0
2	Кредит учун фоиз тўловлари ставкаси, %	16,0	20,0	+4,0
3	Кредит учун фоизлар суммаси, минг сўм	1600	3000	+1400,0

Корхона томонидан олинган кредит суммаси ўтган йилга нисбатан +5000,0 минг сўмга ўсган. Шунингдек, олинган қарз капитали юзасидан тўлов фоизлари ставкаси ҳам ўтган йилга нисбатан +4,0 фоизга ортган. Албатта, шаклланувчи кредит учун фоизлар тўлови юқоридаги ўзгаришлар таъсирида +1400,0 минг сўмга ўзгарган дейиш мумкин. Шу жумладан, биринчи кўрсаткичнинг (кредит ресурслари қийматининг ўзгариши) таъсирида қанчага ва иккинчи кўрсаткич (фоиз ставкалари)нинг ўзгариши ҳисобига қанчага ўзгарганлигини 49-жадвал асосида, иқтисодий таҳлилнинг турли усулларини қўллаган ҳолда қараб чиқиш мумкин.

Ҳисоб-китоб қилинадиган омиллар:

— олинган кредитлар суммасининг ўзгариши;

— кредит учун фоиз ставкаларининг ўзгариши.

49-жадвал

Кредит учун фоиз тўловлари суммасининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Мутлақ фарқлар усулида	Интеграл усулда	Занжирли боғланиш усулида	Нисбий фарқлар усулида
1	2	3	4
Биринчи омил таъсири			

1	2	3	4
+5000·16/100= =+800	$+5000\cdot0{,}16+\frac{5000\cdot0{,}40}{2}=$ $=+800+100=+900{,}0$	15000·0,16-600= =+800	+5000/10000· 1600=+800
Иккинчи омил таъсири			
+4,0·15000/100= =+600	$+0{,}04\cdot10000+\frac{5000\cdot0{,}40}{2}=$ $=+400+100=+500$	15000·0,20-400= =+600	1400-800= =+600
Ҳар икки омил йиғиндиси			
+800,0+600,0= =+1400	+900+500=1400	+800+600=1400	+800+600= =1400

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, корхона кредит ресурслари учун ҳисобланган фоиз тўловлари суммаси ўтган йилга нисбатан 144,0 минг сўмга ўсган. Бу ўсиш кредит ресурслари суммасининг ўтган йилга нисбатан +5000 минг сўмга ўсиши ва фоиз ставкаларининг 4,0 фоизга ортиши ҳисобига рўй берган. Жумладан, биринчи омил таъсирида фоиз тўловлари суммаси +800,0 минг сўмга ўсган, иккинчи омил ҳисобига фоиз тўловлари +600,0 минг сўмга ортганлигини кўриш мумкин. Омиллар таъсирини аниқлашнинг фақат интеграл усулидагина бошқа усулларга нисбатан фарқланишлар бор, лекин умумий натижа ўзгаришсиз қолади.

63 Айланма маблағлар самарадорлиги деганда нимани тушунасиз ва улар қандай таҳлил қилинади?

Айланма маблағлар самарадорлиги деганда жорий активлардан фойдаланишдаги иқтисодий нафга айтилади. Иқтисодий нафлик эса қуйидаги кўрсаткичлар орқали тавсифланади (50-жадвал):

Корхонада айланма маблағларнинг айланиши ўтган йилга нисбатан +1,748 га ёки —9,01 кунга тезлашган. Айланма маблағларнинг айланишида омилли таҳлилни қуйидаги боғланишларда кўриб чиқиш мумкин. Бунда айланма маблағ-

50-жадвал

Айланма маблағлар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар

Ҳар бир сўмлик ёки минг сўмлик айланма маблағларга тўғри келадиган	Аниқлаш тартиби	Айланма маблағларнинг айланиши
—корхона соф фойдаси	$К1=\frac{\text{Соф фойда}}{\text{Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати}}$	— айланиш коэффициенти
— маҳсулот ҳажми	$К1=\frac{\text{Маҳсулот ҳажми}}{\text{Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати}}$	— айланиш даври
— сотиш ҳажми	$К1=\frac{\text{Соф тушум}}{\text{Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати}}$	— айланиш салмоғи

51-жадвал

Айланма маблағларнинг айланиш таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи +,—
1	Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	60606	70343	+9737
2	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	456210	652482	+196272
3	Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти,(2/1)	7,527	9,275	+1,748
4	Айланма маблағларнинг айланиш даври,кунда, (1/2·360)	47,82	38,81·	-9,01

лар айланишида бевосита шартли айланиш коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланамиз. Бу кўрсаткич жорий давр маҳсулотини сотишдан олинган соф тушум суммасини айланма маблағларнинг ўтган йил бўйича ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади (652482/60606=10,765).

Бунда, айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши таъсирида = + 3,238 (10,765-7,527) га;

Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати таъсирида ўзгариш эвазига айланиш коэффициенти = – 1,490(9,275-10,765) га, ҳар икки омил таъсиридаги ўзгариш эса +3,238 + (-1,490)=+1,748 га тенг бўлган.

64 Айланма маблағлар айланишига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади?

Айланма маблағлар айланувчанлиги деганда уларнинг пулга айланиш тезлиги тушунилади. Айланма маблағлар айланувчанлиги коэффициенти жорий активларнинг моддий активлар ва дебиторлик мажбуриятларига бўлган нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткичлар бевосита корхонанинг бозордаги фаоллигини тавсифлайди. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, у асосда бизнесни бошқаришда ресурслар чекланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш даражаси таҳлил қилинади ва унинг муҳим йўналишлари белгиланади. Айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг муҳим йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ўстириш;
- маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)ларни истеъмолчиларга етиб бориши ва улар бўйича ҳужжатлар айланишини тезлаштириш;
- айланма маблағлар бўйича меъёрий захиралар сақланишига амал қилиш;
- айланма маблағларнинг меъёрдан ортиқчалигини мақсадли бошқаришни йўлга қўйиш (молларни им-

тиёзли шартларда сотиш, ижарага бериш, бартер операциялари ва ҳ.к.);

- айланма маблағларни қайта баҳолашни баланс тузиш санасига ҳисобга олиш ва тўғри белгилаш;
- айланма маблағларни ҳисобдан чиқаришнинг халқаро усулларидан фойдаланиш;
- корхонанинг ҳисоб сиёсатини, шунингдек, айланма маблағларини баҳолаш усулини белгилашда тармоқ ривожи ва технологик жараёнларнинг мураккаблигига аҳамият бериш;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришни тўғри баҳолаш;
- айланма маблағлар нормативини белгилаш;
- айланма маблағлар нормативини белгилашда корхона ишлаб чиқариш қувватларининг ҳақиқий даражаси ва улардан фойдаланишнинг амалдаги даражаларини ҳисобга олиш;
- айланма активлар айланишини тезлаштириш мақсадида товар ва моддий бойликларни сотиш бўйича ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш;
- айланма маблағлар айланишини тезлаштириш мақсадида ҳар қандай қонун доирасидаги ҳаракатга йўл бериш;
- маҳсулотларни марказлашган тартибда сотиб олиш, сотувчи ва сотиб олувчининг монополлигини чеклаш;
- моддий айланма маблағлардан самарали фойдаланишда техник ва технологик янгиланишни таъминлаш ва ҳ.к.

Айланма активларнинг айланиши ва уларнинг самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

— маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши (ст);

— моддий айланма маблағлари ўртача йиллик қийматларининг ўзгариши (мам).

Айланма маблағларнинг айланишига таъсир этувчи бу омилларни қуйидаги 52-жадвал маълумотларига асосланиб таҳлил қиламиз:

52-жадвал

Айланма маблағлар айланишининг таҳлили

Давр	Маҳсулот,иш ва хизматларни сотишдан соф тушум, (ст)	Ғамлама ва харажатлар	Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи	Айланиш коэффициенти, марта	Айланиш даври, кун	Айланма маблағлар нормативи (1 сўм харажатга)	Айланма маблағлар умумий қиймати суммаси	Нормативга нисбатан ўзгариш
1	2	3	4	5	6	7	8 (4-7)	9 (3-8)
Ўтган йил	456210	60606	385678	7,527	47,82	0,24	92562	-31956
Ҳисобот йили	652482	70343	512463	9,275	38,81	0,24	122991	-52648
Фарқи	+196272	+9737	126785	+1,748	-9,01	—	30429	+20692

Корхона айланма маблағлари нормативидаги ўзгаришлардан ўтган йили ва жорий йилда айланма маблағлар, захираларнинг ўртача йиллик қийматлари сақланишида белгиланган нормативларга амал этилмаган, деб хулоса чиқариш мумкин. Икки ҳолатда ҳам етишмовчилик кузатилган. Ўтган йилда бу кўрсаткич -31956 минг сўмни, ҳисобот йилида эса −52648 минг сўмни ташкил этган.

65 Корхонанинг меҳнат фаоллиги ва унинг кўрсаткичлар тизимига нималар киради? Улар қандай таҳлил қилинади?

Корхонанинг меҳнат фаоллиги жорий активлар ва мажбуриятларнинг айланувчанлиги ва оқланувчанлиги билан характерланади. Жорий активлар айланувчанлиги деганда уларнинг умумий ва нисбий кўрсаткичларда айланиш тезлиги тушунилади. Бу кўрсаткичлар моддий ва номоддий активларнинг истиқбол режасида пулга айланиш эҳтимоллигини тавсифлайди. Моддий айланма активлар бўйича ғамлама ва харажатларнинг ҳар бир элементи бўйича сотишдан олинган

соф тушумлар суммасидаги самарадорлик даражаси ўрганилади. Номоддий айланма активлар айланиши бўйича эса қарши томоннинг корхонага бўлган дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги ва самарадорлик даражаси таҳлил қилинади.

Мажбуриятлар қаторида корхонанинг тўлов муддати келган қарши қарзлари айланувчанлиги ўрганилади. Бунда бевосита кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даражаси ва даврига эътибор берилади (29-чизма).



**МССТ — маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум.*
***СМИЧТ — сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи.*

29-чизма. Корхона иш фаоллигини характерловчи кўрсаткичлар ва уларнинг аниқланиш усули.

66 Корхона (фирма)нинг иқтисодий ночорлиги қандай аниқланади ва таҳлил қилинади?

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳаракат майдонида ва унинг таъсирида ривож топади, қайта ташкил этилади ёки банкрот бўлади. Ташкил этилаётган ҳар бир корхона ёки фирма қаторида, албатта, ўз фаолиятини тўхтатаётгани ҳам бўлади. Негаки, бозор — бу аввало, рақобат демакдир. У имкон қадар ўзгарувчанликни ва ҳаракатчанликни талаб этади. Рақобатга бардош беролмаган корхоналар ўрнини бошқа шундай корхоналар банд қилишади ва бу жараён узлуксиз давом этади.

Корхона ва фирмаларни банкрот деб эълон қилиш ва уларни тугатиш шартлари давлат номидан иш юритувчи органлар томонидан қатъий тартибда амалга оширилади. Бундай ваколатга Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги «Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўлими» эга. Ушбу бўлим томонидан корхоналарни иқтисодий ночор ва банкрот деб эълон қилишнинг тартиблари ишлаб чиқилган. Унга кўра иқтисодий ночорликни аниқлашнинг қуйидаги кўрсаткичлар тизими белгиланган:

- корхонанинг тўлов лаёқати ва қоплов коэффициентини ўрганиш;
- корхонанинг молиявий мустақиллик даражасини баҳолаш;
- узоқ муддатли активлар ва жорий активларни, моддий айланма маблағларни манбалашнинг ҳолати;
- ўз ва қарз маблағлари орасидаги ўзаро нисбат даражалари;
- активлар, капитал ва мажбуриятлар рентабеллиги;
- ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқий фойдаланиш даражалари;
- асосий ва номоддий активларнинг ҳолат кўрсаткичлари;
- муддати ўтган қарз мажбуриятларининг ҳолати.

Бу кўрсаткичларни ўрганиш орқали корхона ва фирмаларнинг иқтисодий ночорлигини ойдинлаштирувчи саволларга жавоб берилади, иқтисодий ночорлик белгиларининг бор ёки йўқлиги аниқланиб зарур бўлса банкротлик қарори қабул қилинади. Иқтисодий ночорликни белгилашда фойдаланиладиган ҳар бир коэффициентнинг меъёрлаштирилган чегаравийлиги белгиланган. Ушбу чегаравийликдан ўзгаришлар асосида корхона молиявий ҳолатига иқтисодий ташҳис қўйилади (53-жадвал).

53-жадвал

Корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби	Меъёрий чегара	Ночорлик белгиси
1	2	3	4
Корхонанинг тўлов лаёқати	$Кт = \frac{\text{Жорий активлар (жами)}}{\text{Муддати келган тўлов мажбуриятлари}}$	2—3	Кт<2
Корхонанинг молиявий мустақиллик даражасини баҳолаш	$Км = \frac{\text{Ўз маблағлари манбаи}}{\text{Жами мулк}}$	50%<Км	Км<50%
Узоқ муддатли активлар ва жорий активлар ҳамда моддий айланма маблағларни манбалашнинг ҳолати	Оборот маблағлар нақдлиги — Моддий ғамламалар	Ортиқчалик	Етишмовчилик
	Ўз маблағлари + Узоқ муддатли қарз капитали — Моддий ғамламалар	Ортиқчалик	Етишмовчилик
	Ўз маблағлари + Узоқ муддатли қарз капитали + Қисқа муддатли қарз капитали—Моддий захиралар	Ортиқчалик	Етишмовчилик
Ўз ва қарз маблағлари орасидаги ўзаро нисбат даражалари	$Ка = \frac{\text{Ўз маблағлари}}{\text{Қарз маблағлари}}$	2 дан ортиқ	2 дан кичик

1	2	3	4
Активлар, капитал ва мажбуриятлар рентабеллиги	$Кр = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Актив, капитал, мажбурият}}$	Кр>0	0 дан кичик
Ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқий фойдаланиш даражалари	$Кф = \frac{\text{Ишлаб чиқариш қувватининг ҳақиқий даражасидаги маҳсулот ҳажми}}{\text{Техник лойиҳа бўйича ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган ҳажм кўрсаткичи}}$	Кф=1>0	Кф=1<0
Асосий ва номоддий активларнинг ҳолат кўрсаткичлари	$Кэ = \frac{\text{Асосий восита ва номоддий фаолларнинг эскирган қиймати}}{\text{Асосий восита ва номоддий активларнинг бошланғич қиймати}}$	Кс>0,5	Кс<0,5
Муддати ўтган қарз мажбуриятларининг ҳолати	$Кд/к = \frac{\text{Муддати ўтган мажбуриятлар}}{\text{Жами мажбуриятлар}}$	Кд/к<0,5	Кд/к>0,5

Юқорида келтирилган коэффициентларнинг натижасига қараб, иқтисодий ночорликни аниқлаш тартибига кўра фирма ва компаниялар:

- мутлақ барқарор;
- барқарор;
- нобарқарор;
- банкрот ҳолатида бўлади.

Бундай тартиблаш бевосита аниқланган кўрсаткичлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва корхонанинг муайян санадаги молиявий аҳволига баҳо берилади. Кўрсаткичларни юқоридаги тартибда комплекс ўрганиш, уларнинг молиявий ҳолатига тўлиқ баҳо бериш ва шарҳлаш имконини беради. Корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ва санациялаш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг 1997 йил 17 апрелдаги 5- сонли йўриқномасига мувофиқ, корхоналарнинг иқтисодий нобарқарорлигини аниқлаш тизими ишлаб чиқилган. Бу тизимдан 4 меъёрий бирлик ўрин олган (54-жадвал).

54-жадвал

Нобарқарорликни характерловчи кўрсаткичларнинг амалдаги меъёрий бирликлари

Кўрсаткичлар тизими	Нобарқарорлик шартлари
Тўлов лаёқати	Кт <2
Ўз ва қарз маблағлари орасидаги нисбат	Ка<2
Молиявий мустақиллиги	Км<0,5
Ўз-ўзини айланма маблағлар билан таъминланганлиги	Кот<0,1

67 Корхона фойдаси деганда нимани тушунасиз? Бозор муносабатлари шароитида таҳлил олдига қандай вазифалар қўйилади?

Фойда — иқтисодий натижа ва ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг зарурий шарти ҳисобланиб, маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган даромаддан ишлаб чиқариш харажатларини чегириш асосида аниқланади.

Даромадлар — корхона активларининг ортиши ёки капиталдаги ўзгаришлардан фарқ этувчи мажбуриятларнинг камайишидир.

Харажатлар — активлардан фойдаланиш ёки уларнинг ишлатилиши натижасида камайиши ва улар бўйича мажбуриятларнинг ортишидир.

Активларнинг ортиши, деганда уларнинг киримга олиниши ёки ҳужжат асосида қабул қилиш тушунилади. Капиталдаги ўзгаришлардан фарқ этувчи мажбуриятларнинг камайиши эса маҳсулот (иш ва хизмат)ларга эгалик шартининг қарши томонга ўтишида улар томонидан тўловларнинг амалга ошиши юзасидан мажбуриятларнинг камайишини ха-

рактерлайди. Активлардан фойдаланиш ёки уларнинг ишлатилиши таъсирида мажбуриятларнинг ортиши қарши томонга маҳсулот (иш ва хизмат)лар бўйича тўлов мажбуриятларининг ортишини белгилайди.

Юқоридаги боғланишлардан иқтисодий фойдага қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: Фойда – даромад ва харажатлар нисбатидаги юқори ўзгарувчанлик, зарар – даромад ва харажатлар нисбатидаги (қопланишидаги) қуйи ўзгарувчанликдир. Корхона ўз ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўяр экан аввало даромад ва харажатларни тўғри ҳамда мақсадли бошқаришга аҳамият беради. Бунда таҳлил ҳам ўз таъсирига эга. Негаки, корхона фаолиятини чуқур ўрганмасдан, таҳлил этмасдан туриб, унинг ижобий натижавийлигини белгилаб бўлмайди. Шу маънода иқтисодий таҳлил олдига бирмунча мураккаб вазифалар қўйилади. Улар қуйидагилардан иборат:

- фойда ва зарарнинг шаклланиши ва таркиби, тузилиши бўйича ўзгаришларни баҳолаш;
- ялпи фойда ва унинг ўзгаришини омилли ўрганиш;
- давр харажатлари ва уларнинг ўзгаришларини баҳолаш;
- асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган натижа ва унинг ўзгаришини таҳлил қилиш;
- умумхўжалик фаолиятидан олинган натижани ҳисоблаш;
- солиқ тўловига бўлган натижани аниқлаш;
- соф фойда ва унинг ўзгаришини омилли ўрганиш;
- фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятлар ва уларни йўлга қўйиш чора-тадбирларини белгилаш ва ҳ. қ.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар 2-шакл — „ Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" ва уларга берилган изоҳлар ҳамда қўшимча маълумотлардан олинади.

68 Корхона фойдаси таркибига нималар киради ва уни таҳлил қилиш қандай амалга оширилади?

Корхона томонидан олинадиган фойда таркибини унинг юзага чиқиш шакли бўйича қуйидаги турларга ажратиш мумкин (30-чизма):



30-чизма. Молиявий натижаларнинг шаклланиши.

Бу таркиблашни бевосита халқаро ҳисоб андозаларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Ҳозирда амалда бўлган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳам бевосита мазкур таркибда тузилган.

Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарарлар қаторига маҳсулот (иш ва хизматлар)ни сотишдан олинган нати-

жа (давр харажатлари чегирилган ҳолда), операцион жараёнлардан олинган даромадлар ва харажатлар фарқи ҳам киритилади. Унинг таркиб тузилишини 26, 46, 47, 48 — молиявий ҳисоб счётлари бўйича оборотларга нисбатан бериш мумкин.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қаторига корхонанинг молия ва фонд бозорларида мулкий мажбурият бўйича келиб чиқадиган жарима, пеня, омонатлар, валюта курсининг ўзгаришидан юзага келадиган ижобий ва салбий ҳолатлар, ҳиссали қатнашиш ва қарз мажбуриятларидан келиб чиқадиган иқтисодий нафлар киритилади. Фавқулодда фойда ва зарарлар қаторига олдиндан режалаштириш имкони бўлмаган ва кутилмаган ҳолатлардан олинадиган даромад ва йўқотишлар киради. Масалан, табиий офатлар (сув тошқини, ер қимирлаши, бўронлар, дўл уриши, ёнғин бўлиши). Шунингдек, корхона учун одатий ҳол ҳисобланмаган ҳолатлардан олинадиган даромадлар ҳамда йўқотишлар фавқулодда фойда ва зарарлар қаторига киритилади.

Ушбу маълумотларни «Фойда ва зарарлар» счётининг 1, 2, 3, 4, 5-субсчётларида умумлаштирилган кўрсаткичлар асосида ўқиш мумкин. Таҳлилда бевосита молиявий ҳисоботнинг услубий асосларидан фойдаланган ҳолда молиявий натижаларнинг таркибли ва умумий ўзгаришларига баҳо берилади. Бунда бевосита молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, горизонтал ва вертикал таҳлил усулларини қўллаш ва нисбий кўрсаткичларни аниқлаш каби усуллар кенг қўлланилади. Молиявий натижалар таҳлили биринчи навбатда бу борадаги ҳисоботни ўқишдан бошланади. Горизонтал таҳлилда фойда ва зарарларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан мутлақ ва нисбий ўзгаришлари ўрганилади. Вертикал таҳлилда молиявий натижаларнинг умумий кўрсаткичга нисбатан мутлақ ва нисбий даражаларига баҳо берилади. Динамик таҳлилда корхонанинг бир неча йил давомида фойда ва зарарлари, нисбий кўрсаткичлар бўйича рентабеллик ва бозор активлиги ўрганилади.

Молиявий натижаларни характерловчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин (55-жадвал):

55-жадвал

Молиявий натижага даҳлдор элементлар

Даромад	Харажат	Натижа
Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларни сотишдан олинган даромад	Маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган фойда/зарар
Давр харажатлари		
Операцион даромадлар	Операцион харажатлар	Операцион фойда/зарар
Молиявий фаолиятдан тушган даромадлар	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	Молиявий фаолиятдан фойда/зарар
Кутилмаган ҳолатлардан тушган даромадлар	Кутилмаган ҳолатлар сабабли харажатлар	Кутилмаган ҳолатлардан фойда/зарар

56-жадвал

Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва унинг таҳлили (фойда — + , зарар — -)

Кўрсаткичлар	Жами фойда		Шу жумладан					
			Асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижаси		Молиявий фаолият натижаси		Фавқулодда фойда ва зарар	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Ўтган йил	+131419	100	124980	95,1	6439	4,9	x	-
Ҳисобот йили	+174690	100	165780	94,9	8910	5,1	x	-
Фарқи	+43271	-	+40800	-0,2	+2471	+0,2	x	-

Корхона фойдаси ўтган йилга нисбатан 43271 минг сўмга ўсган. Бу ўзгариш фойда ва зарарнинг шаклланиш қаторида қуйидагича бўлган: асосий ишлаб чиқариш фаолия-

тининг натижаси ўтган йилга нисбтан ўзгариши 40800 минг сўмни, молиявий фаолият бўйича ўсиш +2471 минг сўмни ташкил этган. Жорий ва ўтган даврда корхонада фойда ва зарарнинг фавқулодда ҳолатлари кузатилмаган. Корхона фойда ёки солиқ тўловига қадар бўлган фойданинг жами ҳисоб фойдаси таркибидаги салмоқ ўзгаришларига нисбатан фойданинг шаклланиш қаторлари бўйича +0,2 (асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан) ва −0,2 (молиявий фаолиятдан) фоизни ташкил этган. Жами ҳисоб фойдасининг улуши асосий ишлаб чиқариш фаолиятига тўғри келган.

69 Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижа ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади?

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижалар таркибида фойда ва зарарнинг шаклланиши асосий ўринни тутади. Сотишдан олинган фойда соф тушумдан, сотилган маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни чегириш асосида аниқланади. Соф фойда сотишдан олинган ялпи тушумдан олинадиган солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, реклама солиғи, сотиш ҳажмидан турли ажратмалар)ни чегириш асосида аниқланади. Сотишдан олинган натижа маҳсулот, иш ва хизматларни сотилган қаторга киритиш ёки даромадларни тан олиш шакли ва услубининг ўзгариши билан белгиланади. Масалан, кассали усул ва ҳисобга олиш усулининг фарқланиши моддий қийматларни ҳисобдан чиқариш усулларининг ўзгариши, даромад ва харажатларнинг юзага чиқиш ўрни, шакли ва маркалари бўйича ҳисобга олиш тартибининг ўзгариши ва ҳ.к. ларга боғлиқ.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотилган қаторга киритишда бевосита мулкий эгалик ва уларни тасарруф этиш шартидан келиб чиқилади. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда таҳлилида бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг **маржиналлик** шартига ҳам баҳо бериш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шарти маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум сум-

масидан барча ўзгарувчан харажатларни чегиришни характерлайди. Бунда янгидан яратилган қиймат фақат ўзгарувчан қийматнинг ўзидан иборат бўлади. Яъни, корхона маржиналлик шартида критик ҳажм даражасида фойда суммасига эга бўлмайди. У фақат ишлаб чиқариш харажатларини, ўзгарувчан ва ўгармас харажатларни қоплаш даражасидаги маҳсулот ҳажмигагина эга бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шарти корхона ишлаб чиқариш режаси ва фаолият натижавийлигини олдиндан белгилаш имконини беради.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган натижа (фойда ёки зарар)ни аниқлаш усули тармоқ характери бўйича деярли фарқ этмайди. Савдо корхоналарида ушбу кўрсаткич товарларни сотиш баҳоси билан уларни сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Таҳлилда маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган натижа режага ва ўтган йилларга нисбатан қиёсий ўрганилади. Асосий эътибор уларнинг ўзгариш сабабларига қаратилади. Маҳсулот сотишда олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулотлар баҳосининг ўзгариши;
- маҳсулотлар физик ҳажмининг ўзгариши;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши;
- маҳсулотлар ассортименти ва структурасининг ўзгариши ва бошқа омиллар.

Таҳлил этишда ҳар бир омилнинг якуний ифодага таъсир даражалари ҳисоб-китоб қилинади ва корхона бўйича фойдани ўстиришнинг ички имкониятлари белгиланади. Уларни йўлга қўйишнинг амалий йўналишлари ишлаб чиқилади. Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таҳлилини амалга ошириш мумкин (57-жадвал):

57-жадвал

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йилида сотиш ҳажми (ўтган йил баҳосида ва таннархида)	Ҳисобот йили
Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум	345689	386520	421571
Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар	233129	256980	287361
Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда	112560	129540	134210

Таҳлил этувчининг тушуниши осонроқ бўлиши учун қуйидаги боғланишни келтириш ўринлидир (58-жадвал):

58-жадвал

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йилида сотиш ҳажми (ўтган йил баҳосида ва таннархида)	Ҳисобот йили
Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум	**Qo Po**	**Q1 Po**	**Q1 P1**
Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар	**Qo So**	**Q1 So**	**Q1 S1**
Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда	**Qo (Po-So)**	**Q1 (Po-So)**	**Q1 (P1-S1)**

Q — маҳсулотнинг физик ҳажми; S — маҳсулот бирлиги таннархи; P — маҳсулот бирлиги баҳоси.

1. Ҳажм ўзгаришининг ялпи фойда ўзгаришига таъсири:

$$Ф_1=Q_1 (P_0-S_0) - Q_0 (P_0-S_0) \Rightarrow 129540-112560 = +16980$$

2. Баҳо ва ишлаб чиқариш таннархи ўзгаришининг ялпи фойда ўзгаришига таъсири:

$$Ф_2=Q_1(P_1-S_1)- Q_1 (P_0-S_0) \Rightarrow Q_1 ((P_1-P_0)(S_1-S_0)$$
$$\Rightarrow Ф_2= +35051+(-30381) = + 4670 \text{ минг сўм.}$$

2.1. Баҳо ўзгаришининг ялпи фойдага таъсири:

$$Q_1 (P_1-P_0) \Rightarrow 421571 - 386520 = +35051$$

2.2. Таннарх ўзгаришининг ялпи фойдага таъсири:

$$Q_1 (S_1-S_0) \Rightarrow 256980 - 287361= - 30381 \text{ минг сўм.}$$

Ҳар икки омил йиғиндиси:

$$+16980 + 4670 = + 21650 = (134210 - 112560)$$

Юқоридаги боғланишларда маҳсулотлар ассортиментининг ўзгариши, соликлар ўзгариши, сотиш ўрни ва шаклларининг ўзгариши, ҳисоб-китоб шаклларининг ўзгаришлари таъсири жамланган ҳолда иккинчи омил таркибида ҳисобга олинади. Корхонада маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда суммаси ўтган йилга нисбатан +21650 минг сўм ўсган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар ҳисобига рўй берган: маҳсулот ишлаб чиқариш физик ҳажмининг ўзгариши ҳисобига маҳсулот сотишдан олинган фойда суммаси 16980 минг сўмга ортган, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг қимматлашуви таъсирида ялпи фойда суммаси 30381 минг сўмга камайган. Сотиш баҳоларининг ўзгариши ҳисобига ялпи фойда суммаси 35051 минг сўмга ўсган. Барча омиллар таъсирида ялпи фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 21650 минг сўм ўсишига эришилган.

70 Умумхўжалик фаолиятидан олинган натижа қандай таҳлил қилинади?

Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижасига молиявий фаолиятдан олинган натижани қўшиш ёрдамида аниқланади. Умумхўжалик фаолиятидан олинган натижа ҳисоб объекти бўлолмайди. Улар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг алоҳида таркиби сифатида қаралади. Таҳлил этишда унинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришлари ва ўзгариш сабаблари ўрганилади.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган натижа фойда ва зарарлар суммасидан солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фарқ қилади. Бордию даромад ва харажат моддалари йўқ деб фараз қилинса, у ҳолда у солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасига тенг бўлади. Бунда фойда ёки зарарлар мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар асосида ўрганилади. Нисбий кўрсаткичлар бўйича ушбу қатор 100 фоиз деб олинган ҳолда унинг таркибига кирувчи барча кўрсаткичларнинг назорат рақамига нисбатан улушлари аниқланади.

Қуйидаги маълумотлар асосида умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда таҳлилини бажариш мумкин (59-жадвал):

59-жадвал

Умумхўжалик фаолиятидан олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил		Ҳисобот йили		Фарқи		Ўсиш даражаси
	минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%	%
1	2	3	4	5	6	7	8
Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда	300,0	244,2	462,0	92,7	+162,0	-151,2	154,0

1	2	3	4	5	6	7	8
Давр харажатлари	152,0	52,2	210,0	42.1	+58,0	-10,1	138,1
Операцион даромадлар ва харажатлар	54,0	18,5	121,0	24,3	+67,0	+5,8	224,0
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг моливий натижаси	202,0	69,4	373,0	74,9	+172,0	+5,5	184,6
Молиявий фаолият натижаси (фойда ёки зарар)	89,0	30,6	125,0	25,1	+36,0	-5,5	140,4
Умумхўжалик фаолиятидан олинган натижа	291,0	100	498,0	100	207,0	x	171,1

Корхонанинг молиявий натижаси ўтган йилга нисбатан яхшиланган. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 162,0 минг сўмга, давр харажатлари 58,0 минг сўмга, операцион даромадлар суммаси 67,0 минг сўмга, молиявий фаолиятдан олинган фойда суммаси 36,0 минг сўмга орпган. Энг юқори ўсиш даражаси операцион даромадлар ҳамда маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда қаторларига тўғри келган.

Нисбий фарқланишда мусбат ўзгариш операцион даромадлар ва асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижаси қаторларига мувофиқдир.

71 Солиқ тўловига қадар бўлган фойда қандай таҳлил қилинади?

Солиқ тўловига қадар бўлган фойда жами ҳисоб фойдасини ифодалайди. Ҳисоб фойдаси жорий давр бўйича якуний натижани акс эттиради. Мамлакатимиз ҳисоб ва солиқ

қонунчилигида ушбу қатор солиқ тўловигача бўлган молиявий натижа деб номланган. У корхонанинг ҳисобот даврида-ги бўйича барча активлар ва пассивларни бошқаришнинг натижавийлигини ўз ичига олади. Активлар ва пассивларни бошқариш ҳам бевосита фойда олиш мақсадидаги ҳаракатни ифодалайди. Активларни сотиш ёки ҳисобдан чиқариш, шунингдек, мулкий, шартномавий, ҳуқуқий муносабатлар негизида юзага чиқувчи даромад ва йўқотишлар шулар жумласидандир.

Уларни юзага чиқиш шакли бўйича 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Яъни:

- ♦ асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижаси;
- ♦ молиявий фаолият натижаси;
- ♦ фавқулодда фойда ва зарарлар.

Солиқ тўловига қадар бўлган молиявий натижа нафақат корхона ва унинг бошқарувчилари, балки оммавий ахборот ходимлари эътиборидаги маълумотлар ҳисобланади. Энг аввало,ушбу қатор давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади. Чунки, ушбу қатор давлат солиқ сиёсатида солиқ ундириладиган (дастлабки) база сифатида белгиланган. Республика Солиқ Кодексига мувофиқ, солиқ тўловига қадар бўлган молиявий натижага айрим харажат моддалари қайта қўшилади, айримлари эса қайта чегирилади, сўнгра солиққа тортиш базаси аниқланади.

Солиқ тўловига қадар бўлган молиявий натижага давр ва вақт бўйича тафовутларни қўшиш асосида солиққа тортиладиган базанинг ҳисоб-китоби қилинади. Фойда (даромад)-дан солиқ ва ундан бошқа солиқли тўловлар, ажратмаларни чегириш асосида корхона соф фойдаси қаторига чиқилади. Таҳлил этишда солиқ тўловига қадар бўлган фойданинг қиёсий ҳамда горизонтал ва вертикал таҳлили, ушбу кўрсаткич билан боғлиқ бўлган нисбий кўрсаткичлар ўрганилади. Нисбий кўрсаткичлар сифатида корхонанинг рентабеллик даражаси, битта акцияга тўғри келадиган ҳисоб фойдаси, қарз фоизларининг қайтувчанлик даражалари ўрганилади.

72 Соф фойда ва унинг омилли таҳлили қандай олиб борилади?

Корхона ихтиёрида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда соф фойда дейилади.Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан солиқлар ва тўловлар суммасини чегириш асосида аниқланади. Соф фойда таҳлилида унинг ўтган йилларга шунингдек, корхона бизнес режаси кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришлари ўрганилади. Молиявий натижавийликнинг ушбу якуний қатори барча ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчилар эътиборидаги масала ҳисобланади.

Ички ахборотдан фойдаланувчилар ушбу қаторни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида корхонанинг жорий даврдаги натижавийлигига баҳо берадилар. Шунингдек, улар фойдани ўстириш ёки зарарни минималлаштириш бўйича мавжуд ички имкониятларнинг борлигига, истиқбол режаларини белгилашга, корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш юзасидан бошқарувнинг муҳим стратегик қарорларини қабул қилишда катта эътибор берадилар.

Ташқи ахборотдан фойдаланувчилар корхонанинг фойдалилик даражасига, ўз активларини мақсадли бошқаришнинг шартларини белгилашга ҳам жиддий аҳамият беришади. Масалан, корхона мулкида ҳиссали қатнашувчилар акция эгалари келишувига ёки хусусий капиталдаги улушига қараб тақсимланадиган ҳисоб фойдасининг ҳолатига корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳамда солиқ идоралари солиқ тўловига қадар бўлган фойда билан қизиқсалар, инвестиция ҳомийлари эса корхона фаолиятининг барқарорлиги ва ўсиш даражаларига кўпроқ қизиқадилар.

Соф фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳажмининг ўзгариши;
- маҳсулот, иш ва хизматлар баҳосининг ўзгариши;

- маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши;
- давр харажатларининг ўзгариши;
- молиявий фаолиятдан олинадиган фойда ва зарарларнинг ўзгариши;
- фавқулодда фойда ва зарарлар ўзгариши;
- фойдадан олинадиган солиқлар ва солиқли тўловларнинг ўзгариши.

Таҳлил этишда ҳар бир омилнинг соф фойда ўзгаришидаги мутлақ қийматлари аниқланади. Уларнинг ўзгаришларига баҳо бериш асосида корхонада фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади (60-жадвал).

60-жадвал

Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Таъсир этувчи омиллар	Аниқлаш услуби	Символ
1	2	3
Маҳсулот (иш,хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши	Ҳажм ўзгариши (Ҳисобот йилида сотилган маҳсулот ҳажми ўтган йил баҳосида/Ўтган йилда сотилган маҳсулот ҳажми ўтган йил маҳсулотини сотишдан фойда)	A_1
	Баҳо ўзгариши (Ҳисобот йилида сотилган маҳсулот ҳажми) — Ҳисобот йилида сотилган маҳсулот ҳажми ўтган йил баҳосида	A_2
Маҳсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши	Ҳисобот йилидаги маҳсулот ҳажми ўтган йил таннархида — Ҳисобот йилидаги маҳсулот ҳажми ҳақиқий таннархида	A_3
Маҳсулот (иш,хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгариши	Ҳисобот йилида маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда — Ўтган йилда маҳсулот сотишдан ялпи фойда	A_4

1	2	3
Молиявий фаолиятдан фойда/зарарлар суммасининг ўзгариши	Ҳисобот йилида молиявий фаолият натижаси — Ўтган йилда молиявий фаолият натижаси	М
Кутилмаган ҳолатлардан фойда/зарарлар суммасининг ўзгариши	Ҳисобот йилида кутилмаган ҳолатлардан олинган фойда — Ўтган йили кутилмаган ҳолатлардан олинган фойда	К
Солиқ тўловига қадар фойда/зарар суммасининг ўзгариши	Ҳисобот йилида солиққа қадар фойда — Ўтган йили солиққа қадар фойда суммаси	Ф
Солиқлар суммасининг ўзгариши	Ҳисобот йилида ҳисобланган солиқлар суммаси — Ўтган йили ҳисобланган солиқлар суммаси	С
Соф фойда суммасининг ўзгариши	Ҳисобот йили соф фойдаси — Ўтган йили соф фойдаси	СФ

73 Фойда қандай тақсимланади ва у қандай таҳлил қилинади?

Фойданинг тақсимланиши деганда унинг истеъмол ва жамғаришга йўналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади.

Фойда қуйидагича тақсимланади:

- солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар, тўловларга;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга;
- акция ва капитал эгаларига дивидендлар тўлашга.

Корхона ўзининг ҳисоб фойдасидан, аввало, давлат олдида ҳисоб беради ва ўзининг ихтиёрида ҳамда тасарруфида бўлган фойда суммасини аниқлайди. Фойдадан олинган со-

ликлар қатъий ставкаларда ва фоизларда ундирилади. Ҳисоб фойдасининг солиқлар тўловидан қолган қисми корхона соф фойдаси сифатида унинг эркин белгиловига (акционерлар йиғилишининг қарори ва ички низомига) мувофиқ тақсимланади.

Молиянинг тақсимлаш ва қайта тақсимлаш функциясига биноан корхона даромадлари ва уларнинг тақсимот қаторлари белгиланади.

Соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга оид сарфлар акционерларнинг умумий йиғилишида ҳисоб бериш ҳамда уларнинг розилигини олиш асосида белгиланади.

Соф фойданинг қолган қисми чиқарилган акцияларнинг турига қараб ва уларнинг имтиёзли шартлари асосида тақсимланади. Дастлаб имтиёзли акция эгаларига олдиндан кафолатланган фоизларда тўловлар ҳисобга олинади, сўнгра оддий акция эгаларига дивиденд фоизлари ва суммалари эълон қилинади. Фойданинг тақсимланмаган қисми корхона учун тақсимланмаган фойда сифатида, агар корхона ночор аҳволда бўлса, қопланмаган зарар сифатида кейинги ҳисобот йилига ўтказилади. Қопланмаган зарар ва тақсимланмаган фойда корхона фаолиятининг биринчи йили бўйича балансининг шу номдаги қаторига мос тушади. Кейинги йиллар бўйича уларнинг таққосланувчанлиги таъминланади. Яъни, тақсимланмаган фойда, қопланмаган зарар жорий давр учун қуйидагича аниқланади:

1. Ҳисобот давринг бошидаги тақсимланмаган фойда, қопланмаган зарар.

2. Жорий давр соф фойдаси.

3. Жорий даврда тақсимланмаган фойда ва соф фойданинг ишлатилиши.

4. Ҳисобот даври охиридаги тақсимланмаган фойда, қопланмаган зарар (1+2-3).



31-чизма. Соф фойданинг шаклланиш тартиби ва тақсимланиши.

74 Корхона рентабеллиги қандай таҳлил қилинади?

Корхонанинг фаолияти ва унинг натижавийлигига баҳо беришнинг ўлчов воситаси сифатида рентабеллик кўрсаткичи олинади. Уни бевосита фаолият натижавийлигини ўлчашнинг индикатори ёки термометри дейиш ҳам мумкин.

Рентабеллик корхонанинг фойдалилик даражасини характерлайди. Одатда, унинг бир неча турлари ҳисоб-китоб қилинади. Бу бевосита мулк ва активларнинг шакли, капиталлашув, даромадларнинг юзага чиқиш ўрни ва марказлари бўйича фарқланади.

Актив ва мулкнинг шакли бўйича қуйидаги рентабеллик турлари аниқланади:

- ♦ асосий воситалар рентабеллиги;
- ♦ айланма активлар рентабеллиги;
- ♦ жами мулк рентабеллиги;
- ♦ ўзлик капитали рентабеллиги;
- ♦ қарз капитали рентабеллиги.

Молиявий натижага дахлдор бўлган элементларнинг юзага чиқиш ўрни ва маркалари бўйича:

- ♦ сотув рентабеллиги;
- ♦ алоҳида олинган маҳсулотлар ёки фаолият шакли рентабеллиги;
- ♦ ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллиги;
- ♦ асосий ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллиги.

61-жадвал

Рентабеллик кўрсаткичлари

Рентабеллик кўрсаткичлари	Аниқлаш тартиби.
1	2
Асосий воситалар рентабеллиги	$= \frac{\text{Соф фойда (солиқ тўловига қадар фойда)}}{\text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$
Айланма активлар рентабеллиги	$= \frac{\text{Соф фойда (солиқ тўловига қадар фойда)}}{\text{Айланма активлар ўртача йиллик қиймати}} \times 100\%$
Жами мулк рентабеллиги	$= \frac{\text{Соф фойда (солиқ тўловига қадар фойда)}}{\text{Корхона мулки жами}} \times 100\%$
Ўз капитали рентабеллиги	$= \frac{\text{Соф фойда (солиқ тўловига қадар фойда)}}{\text{Ўз капитали}} \times 100\%$

1	2
Қарз капитали рентабеллиги	$= \frac{\text{Соф фойда (солиқ тўловига қадар фойда)}}{\text{Узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар}} \times 100\%$
Сотишга нисбатан рентабеллик	$= \frac{\text{Сотишдан олинган ялпи фойда}}{\text{Сотишдан олинган соф тушум}} \times 100\%$
Алоҳида олинган маҳсулотлар рентабеллиги	$= \frac{\text{Маҳсулотни сотишдан олинган фойда}}{\text{Сотилган маҳсулот харажатлари}} \times 100\%$
Ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик	$= \frac{\text{Маҳсулот сотишдан ялпи фойда}}{\text{Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари}} \times 100\%$
Асосий ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан рентабеллик	$= \frac{\text{Асосий ишлаб чиқаришдан олинган фойда}}{\text{Асосий ишлаб чиқариш харажатлари жами}} \times 100\%$
ва ҳ.к.	

62-жадвал

Рентабеллик таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+,—)
1	2	3	4	5
1	Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	125987	152485	+26498
2	Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	102574	135425	+32851
3	Сотишдан олинган фойда, минг сўм	23413	17060	-6353
4	Соф фойда, минг сўм	2589	3125	+5365
5	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	5213	5632	+419
6	Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	8752	9521	+769

1	2	3	4	5
7	Корхона мулки, минг сўм	15562	17892	+4330
8	Ўз маблағлари, минг сўм	8542	8965	+423
9	Қарз маблағлари, минг сўм	2546	3212	+670
10	Маҳсулот рентабеллиги (3/1х100)%	18,6	11,2	-7,4
11	Асосий воситалар рентабеллиги	49,6	55,4	+5,8
12	Айланма маблағлар рентабеллиги (4/6х100)%	29,6	32,8	+3,2
13	Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (3/2х100)%	22,8	12,6	-10,2
14	Ўз маблағлари рентабеллиги (4/8х100)%	30,3	34,8	+4,5
15	Жами мулкка нисбатан рентабеллик (4/7х100)%	16,6	17,5	+0,9
16	Умумий рентабеллик (4/5+6х100)%	18,5	20,6	+2,1
17	Қарз маблағлари рентабеллиги (4/9х100)%	101,7	97,2	-4,5

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, корхонада рентабеллик кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан бирмунча ўсган. Фақат маҳсулот рентабеллиги, ишлаб чиқариш таннархи ва қарз маблағларига нисбатан рентабеллик кўрсаткичлари бўйича ўтган йилга нисбатан пасайиш кузатилган. Асосий воситалар рентабеллиги 5,8 % га, айланма активлар рентабеллиги (моддий) 3,2 % га, ўз маблағлари рентабеллиги 4,5% га, жами активлар рентабеллиги 0,9% га, умумий рентабеллик эса 2,1 % га ўсган.

Таҳлилда рентабеллик ва унинг ўзгариши омилига аҳамият берилади. Бундан ташқари рентабелликнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича ҳам омилли таҳлилни белгилаш ва ўтказиш лозим. Бунда бевосита таъсир этувчи белги сифатида формулада қатнашувчи бирликлар олинади.

75 Маҳсулот (иш ва хизматлар)ни сотиш бўйича рентабеллик даражаси қандай аниқланади ва уни таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш бўйича рентабеллик кўрсаткичи корхона ва давлат аҳамиятига молик муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич асосида корхона сотилган маҳсулотларнинг фойдалилик даражасига баҳо беради ва ўзининг маркетинг режаларини тузиб чиқади, муҳим бошқарув қарорларини қабул қилади. Ҳукумат улар бўйича ўзининг солиқ назоратини белгилайди. Жумладан, савдо корхоналари бўйича товар оборотининг фойдалилик даражасидан келиб чиққан ҳолда ялпи даромад солиғини ҳисоблашнинг шкалали механизми белгиланган. Унга кўра, шаҳар ҳудудидаги савдо корхоналари фойдалилик (рентабеллик) даражасининг 17 фоизига қадар ялпи даромаддан 17 фоиз даражасида, рентабеллик даражаси 17 фоиздан ортган қисмидан 50 фоиз даражасида солиқ тўлаши белгиланган (1999 й.).

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш бўйича рентабеллик таҳлилида унинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришига, шунингдек, динамик ўзгаришларига эътибор берилади. Рентабеллик ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳам таҳлилнинг муҳим шарти ҳисобланади. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш бўйича рентабеллик ўзгаришига таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши;
- сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгариши.

Сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгаришида физик ҳажм ўзгариши, яъни товарларнинг миқдорий ва баҳо ўзгаришлари ўз ифодасини топади. Сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгаришида, албатта, ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгаришига ҳам аҳамият берилади.

63-жадвал

Рентабеллик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш тартиби

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Ҳисобот йили (шартли)	
Рентабеллик,фоиз	P_1	P_2	P_3	—
Жами ўзгариш	—	—	—	P_2-P_1
Шу жумладан рентабеллик даражасига таъсир этувчи омиллар	х	Жами ўзгариш	Шу жумладан	
			Фойда омили	Нисбий омил*
		P_2-P_1	P_3-P_1	P_2-P_3

* Нисбий омил рентабеллик кўрсаткичларининг тури бўйича фарқ қилади. Масалан, сотув рентабеллигида бу кўрсаткич — маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум суммаси олинса, мулк рентабеллигида — корхона мулки сифатида олинади ва ҳоказо.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш бўйича рентабеллик молиявий менежментда муҳим ҳисобланади. Яъни, шу асосда маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда ўртасидаги алоқадорлик, боғлиқлик ўрганилади ва корхонанинг асосий фаолияти ва унинг натижавийлигига баҳо берилади.

76 Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажми ва унинг даражаси деганда нимани тушунасиз, у қандай таҳлил қилинади?

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси — маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг зарарсиз ёки фойдасиз чегарасини тавсифлайди. Яъни, корхона ушбу чегаравийликдан қуйи ҳолатларда зарарга, юқори ҳолатларда фойдага ишлашини характерлайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини белгилаш иқтисодий ҳаракатни бошқа-

ришда ва бизнесни йўлга қўйишда муҳим масала ҳисобланади. Таҳлил этишда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасининг белгиланишига, унинг ўзгариш оралиқларига ва сабабларига аҳамият берилади. Критик ҳажм даражасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга — маҳсулотлар баҳоларининг даражалари ва уларнинг ўзгариши, маҳсулотларнинг бир бирлигига ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши, доимий харажатларнинг ўзгариши киритилади. Улар бевосита ҳисоб-китоб қилинадиган омиллар ҳисобланади.

Критик ҳажм даражасини аниқлашнинг одатда бир неча усуллари мавжуд. Қуйида уларнинг аниқланиш усули ва тартиби билан танишишимиз мумкин (64-жадвал):

64-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражасини аниқлаш тартиби

Т/р	Аниқлаш тартиби	Изоҳ
1.	$V_K = \frac{U}{1 - (\frac{S}{P})}$	U — жами ўзгармас харажатлар S— маҳсулот бирлигига тўғри келган ўзгарувчан харажат P — маҳсулот бирлигининг баҳоси
2	$Q_K = \frac{U}{(P - S)}$ $U_K = Q_K \cdot З$	Qк — критик ҳажм даражасидаги маҳсулот миқдори
3	$U_K = \frac{U \cdot P}{P - S}$	Uк — критик даражадаги маҳсулот ҳажми

Критик ҳажм даражасини график шаклида ифодалаш унинг мазмунини тўлиқ англашга имкон беради. Буни бевосита қуйидаги ифодадан ҳам кўриш мумкин. Критик ҳажм даражасида маҳулот ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми қатъий баҳоларда ва доимий харажатларда белгиланади. Унинг ўзгариши эса таъсир бирликлари фарқланишлари ва боғланишлари асосида аниқланади (32-чизма).



32-чизма. Критик ҳажм даражасининг график чизгиси.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм нуқтаси (сўмда) бир йил учун қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Критик ҳажм даражаси} = \frac{\text{Сотув ҳажми (сўмда)} + \text{доимий харажатлар}}{\text{Сотув ҳажми (сўмда)} + \text{ўзгарувчан харажатлар}}$$

77 Бозор индикаторлари ва уларнинг таҳлили қандай ўтказилади?

Корхонанинг молиявий ҳолати ва унга иқтисодий ташҳис қўйишда бозор активлиги кўрсаткичларига аҳамият берилади. Бу кўрсаткичлар кўпинча бозор индикаторлари ҳам деб аталади. Ушбу кўрсаткичлар 33-чизмада экс этган.

Аналитик ҳисоб-китобларда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсирини ҳисобга олиш, иқтисодий объектларни бир бутунликда бозор ва ҳисоб қийматларида алоҳидаликда ўрганиш муҳимдир. Бозор активлиги кўрсаткичларини баҳолаш корхонанинг иқтисодий фаоллик кўрсаткичларини ўрганиш билан тўлдирилади.



33-чизма. Бозор активлиги кўрсаткичлари.

78 Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари нима ва улар қандай таҳлил қилинади?

Корхоналар ўртасида бўладиган, шунингдек, кредит ташкилотлари ва ҳукумат номидан иш кўрувчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда кечиктирилган тўловлар бўлиши мумкин. Бунда, корхона томонидан тўланиши зарур бўлган мажбуриятлар — **кредиторлик мажбуриятлари**, олиниши керак бўлган мажбуриятлар эса **дебиторлик мажбуриятлари** ҳисобланади.

Яъни, бошқа томонга тўланадиган мажбуриятлар кредиторлик мажбуриятлари, ҳамкор томондан олиниши керак бўлган мажбуриятлар дебиторлик мажбуриятлари деб юритилади. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари ҳисоб-китобларнинг доимий йўлдоши ҳисобланади. Тўлов муддатининг ошиб кетиши корхоналарнинг молиявий аҳво-

лига жуда катта салбий таъсир ўтказади. Шу сабабли корхоналар фаолиятини юритишда дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини тўғри бошқариш масаласига алоҳида аҳамият берилади.

Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларининг олдини олиш бевосита давлат назорати ва эътиборидаги масала ҳисобланади. Негаки, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатларда мажбуриятларни тартиблаш асосида давлат нақд пул муомаласини бошқариш борасида иқтисодий тадбирлар режасини тузиб чиқади. Таҳлил этишда корхоналарнинг муайян даврга бўлган ўзаро дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг ҳолатига, таркибига, ташкил топиш муддатларига, юзага чиқиш сабабларига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг оқланувчанлигига, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича даргумон қарзларнинг юзага чиқишига баҳо берилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар корхона баланси (1-шакл) ҳамда корхона ва ташкилотлар томонидан тузиладиган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотнома (2а-шакл)дан олинади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг 45,60. 61, 62, 63, 65, 67, 68, 69, 70, 71, 73, 76. 78- счётларидан фойдаланилади.

Таҳлил этишнинг асосий мақсади — дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари айланиш даврини тезлаштириш асосида корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилашдан иборат. Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бўйича ҳисобот, маълумотнома ҳар ойнинг 1-санасида тузилиб, тегишли ташкилотларга топширилади. Ушбу маълумотномадан корхонанинг мажбуриятлар балансини ҳам тузиш мумкин.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси улар орасидаги ўзаро тенгликни характерлайди. Бунда дебиторлик мажбуриятларининг кредиторлик мажбуриятларидан ортиб кетиши ёки аксинча бўлган ҳолати ифодаланади (65-жадвал).

65-жадвал

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансининг таҳлили

Дебиторлик қарзлари	Сумма, м.с.	Кредиторлик қарзлари	Сумма, м.с.
Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар	26291	Мол етказиб берувчиларга қарзлар	18777
Бўнак (аванс) тўловлари	4646	Бюджет бўйича қарзлар	—
Бюджет билан ҳисоблашишлар	13946	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	3820
Ходимлар билан ҳисоблашишлар	60	Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	172
Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишлар	2410	Мулкий ва шахсий суғурталар бўйича қарзлар	—
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	—	Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар	1887
Уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар	2854	Шўъба корхоналарига қарзлар	111
Бошқа дебиторлар	2214	Уюшма корхоналарига қарзлар	—
		Бошқа кредиторлар	545
Жами	52421	Жами	31772
		Дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқчалиги	20649
БАЛАНС	52421	БАЛАНС	52421

Корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жорий даврда дебиторлик мажбуриятлари кредиторлик мажбуриятларига нисбатан 20649 минг сўм юқори бўлган. Таркиб тузилишида дебиторлик мажбуриятларининг асосий қисми харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб -китоблар (26291), бўнак тўловлари ҳиссасига (13946), шўъба корхоналар билан бўладиган ҳисоб-китоблар (2410), уюшма корхоналар билан бўладиган ҳисоб-китобларга (2854)

тўғри келган. Кредиторлик мажбуриятлари қаторида асосий улушни мол етказиб берувчиларга бўлган қарзлар (18777), аванс тўловлари бўйича (6460), меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (3820) ташкил этган.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлар бўйича тенглик 52421 минг сўмни, шундан соф кредиторлик мажбуриятлари суммаси эса 7984 минг сўмни ташкил этган.

79 Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш сабабларига нималар киради?

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари бевосита корхона билан ҳамкор томон ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда келиб чиқадиган мажбуриятлардир. Бу мажбуриятлар корхона билан мол етказиб берувчилар ёки харидорлар банклар, солиқ органлари ижтимоий таъминот бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари, шунингдек, ходимлар, мулк эгалари, акционерлар ва инвесторлар билан бўладиган муносабатларда юзага келади. Улар юзага чиқишининг асосий сабаби ҳисоб-китоблардаги доимий, вақт бўйича кечикишнинг мавжудлигидир. Яъни, бугун ортилган маҳсулот ҳам, албатта пули тўлангунга қадар дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари қаторига киритилиши мумкин.

Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятлари қуйидаги сабаблар туфайли юзаги келади:

- ўзаро ҳисоб - китобларда томонларнинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- товарларни ортиб жўнатиш ва сотиш соҳасида ҳисоб-китоблар замонавийлигининг чекланганлиги;
- мулк ва унга эгалик қилишда масъуллик ҳиссининг йўқлиги;
- ўзаро шартнома муносабатларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- даромадларни тан олиш юзасида корхоналарнинг тармоқ хусусиятидан келиб чиқмаганлиги;
- харажатлар таркибига кирувчи иш ва хизматларни ҳисобга олишда қатъий ҳужжатлаштириш мезонларининг йўқлиги;

- ходимлар ва капитал эгалари билан корхона ўртасидаги муносабатларда қатъий шартларнинг йўқлиги;
- кредит ташкилотлари билан мижоз ўртасида бўладиган муносабатларда корхоналар фаолиятини баҳолашнинг услубий асосларидаги камчиликларнинг мавжудлиги;
- суғурта ташкилотлари билан корхоналар ўртасидаги муносабатларда қатъий қонунчилик механизмининг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.

Корхонада дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келиши ва уларнинг асосий сабаби — ҳисоб-китобларда тўловлар муддати ёки санасининг турли ҳисобот даврига тушиб қолишидир. Бунга ҳар қандай ҳолатда ҳам йўл қўйилади. Агарда маҳсулот ортиб жўнатиш орқали сотиладиган бўлса, бунда тўловлар амалга ошиш санасига қадар, товар учун пул олдиндан тўлаб сотиладиган бўлса, бунда ҳам товарларни жўнатиш санасига қадар мажбурият, қарз сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Таҳлилда муддати узайтирилган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг юзага келишига алоҳида аҳамият берилади. Негаки, муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар корхонанинг молиявий аҳволини мушкуллашиши ва молиявий барқарорлигининг бузилишига олиб келади. Ўз навбатида корхонанинг тўлов лаёқати бузилади.

Муддати ўтказиб юборилган мажбуриятларнинг юзага чиқиш сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- корхонада молиявий ҳолатнинг носоғломлиги;
- корхонанинг тўлов лаёқатига эга эмаслиги;
- ликвид маблағлари айланувчанлигининг узоқлиги;
- шартнома мажбуриятларига ва тўлов шартларига амал этмаслик;
- хўжалик шартномалари бузилишидан кўриладиган зарарларнинг тўғри қопланмаслиги (шартномалар бузилишида қўлланиладиган чораларга амал этмаслиги);
- замонавий ҳисоб-китоб шаклларига йўл берилмаганлиги (фючерс, форс-мажор, вексел, қимматли қоғозлар, бартер операциялари).

Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятларини ундириш муддати 3 ой ёки 90 кун қилиб белгиланган. Ушбу муддатдан сўнг дебиторлик-кредиторлик мажбуриятлари назоратга олинади ҳамда уларнинг ҳолати бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик шартлари (маъмурий ва молиявий) белгиланади.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш муддати сифатида ҳуқуқий шахслар ўртасида ҳам, корхона билан жисмоний шахслар ўртасида ҳам 3 йил муддат белгиланган. Ушбу муддатда тўланмаган ёки ундириб олинмаган мажбуриятлар, қарзлар корхона фойда ва зарарларига олиб борилади. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари давлат томонидан назоратга олинган. Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик мажбуриятлари корхона фойдасига қўшилади ва умумий асосда солиққа тортилади. Муддати ўтган дебиторлик мажбуриятларини зарарга олиб бориш солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтирмайди.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар қаторига киритиши давлат ҳисоб, солиқ қонунчилигига мувофиқ қатъий тартибланган. Яъни, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини фойда ва зарарлар қаторига киритишга қадар, уларни тўлаш ёки ундириб олиш юзасидан қандай ёзишма ёки мурожаатлар бўлган, арбитраж қарори чиқарилган ёки чиқарилмаганлиги хусусида дастлабки ҳужжатлар тайёрланмоғи лозим. Фақат шундагина уни фойда ва зарарлар қаторига олиб бориш мумкин. Акс ҳолда зарурийлик шартида кечиктирилган мажбуриятлар сифатида олиниб, масъуллар жавобгарликка тортилади.

80 Дебиторлик-кредиторлик мажбуриятлари айланувчанлиги ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади?

Дебиторлик мажбуриятлари ёки қарзлари таҳлилида уларнинг айланувчанлигига алоҳида эътибор берилади. Негаки, дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланув-

чанлик даражаси корхонанинг молиявий аҳволига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги деганда қарзни ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффициенти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақд пулга, ликвид маблағга айланишини характерлайди. Мажбуриятларнинг айланувчанлиги сотишдан олинган соф тушумни дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасига бўлиш асосида аниқланади. Ушбу суммани таҳлил этиш даврининг календар кунларига кўпайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида дебиторлик қарзларининг айланишлар куни аниқланади. Ёки календар кунлар сонини айланиш коэффициентига бўлиш асосида ҳам худди шу ифодага эга бўлиш мумкин (66-жадвал).

66-жадвал

Дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи, +,-
1. Дебиторлик мажбуриятлари жами, м.сўм	32071	52421	+20350
2. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум, м.сўм	456210	. 652482	+196272
3. Айланма активлар, м.сўм	93577	125152	+31575
4. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари м.сўм	1252	849	-403
5. Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти (2/1)	14,225	12,446	-1,779
6. Дебиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1x360/2)	25,307	28,924	3,617
7. Айланма активлари таркибида дебиторлик қарзлари,(1/3x100)%	34,2	41,8	+7,6
8. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари улуши, (4/1x100) %	3,9	1,6	-2,3

Корхонада дебиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20350 минг сўмга ошган. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 196272 минг сўмга кўпайган. Бу ўзгаришлар таъсирида дебиторлик мажбуриятларининг ундирилиш даври ўтган йилга нисбатан 3,617 кунга қисқарган. Яъни, дебиторлик қарзларини ундириб олиниши бир қадар секинлашган. Жорий даврда дебиторлик мажбуриятларининг жами оборот активлари таркибидаги салмоғи ва унинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,6 % га ортиши, аввало, дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ортиши ҳисобига рўй берган. Муддати ўтган дебиторлик қарзларининг жами дебиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврида 3,9 % ни, жорий даврнинг охирги ҳисобот санасида эса 1,6 % ни ташкил қилган.

Юқоридаги боғланишлардан бевосита дебиторлик мажбуриятларининг айланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини ҳам аниқлаш мумкин (67-жадвал).

67-жадвал

Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даври ўзгаришининг омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	Дебиторлик қарзлари айланиш коэффициенти	Дебиторлик мажбуриятлари айланиш даври, (кун)
1. Ўтган йил	14,225	25,307
2. Шартли ҳисобот йили	20,344*	17,695**
3. Ҳисобот йили	12,446	28,924
4. Жами фарқ	—1,779	+3,617
5. Таъсир этувчи омиллар:		
5.1. Сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши	+6,119	—7,612
5.2. Дебиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши	—7,898	+11,229

*—652482/32071=20,344

**—360/20,344=17,695 кун

Дебиторлик мажбуриятларининг айланиш коэффициенти ва айланиш даврига омиллар таъсири қуйидагича бўлган: дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан −1,779 га пасайган. Бу ўзгаришда маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши таъсирида айланиш коэффициенти +6,119 га, дебиторлик қарзлари ҳажмининг ўзгариши ҳисобига эса айланиш коэффициенти −7,898 га камайган. Ҳар икки омил таъсирида айланиш коэффициенти −1,779 коэффициентга ўзгарган. Ушбу омиллар таъсири дебиторлик қарзларининг айланиш даври кўрсаткичи бўйича қуйидагича бўлган: яъни, сотишдан олинган соф тушум суммаси ҳисобига ўзгариш −7,612 кунга, дебиторлик мажбуриятлари суммасининг ўсиши ҳисобига +11,229 кунга ўзгариши кузатилган.

Дебиторлик мажбуриятлари айланишини омилли таҳлил этишнинг шартли кўрсаткичларини аниқлаш тартиби

Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш коэффициенти	=	Сотишдан олинган соф тушум (ҳақиқатда) / Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича
Дебиторлик мажбуриятларининг шартли айланиш даври	=	Дебиторлик мажбуриятлари ўтган йил шу даври бўйича 360 / Сотишдан олинган соф тушум (ҳақиқатда)

Кредиторлик қарзларининг айланувчанлигига таъсир этувчи омиллар дебиторлик мажбуриятлари айланувчанлигига таъсир этувчи омилларга нисбатан фарқланишга эга. Кредиторлик мажбуриятларининг айланувчанлиги унинг суммасини шу даврда сотилган маҳсулотлар таннархига бўлиш ёрдамида аниқланади.

68-жадвал

Кредиторлик мажбуриятларининг айланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи +,-
1.Кредиторлик мажбуриятлари, м.сўм	28040	31772	+3732
2.Сотилган маҳсулот таннархи, м.сўм	385678	512463	+126785
3.Мажбуриятлар, м.сўм	35540	35772	+232
4.Муддати ўтган кредиторлик қарзлари, м.сўм	2645	1540	-1105
5.Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти, (2/1)	13,754	16,129	+2,375
6.Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1х360/2)	26,177	22,320	-3,857
7.Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзларининг улуши, % да (1/3х100)	78,89	88,81	+9,92
8.Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи, % да (4/1х100)	9,4	4,8	-4,6

Корхонада кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3732 минг сўмга ўсган. Уларнинг айланувчанлик даражаси ҳам ўтган йилга нисбатан бир қадар яхшиланган. Жумладан, кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти +2,375 га, куни эса +3,857 кунга ўзгарган. Демак, корхонада кредиторлик қарзини тўлаш муддати 3,857 кунга тезлашган. Бу, албатта, катта кўрсаткич эмас. Лекин шунга қарамай, корхона бу айланишни тезлаштириш чораларини кўрмоғи лозим. Шу билан бирга кредиторлик қарзларининг жами мажбуриятлар таркибидаги салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,92 фоизга ортган. Муддати ўтган кредиторлик қарзлари 1105 минг сўмга, фоиз ҳисобида 4,6 фоизга кам бўлган.

69-жадвал

Кредиторлик қарзларининг айланишига таъсир этувчи омиллар

Кўрсаткичлар	Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти	Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, (кун)
1.Ўтган йил	13,754	26,177
2.Шартли ҳисобот йили	18,276	19,697
3.Ҳисобот йили	16,129	22,320
4.Жами фарқ	+2,375	-3,857
5.Таъсир этувчи омиллар:		
5.1.Сотишдан олинган соф тушум суммасининг ўзгариши	+4,522	—6,480
5.2.Дебиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши	—2,147	+2,623

Кредиторлик қарзларининг шартли айланиш коэффициенти (K_1) ва айланиш даври (K_2):

$$K_1 = \frac{512463}{28040} = 18,276 \qquad K_2 = \frac{360}{18,276} = 19,697$$

Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти ўтган йилга нисбатан +2,375 мартага тезлашган. Бу ўзгаришда сотилган маҳсулот таннархи ўзгаришининг таъсири +4,522 га, кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши эса −2,147 га тенг бўлган. Кредиторлик қарзларининг тўлаш муддати ўтган йилга нисбатан −3,857 кунга тезлашган. Бу ўзгаришда маҳсулотлар таннархининг ёки сотиб олинган қийматликлар ва хизматлар суммасининг ўзгариши таъсири −6.480 кунга, кредиторлик қарзлари суммасининг ўзгариши эса +2.623 кунга тенг бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари-

нинг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларини бажариш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, дебиторлик-кредиторлик қарзларини бошқариш оғир кечмоқда. Энг мушкул томони шундаки, уларни ундиришнинг иқтисодий асоси йил сайин оғирлашиб бораётир. Дебиторлик-кредиторлик қарзлари камайтирилишини бирон бир дастур асосида ёки уни назорат қилиш орқали уддалаб бўлмайди. Бунинг учун бевосита кенг қамровли тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Бизнинг фикримизча, дебиторлик-кредиторлик мажбуриятларнинг бажармаслик эҳтимолининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ўзаро шартномавий муносабатларда томонларнинг масъуллигини ошириш ва уларнинг шартларига қатъий амал этиш;
- муддати ўтказиб юборилган ҳар қандай тўловлар суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартларини белгилаш;
- ҳисоб-китобларнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш;
- даргумон қарзлар бўйича зихираларни ташкил килиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

81 Корхона (фирма)нинг асосий фондлари деганда нимани тушунасиз ва уларнинг таркиби қандай таҳлил қилинади?

Асосий фондлар деб ишлаб чиқариш циклида бир неча бор қатнашиб, ўзининг қийматини яратилаётган маҳсулотларга қисман-қисман ўтказувчи ҳамда физик шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситаларига айтилади. Асосий фондлар ёки воситаларни таркиблашда жаҳон ва мамлакатимиз ҳисоб белгиловига мувофиқ қуйидаги икки жиҳат мезон сифатида олинган: биринчиси — уларнинг қиймат ифодаси, иккинчиси – хизмат муддати.

Асосий воситаларнинг қиймат ифодаси уни кам баҳоли, тез эскирувчи буюмлардан фарқланиш чегарасини характерлайди. Бу ифода Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади ва тартибга солинади (34-чизма).



34-чизма. Асосий воситаларни таркиблаш белгилари.

Таҳлил этишда асосий воситалар таркибидаги мутлақ ва нисбий ўзгаришларга ҳам баҳо берилади (35-чизма).



35-чизма. Асосий воситаларни юқоридаги белгилар бўйича таркиблаш мумкин.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар 3-шакл — «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида»ги ҳисоботда ўз аксини топади (70-жадвал).

70-жадвал

Асосий воситаларнинг таркиби

Кўрсаткичлар	Асосий воситалар, жами	Шу жумладан					
		Бино	Иншоот	Узатиш мосламалари	Машина ва ускуналар	Транспорт воситалари	Бошқа асосий фондлар
Ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий воситалар							
Ўтган йил							
-суммаси, м.с.	26720	2434	136	657	21680	1265	548
-салмоғи, %	100	9,1	0,5	2,5	81,1	4,7	2,1
Ҳисобот йили							
-суммаси, м.с.	34150	2560	136	569	28900	1345	540
-салмоғи,%	100	7,5	0,4	1,7	84,6	3,9	1,9
Фарқи: -сумма, м.с.	+7430	+126	0	-88	+7220	+80	-8
-салмоғи, %	x	-1,6	-0,1	-0,8	+3,5	-0,8	-0,2
Ноишлаб чиқариш соҳасидаги асосий воситалар							
Суммаси, м.с.							
Ўтган йил	2450	1260	-	-	-	-	1190
Ҳисобот йили	2450	1260	-	-	-	-	1190
Фарқи	-	-	-	-	-	-	-

Корхонада асосий воситаларнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши +7430 минг сўмни ташкил этган. Шу жумладан, бинолар бўйича +126 минг сўм, машина ва ускуналар бўйича +7220 минг сўм, транспорт воситалари бўйича 80 минг сўм

даражасида ўсишга эришилган. Фондлар таркибидаги асосий улушни машина ва ускуналар ҳамда транспорт воситалари ташкил этган. Жорий даврда машина ва ускуналар салмоғини 3,5 % га оширишга муваффақ бўлинган. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари 2450 минг сўмни ташкил этган ҳолда, жорий даврда ўзгариш бўлмаган.

82 Асосий воситаларнинг ҳолати қандай таҳлил қилинади?

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қуйидагилар киритилади (71-жадвал):

71-жадвал

Асосий воситаларнинг техник ҳолат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби
Асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси	$К = \frac{\text{Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати}}{\text{Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати}}$
Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	$К = \frac{\text{Асосий воситаларнинг эскириш қиймати}}{\text{Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати}}$

Яроқлилик ва эскириш коэффициентлари йиғиндиси коэффициентда 1 га, фоизда 100 га тенг бўлади. Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичларига қараб, техник даражасига баҳо берилган ҳолда, уларни тартиблаш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинади. Асосий воситаларнинг ҳолатини ўрганишда корхонанинг амортизация сиёсатига, асосий воситаларнинг маънавий эскирганлик даражасига, фойдаланишдан олиб қўйилганларига муҳим эътибор қаратилади.

Корхонанинг амортизация сиёсати бевосита давлат амортизация сиёсати асосида белгиланади. Унинг муҳим усулларига қуйидагилар киритилади:

- тенг улушларда, амортизация меъёрларидан келиб чиққан ҳолда эскиришни ҳисоблаш;
- тезлаштирилган усулда эскиришни ҳисоблаш;
- қолдиқ усулда эскиришни ҳисоблаш;
- ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқ эскиришни ҳисоблаш;
- комулятив усулда эскиришни ҳисоблаш.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси миллий ҳисоб тизимида амортизацияни ҳисоблашнинг асосан икки усулидан фойдаланилмоқда, яъни:

- тенг улушларда, амортизациялашнинг қатъий меъёрларида эскиришни ҳисоблаш;
- тезлаштирилган, амортизациялашнинг қатъий меъёрларини икки бор оширилган ҳолатида эскиришни ҳисоблаш.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳар бир тури ва жами бўйича ўрганилади. Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар 1 — «Бухгалтерия баланси» ва 3 — «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот шаклларидан олинади.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳаракат кўрсаткичлари билан тўлдирилади (72-жадвал).

72-жадвал

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Асосий воситаларнинг:				
	Бошланғич қиймати	Эскириш қиймати	Қолдиқ қиймати	Эскириш даражаси, %	Яроқлилик даражаси, %
Ўтган йил	168900	54890	114010	32,5	67,5
Ҳисобот йили	187320	65780	121540	35,1	64,9
Фарқи	+18420	+10890	+7530	+2,6	-2,6

Корхонада асосий воситаларнинг эскириш даражаси ўтган йилга нисбатан 2,6 % га ошган. Унга қарама қарши бўлган кўрсаткич асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси эса 2,6 % га камайган.

83 Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари қандай таҳлил қилинади?

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳаракат кўрсаткичларини ўрганиш асосида тўлдирилади. Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичларига уларнинг янгиланиши ва чиқиб кетиш коэффициентлари киритилади (73-жадвал).

73-жадвал

Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари

Ҳаракат кўрсаткичлари	Аниқланиши
Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти	Жорий даврда янгидан киритилган асосий воситалар қиймати К=---------- Асосий воситаларнинг йил охирига бўлган қиймати
Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффициенти	Жорий даврда чиқиб кетган асосий воситаларнинг қиймати К=---------- Асосий воситаларнинг йил бошига бўлган қиймати

Бу таркиблашни асосий воситаларнинг жами қатори ва ҳар бирининг таркиби бўйича бериб ўтиш мумкин (74-жадвал).

74-жадвал

Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий воситалар (йилнинг бошидаги қолдиғи)	Янгидан ишлаб чиқаришга киритилган асосий воситалар	Ишлб чиқаришдан чиқарилган асосий воситалар	Асосий воситалар (йилнинг охиридаги қолдиғи)	Янгиланиш коэфф.	Ишлаб чиқаришдан чиқарилган фондлар коэфф.
1	2	3	4	5	6	7
Ўтган йил	155690	14500	1290	168900	8,6	0,8

1	2	3	4	5	6	7
Ҳисобот йили	168900	22380	3960	187320	11,9	2,3
Фарқи	+13210	+7880	+2670	+18420	+3,3	+1,5

Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари ва улардаги ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий даврда асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси олдинги йилга нисбатан 3,3 % га ўсган. Ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши эса +1,5 % га ортган. Улар орасидаги нисбат 2,2 га (3,3 / 1,5) тенг бўлган.

Таҳлилда асосий воситаларнинг янгиланиш ва ишлаб чиқаршдан чиқариш сабабларига ҳам эътибор берилади (75-жадвал).

75-жадвал

Асосий воситаларнинг янгиланиши ва ишлаб чиқаришдан чиқариш сабаблари

Янгиланиш манбалари	Ишлаб чиқаришдан чиқариш сабаблари
• капитал қуйилмалар ва инвестициялар	• маънавий эскириши
• хусусий капиталнинг ўсиши	• жисмоний эскириши ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келиши
• узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар	• ортиқчалик
• мақсадли молиялаш ва субцидиялаш	• сотишлар
• текинга олинган асосий воситалар	• ўғирликлар, йўқотишлар ва бошқа чиқимлар
• грантлар ва бошқа манбалар	

84 Корхона (фирма)нинг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва қуролланганлик даражалари қандай ҳисобланади?

Корхона (фирма)нинг асосий воситалар билан таъминланганлик ва қуролланганлик даражаси деганда, ишлаб чиқаришнинг меъёр даражасида меҳнат воситалари билан таъминланганлигига тушунилади. Аввало, корхона (фирма)нинг меҳнат воситалари билан таъминланганлигида қуйидаги жиҳатларини фарқлаш лозим:

- ўзига тегишли бўлган меҳнат воситалари билан таъминланганлиги;
- ижарага олинган меҳнат воситалари билан таъминланганлиги.

Демак, корхона ҳар икки ҳолатда ҳам асосий воситалар билан таъминланганликнинг меъёр кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин. Таҳлилда асосий воситалар билан таъминланганлигининг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига баҳо берилади.

Қуйидаги кўрсаткичлар асосий воситалар билан қуролланганлик кўрсаткичлари ҳисобланади: бир ишчига тўғри келадиган асосий воситалар; бир иш ўрнига тўғри келадиган асосий воситалар. Шу тариқа корхона фаолиятига фақат миқдор кўрсаткичлари орқалигина эмас, балки сифат кўрсаткичларини ўрганиш асосида ҳам баҳо берилади (76-жадвал).

76-жадвал

Асосий воситалар билан таъминланганлик ва қуролланганлик даражалари

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+,—)
1	2	3	4	5
1	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм (Ф)	162295	178110	+15815

1	2	3	4	5
2	Ишлаб чиқариш ходимлари сони киши (Т)	1914	1760	—154
3	Бир ходимга тўғри келадиган асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати ,сўм (Ф:Т)	84294	101199	+16905

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ходимларининг асосий воситалар билан қуролланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 16905 сўмга ўсган. Бу ўсиш икки омил, яъни, а) ишчилар сонининг ўзгариши ҳисобига:

- $(Ф_1:Т_0) - (Ф_0:Т_0) = (178110:1914) - (162295:1914)$
  $= +8762$ сўм.

б) асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши ҳисобига бўлган:

- $(Ф_1:Т_1) - (Ф_1:Т_0) = (178110:1760) - (178110:1914)$
  $= +8143$ сўм.

85 Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш қандай таҳлил қилинади?

Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш иқтисодий таҳлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичлари сифатида олинади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин (77-жадвал):

77-жадвал

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Аниқлаш тартиби
Ишлаб чиқариш фондлари қайтими	Маҳсулот ҳажми Фқ=---------- Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати
Машина ва ускуналар қайтими	Маҳсулот ҳажми Фқ=---------- Машина ва ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати
Ишлаб чиқариш фондлари сиғими	Ишлаб чиқариш фондлари ўртача йиллик қиймати Фс=---------- Маҳсулот ҳажми
Машина ва ускуналар сиғими	Машина ва ускуналар ўртача йиллик қиймати Фс=---------- Маҳсулот ҳажми

Иқтисодий таҳлилда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва унинг ҳолатига баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати дейилганда, унинг тўла иш билан бандлик ҳолати кўзда тутилади. Айнан, бу ҳолатга нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига, балки унинг харажатлар таркибига, молиявий натижавийлигига ҳам таъсир этувчи бирлик сифатида қаралади. Ишлаб чиқариш қувватлари ва унинг фойдаланиш даражаларига баҳо бериш асосида корхонанинг жорий даврдаги иқтисодий имконияти ҳамда уни мақсадли бошқаруви белгиланади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаларини таҳлил қилишда қуйидагиларга эътиборни қаратмоқ лозим:

- техник иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаларини қиёсий таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона харажатларига таъсирини таҳлил қилиш;

• ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига ва фаолият натижавийлигига таъсирини таҳлил қилиш.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни таҳлил қилишда 2-б «Молиявий-иқтисодий ҳолат бўйича маълумотнома» шаклига эътибор берилади.

86 Асосий воситаларнинг самарадорлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қандай таъсир кўрсатади ва улар қандай таҳлил қилинади?

Таҳлилда асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар икки таркиб бўйича ўрганилади:

1. Асосий воситаларнинг самарадорлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

2. Асосий воситалар ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсирининг таҳлили.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагилар киритилади:

1. Фонд қайтими (сиғими) ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг ўзгариши;
- асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати ва унинг ўзгариши.

2. Маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи меҳнат воситалари билан боғлиқ бўлган омиллар қаторига қуйидагилар киритилади:

- асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати ва унинг ўзгариши;
- фонд қайтими (сиғими)нинг ўзгариши.

78-жадвал

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар

Кўрсаткичлар	Маҳсулот ҳажми (корхона улгуржи баҳосида,минг сўм.)	Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати	Фонд қайтими	Фонд сиғими
Ўтган йил	148952	56321	2,644	0,378
Шартли, ҳисобот йили	214632	56321	3,810	0,262
Ҳисобот йили	214632	58925	3,642	0,274
Ўтган йилдан фарқ	+65680	+2604	+0,998	-0,104
Фонд қайтимининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар				
х	+1,166	-0,168	+0,998	х
Фонд сиғимининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар				
х	-0,116	+0,012	х	-0,104
Меҳнат воситалари билан боғлиқ омилларнинг маҳсулот ҳажмига таъсири				
х	+65680	+6884,9	+58807,1	х

Корхонада асосий воситаларнинг самарадорлиги ўтган йилга нисбатан бир қадар яхшиланган. Фонд қайтими ва унинг ўтган йилга нисбатан ўсиши +0,998 (3,642—2,644) сўмга тенг бўлган. Бу ўзгаришда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсири 1,166 (3,810—2,644) сўмни, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши эса салбий таъсир этган ва бунинг натижасида фонд қайтими −0,168 (3,642—3,810) сўмга камайган. Барча омиллар таъсирида асосий фондлар қайтими ўтган йилга нисбатан 0,998 сўмга ортган (3,642—2,644). Асосий фондлар

сиғими ўтган йилга нисбатан −0,104 сўмга камайган. Бу ўзгаришга маҳсулот ҳажмининг таъсири −0,116 (0,262−0,378) сўмни, асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати ва унинг ўзгариши таъсирида эса +0,012 (0,274−0,262) сўмни ташкил этган.

Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати ва унинг ўзгариши таъсирида ялпи маҳсулот ҳажми +6884,9 (+2604×2,644) минг сўмга, фонд қайтимининг ўзгариши ҳисобига +58807,1 (0,998×58925) минг сўмга ўсишини кўриш мумкин.

87 Пул оқими қандай таҳлил қилинади?

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона ўз тасарруфидаги барча ресурслардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу жумладан, пул маблағлари, уларнинг ҳолати ва ҳаракатини ўрганиш ҳам бизнесни бошқаришда муҳим масала ҳисобланади. Корхона иқтисодий ҳаракатда бўлар экан, албатта, ўзининг ликвид маблағларини тўғри ва мақсадли бошқаришга ҳамда уларнинг сақланишига эътибор қаратади. Маблағларнинг ҳолати ва ҳаракатини даврий ўрганиш корхонанинг тўлов лаёқатини баҳолаш, муддати келган тўлов мажбуриятларининг оқланувчанлигини аниқлаш имконини беради. Пул маблағлари ҳаракатини ўрганиш асосида унинг киримчиқим йўналишларига баҳо берилади.

Пул оқими таҳлилининг асосий вазифаси молиявий маълумотларни чуқур ўрганиш асосида имкониятлардан фойдаланиш даражасига иқтисодий ташҳис қўйишдан иборатдир.

Таҳлил учун зарурий ахборотлар „Баланс", „Пул оқими тўғрисида"ги ҳисобот ва унинг иловасида берилган маълумотномалардан олинади.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда корхонанинг молиявий ресурслари ва ундаги ўзгаришлар ҳаракатчан маблағлар сифатида акс эттирилади. Маблағлар ҳаракатини қуйидагилар бўйича фарқлаш лозим:

- ♦ хўжалик фаолиятидаги пул маблағлари ҳаракати;
- ♦ инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдаги пул маблағлари ҳаракати;
- ♦ инвестицион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати;
- ♦ молиявий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати ва ҳ.к.

Корхона раҳбарияти ушбу маълумотлар асосида ўзининг ҳаракатчан маблағлари ҳолатига, кирим-чиқим таркибига, муддати келган тўлов мажбуриятларини қоплаш юзасидан маблағларга эга эканлиги тўғрисидаги маълумотларни, ҳиссадорлар эса тўланадиган дивидендлар миқдорини кўпайтириш, инвестицион ва молиявий масалаларни ҳал этиш имкониятлари мавжудлигини ўрганадилар.

Таҳлил этишда пул маблағларининг ҳаракатини уларнинг ҳар бир таркиб қатори бўйича ўзгаришлари, соф кирим ва чиқимига аҳамият берилади. Шунингдек, маблағларнинг айланувчанлигига ва уларнинг ўзгаришига эътибор қаратилади. Маблағларнинг айланувчанлигини қуйидаги боғланишларда ифода этиш мумкин (79-жадвал):

79-жадвал

Пул маблағларининг айланувчанлик кўрсаткичлари

Даврлар	Пул маблағлари қолдиғи, минг сўм	Айланма суммаси, минг сўм	Айланиш коэффициенти 3 уст./2 уст.	Айланиш даври 90 кун/4 уст.
1-чорак	11340	125410	11,059	8,138
2-чорак	10850	132451	12,207	7,372
3-чорак	11950	145890	12,208	7,372
4-чорак	13420	154321	11,499	7,826

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини таҳлил этишнинг икки услуби мавжуд:

1. Бевосита услуб.

2. Билвосита услуб.

Пул маблағларининг манби ва фойдаланиш йўналишларини баҳолаш, шу асосда хулоса чиқариш ва тавсиялар бериш учун қуйидагиларга жавоб топиши лозим:

- корхона бундан кейин ҳам ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириши юзасидан молиялаш манбаига эга бўла оладими;
- асосий воситаларни янгилаш ва ҳисобдан чиқаришда корхона ўз фондига эгами ва уларни молиялаштиришга лаёқатлими;
- ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва кенгайтиришда корхона молиявий манбага эгами;
- валюта маблағлари ҳолати эркин фаолиятни йўлга қўйишда қай даражада манбаланган;
- солиққа тортиш, инвестицион ва молиявий фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати қандай аҳволда, корхонада дивиденд сиёсатини йўлга қўйишнинг молиявий манбаи қай даражада ва ҳ.к.

Бир неча йил бўйича пул оқимини таҳлил этиш — ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маблағларни жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш, истиқболли имкониятларни белгилаш, шунингдек, раҳбарият томонидан корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича устувор йўналишларни белгилаш имконини беради.

88 Валюта маблағлари ҳаракатининг таҳлили қандай олиб борилади?

Пул оқимлари ҳолати ва ҳаракатини ўрганишда эркин алмаштириладиган валюта маблағлари ва захираларига муҳим ўрин берилади. Таҳлилда уларнинг йил боши ва охиридаги ҳолати, манбаланиши ўрганилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар (молиявий ҳисоботнинг 4-шаклидаги иловадан). „Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида"ги маълумотномадан олинади.

Корхоналарда валюта маблағлари оқими ва уларнинг тузилмавий кўринишини қуйидаги жадвал асосида ифода этиш мумкин (80-жадвал):

80-жадвал

Корхонада валюта маблағлари оқими $К_{во}$ ва уларнинг тузилмаси

Кўрсаткичлар	Кирим		Чиқим	
	Сумма, минг сўм	Салмоқ, %	Сумма, минг сўм	Салмоқ, %
Валюта маблағлари оқими				
Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ	645,0			
Келиб тушди	12560,0	100,0*		
Сарфланди			12842,0	100,0*
Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ	1085,0			
Валюта маблағлари оқими коэффициенти	0,98			

*сарфларнинг нисбий даражалари валюта маблағларининг кирим-чиқим қаторлари бўйича ўрганилади.

Мазкур кўрсаткичларга асосланиб, келиб тушган ва сарфланган маблағлар нисбати сифатида аниқланадиган пул ва валюта маблағлари оқимининг коэффициенти ҳисобланилади: (Кво = 12560,0:12842,0 = 0,978). Ушбу коэффициентнинг бирдан катта бўлиши ҳисобот даврида келиб тушган пул маблағлари уларнинг сарфидан ортиқчалилигидан далолат беради. Бу ҳол банкдаги ҳисоб рақами ва ғазнадаги қолдиқнинг кўпайишида ўз аксини топади. Валюта маблағлари оқими коэффициентининг бирдан кичик бўлиши пул маблағлари сарфининг келиб тушишига нисбатан кўпроқ бўлганлигидан, ҳисобот даври охирида валюта маблағлари қолдиғининг камайганлигидан далолат беради.

Мазкур коэффициент ҳисобот даврининг бошида муайян пул қолдиғига эга бўлган ҳолатда бирдан кичик бўлиши мумкин.

Валюта маблағлари оқими ўзгаришининг мойиллигини, уларнинг корхона молиявий аҳволига таъсирини аниқлаш, валюта маблағлари оқимини олдиндан белгилаш учун уларнинг сўнгги бир неча йил ичидаги суммаси, тузилмаси ва коэффициентининг ўзгаришини таҳлил қилиш лозим бўлади.

89 Хусусий капитал деганда нимани тушунасиз ва унинг таҳлили қандай амалга оширилади?

Хусусий капитал корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Негаки, унинг ҳолатига қараб, жами маблағлар таркибидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг иқтисодий қарамлиги ёки мустақиллигига баҳо берилади. Бу бизнесни бошқариш, фаолиятни кенгайтириш ва шериклик фаолиятини йўлга қўйишда ўта муҳим масала ҳисобланади.

Хусусий капитал корхонанинг ўз маблағлари манбаининг асосини ташкил этувчи кўрсаткич ҳисобланиб, унинг таркибига корхона устав капитали, захири капитали, қўшилган капитал ҳамда тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) киради. Хусусий капиталнинг шаклланишида мақсадли тушумлар ва молиялаштиришлар, келгуси давр даромадлари ва тўловлар захиралари вақт бўйича фарқланишларда ўз аксларини топиб боради. Масалан, келгуси давр даромадларининг тан олиниб, ҳисобга киритиш муддати бўйича жорий давр фойда-зарарига киритилиши ва якунида тақсимланмаган фойда ёки хусусий капиталнинг бошқа қаторларида ифодаланиши шулар жумласидандир. Бюджет томонидан молиялаштириш ва мақсадли тушумларга ҳам, албатта, шу маънода қаралади. Яъни, капитални кўпайтиришга, фойдани ўстириш ёки зарарни қоплашга йўналтирилади.

Хусусий капиталнинг ҳисобга олиниши, шаклланиши ва ахборотланишининг ҳуқуқий ва меъёрий шартлари Ўзбекистон Республикасининг „Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”-ги қонунининг 15-моддасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молиявий ҳисобот шакллари

ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги йўриқномасида ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида ўз ифодасини топган. Таҳлил этишда хусусий капиталнинг ҳолати ва таркиб ўзгаришларига, унинг сабабларига, хусусий капитал билан боғлиқ бўлган молиявий кўрсаткичлар тизимига эътибор берилади ҳамда шу асосда хусусий капитални ўстиришнинг имкониятлари ва йўналишлари белгиланади (81-жадвал).

81-жадвал

Хусусий капитал

Т/р	Кўрсаткичлар	Изоҳ
1	Устав капитали	Қатнашчиларнинг корхона фаолиятини таъминлаш мақсадида таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда берган моддий ва номоддий активлари
2	Қўшилган капитал	Акцияларни номинал қийматлардан баландроқ нархларда сотишдан олинган қиймат ва эмиссия даромадлари
3	Захира капитали	Мол-мулкни қайта баҳолашдан ҳосил бўладиган инфляция захиралари,текинга олинган мол-мулклар қиймати
4	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	Жамғарилган фойда ёки зарар суммаси, йиғилиш қарори билан устав капиталини кўпайтиришга ёки камайтиришга йўналтирилган маблағ

82-жадвал

Хусусий капитал таҳлили

Даврлар	Устав капитали	Захира капитали	Қўшилган капитал	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	Жами
1	2	3	4	5	6
Йил бошида	35243	-	3866	22629	61738

1	2	3	4	5	6
Йил охирида	35243	-	2967	69026	107236
Фарқ	-	-	899	46397	45498

Корхонанинг йил охиридаги хусусий капитали йил бошига нисбатан +45498 минг сўм ортган. Бу ўсиш тақсимланмаган фойда суммасининг йил бошига нисбатан 46397 минг сўмга ортиши ва қўшилган капитал суммасининг −899 минг сўмга кам бўлиши оқибатида рўй берган.

IV БОБ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

4.1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий таҳлил

90 Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади? 194

91 Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархи ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили қандай олиб борилади? 197

4.2. Инвестицион фаолият таҳлили

92 Инвестиция деганда нимани тушунасиз ва у қандай таҳлил қилинади? 198

93 Капитал қўйилмалар ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланадиган инвестиция қандай таҳлил қилинади? 200

94 Инвестицион лойиҳаларнинг молиявий таҳлили қандай ўтказилади ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат? 201

95 Инвестицион лойиҳалар бўйича харажатлар қандай баҳоланади? 202

96 Инвестицияга қўйилган маблағларни баҳолашнинг қандай усуллари бор? 203

4.3. Қурилиш ташкилотларида иқтисодий таҳлил

97 Қурилиш ташкилотларида иқтисодий таҳлил қандай амалга оширилади? 204

4.4. Ташқи иқтисодий фаолиятда иқтисодий таҳлил

98 Экспорт операциялари таҳлили қандай ўтказилади? 207

99 Импорт операциялари таҳлили қандай ўтказилади? 209

100 Экспорт-импорт операциялари даромадлари ва харажатлари қандай таҳлил этилади? 210

90 Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қандай таҳлил қилинади?

Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш харажатлари таҳлилида ҳар бир центнер маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ва унинг ўзгариш сабаблари таҳлил қилинади. Ўсимликчилик маҳсулотлари, аввало, иқтисодий элементлар ва ҳар бир таркибий қисмнинг харажат моддалари бўйича ўрганилади. Ўзгаришлар режага ва ўтган йилларга нисбатан ўрганилади.

Таҳлилда ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг ўзгариш сабаблари бўйича ҳисоб-китоб қилинадиган икки омил, яъни, ҳар гектар экин майдонига сарфланган харажатлар ҳамда ҳосилдорликнинг ўзгариши натижасида таннархнинг фарқлари ўрганилади.

Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархининг юқори ёки паст бўлиши, одатда кўплаб омиллар таъсирига боғлиқ. Уларни фақат юқоридаги кўрсаткич ёрдамида умумлаштириб ўрганиш мумкин. Шунингдек, буни қуйидаги кўрсаткичларга ажратиш таҳлилни янада чуқурроқ амалга ошириш имкониятини беради:

1. Бир гектар экин майдонига сарфланган харажатларнинг ўзгариши ш.ж:

- моддий маблағларни сотиб олиш баҳосининг ўзгариши;
- моддий харажатлардаги сарф меъёрларининг ўзгариши;
- ишлаб чиқариш харажатларини тежаш юзасидан манфаатдорлик даражасининг ўзгариши;

- ҳисоб-китоблар интизомига риоя қилиниши ва бошқалар.

2. Ҳар бир гектардан олинадиган ҳосилдорликнинг ўзгариши ш.ж:

- табиий иқлим шароитининг қулай келиши;
- уруғлик сифати;
- ишлаб чиқаришнинг оқилона ва тўғри ташкил этилиши;
- агротехникага амал этиш ва бошқалар.

Омиллар таъсирини аниқлашда иқтисодий таҳлилнинг мутлақ фарқ, занжирли боғланиш, интеграл усулларидан фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхонасида 1 центнер доннинг таннархи режада кўзда тутилганидан 144,24 сўмга қимматлашган. Бунга асосий сабаб ҳар гектарга сарфланаётган харажатлар нормасининг ҳамда ҳосилдорликнинг ўзгариши туфайли содир бўлган. Меъёр ўзгариши таъсирида доннинг таннархи 99,0 сўмга, ҳосилдорлик ҳисобига 45,26 сўмга қимматлашган (83-жадвал).

Пахта таннархи эса режадагидан 667 сўмга арзонлашган. Ҳар гектарга сарф-харажатларнинг тежалиши -815 сўмга, ҳосилдорлик ўзгариши таъсири эса +148 сўмга тенг бўлган. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда 1 центнер маҳсулотнинг таннархи ва унинг ўзгаришини ўрганиш муҳим касб этади. Шунингдек, ҳар бир гектар экин майдонига сарфланган харажатлар таркибини ўрганиш ҳам таннархни ўзгариш сабабларини чуқурроқ билишга имкон беради.

83-жадвал.

Деҳқончилик маҳсулотларининг таннархи ва унинг ўзгариш сабаблари

Экин турлари	Ҳосилдорлик, ц/га		1 гектарга харажат, сўм		1 центнер маҳсулотнинг таннархи, сўмда			Таннархнинг ўзгариши		
	режа	ҳақ	режа	ҳақ	режа	ҳақ	шартли	жами	Шу жумладан	
									ҳосил-дорлик ҳисоби-га	харажат ҳисоби-га
Дон	22,2	21,2	235,65	825663,45	1066,3	1210,54	1111,56	144,24	45,26	99,0
Пахта	17,15	16,6	47880	34339,42	2736	2068,64	2884,34	-667,36	148,34	-815,7

91 Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархи ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили қандай олиб борилади?

Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи ҳам иқтисодий таҳлилда чуқур ўрганилади. Уни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ўсимликчиликка нисбатан фарқ қилувчи жиҳатларга эга. Чунки чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун кўп миқдорда ем-хашак, меҳнат ҳақи ва шу каби бошқа харажатлар қилинади. Маҳсулотлар таннархи таҳлилида ишлаб чиқариш таннархининг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришлари, шунингдек, 1 центнер маҳсулот бирлиги таннархи ва унинг ўзгариш сабаблари ўрганилади. Худди деҳқончилик каби чорвачиликда ҳам икки натижавий кўрсаткич таннархни ўзгаришига таъсир этади, яъни:

1. Чорва моллари маҳсулдорлигининг ўзгариши.

2. Ҳар бир бош чорва моллари учун сарф меъёрларининг ўзгариши.

Чорва молларининг маҳсулдорлиги ўз навбатида қуйидаги омилларга боғлиқдир:

- молларнинг рацион асосида боқилишига;
- зооветеринария ишларига;
- молларнинг зотига;
- молларни боқиш шароитига;
- ем-хашак сифатига;
- ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва моддий манфаатдорликка ва ҳоказо.

Чорва молларининг ҳар бир бошига сарф меъёрларининг ўзгариши эса қуйидаги омилларни ўз ичига олади:

- баҳо ўзгаришлари;
- ем-хашак сарфи меъёрларининг ўзгариши;
- иқтисод қилиниши;
- жавобгарликнинг белгиланиши ҳ.к.

Ишлаб чиқариш таннархининг ўзгаришига маҳсулдорлик ва чорва бош сонига қилинган сарф меъёрларининг таъ-

сирини қуйидаги шартли рақамларда кўриб чиқишимиз мумкин (84-жадвал):

84-жадвал

Чорвачиликда ишлаб чиқариш таннархи ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар

Маҳсулот турлари	Маҳсулдорлик, цн.		Бир бошга сарф меъёри сўм		1 цн.маҳсулотнинг таннархи, сўм			Таннархнинг ўзгариши ва сабаблари		
	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда	режа	ҳақиқатда	шартли	жами	Шу жумладан	
									маҳсулдорлик	сарф меъёрининг ўзгариши
Гўшт	300	350	450,0	500,0	135,0	175,0	157,5	+40,0	+22,5	+17,5
Сут	1200	1250	45,0	50,0	54,0	62,5	56,2	+8,5	+2,2	+6,3

Хўжаликда 1 цн. гўштнинг таннархи ўтган йилга нисбатан 40,0 минг сўмга ортган. Бу ўзгаришда маҳсулдорлик таъсири +22,5 минг сўмга, сарф меъёрининг ўзгариши +17,5 минг сўмга тенг бўлган. Сутчилик бўйича жами таннарх ўзгариши 8,5 минг сўмга тенг бўлган. Бунда маҳсулдорликнинг ўзгариши таъсирида +2,2 минг сўмга, сарф меъёрининг ўзгариши таъсирида эса +6,3 минг сўмни ташкил этган.

92 Инвестиция деганда нимани тушунасиз ва у қандай таҳлил қилинади?

Инвестиция деганда тадбиркорлик мақсадида сармоядорлар томонидан қўйиладиган барча турдаги мулкий, молиявий ва интелектуал моддий бойликлар тушунилади. Одатда, инвестицион фаолият капитал қўйилмаларнинг шакллантирилиши билан бир хилда деб қаралади. Лекин уларнинг ора-

сида катта фарқ бор. Яъни, капитал қўйилмаларни биз фақат узоқ муддатли активлар, асосий воситаларга нисбатан ишлатамиз. Инвестицияни эса барча мақсадли қўйилмаларга нисбатан олиш мумкин.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда, албатта, инвестицион таҳлилнинг роли каттадир. Буни бевосита мавжуд инвестицион лойиҳани тузиш ва унинг самарадорлигини баҳолашда ҳам кўриш мумкин. Инвестицион лойиҳаларни илмий ва иқтисодий жиҳатдан асослашда ҳам таҳлил муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, корхоналарнинг иқтисодий фаоллиги ва унинг мустақиллиги, молиявий барқарорлик даражаларини ўрганиш инвестицион қарорларни қабул этишда зарур ҳисобланади.

Инвестицион ҳаракатда реал активлар таҳлил этилиб, уларнинг ўзгаришларига баҳо берилган ҳолда ўзгариш сабаблари ўрганилади. Бошқача қилиб айтганда, реал инвестициялар капитал қўйилмаларни ўрганишни ҳам характерлайди. Уларнинг таркибига қурилиш-монтаж ишларининг қиймати, асбоб-ускуналар учун харажатлар, жиҳозлар, буюмлар ва бошқа капитал сарфлар қаторлари киритилади.

Капитал қўйилмаларни таҳлил этиш бир вақтнинг ўзида уч масалани ҳал этишни ўз ичига олади:

• **биринчиси**, бу — капитал қўйилмаларнинг режага нисбатан ўзгаришларига баҳо бериш;

• **иккинчиси**, бу — режага нисбатан ўзгаришлар таъсир омилларини таркиблаш, ҳисоб-китоб қилиш ва ўрганиш;

• **учинчидан**, капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уни ўстиришнинг ички имкониятларини белгилашдир.

• Таҳлил этишда инвестицион фаолиятнинг кейинги қатори сифатида молиявий инвестиция таҳлилига аҳамият берилади.

Молиявий инвестиция деганда акция, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозларга инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги бойликларга тушунилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва нодавлат секторининг кучайиши билан молиявий инвестиция бир қадар фаоллашмоқда. Бу эса ўз навбатида молиявий ресурсларнинг бўш туриб қолишлари ва пул фондларидан мақсадли фойдаланиш имконини беради. Эркин пул маблағлари ва молиявий ресурсларга эга

бўлган барча жисмоний ҳамда юридик шахслар молиявий инвестицияга эга бўладилар.

Молиявий инвестициялашдан асосий мақсад мавжуд молиявий ресурсларнинг бўш туриб қолишларга йўл қўймаслик ва улардан самарали фойдаланишдан иборат. Таҳлил этишда бу ресурсларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига ҳамда ўзгариш сабабларига баҳо берилади. Шунингдек, манбалардан фойдаланишнинг мақсадли ва имкониятли йўналишлари белгиланади. Таҳлилда шу билан бирга ҳар бир сўмлик молиявий инвестицияга тўғри келадиган ялпи фойда ва соф фойда кўрсаткичлари ўрганилади.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириш;
- қарзга олинган маблағлар ҳисобига молиялаштириш;
- жалб қилинган мақсадли тушумлар ҳисобига молиялаштириш;
- давлат маблағлари ҳисобига молиялаштириш ва ҳ.к.

Таҳлилда, албатта, инвестицион фаолиятни манбалашдаги асосий улушни ташкил этувчи қаторларга муҳим эътибор қаратилади. Негаки, инвестицияларни молиялаштиришда ўз маблағларига асосий улушнинг тўғри келиши кўпроқ аҳамиятли саналади.

93 Капитал қўйилмалар ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланадиган инвестиция қандай таҳлил қилинади?

Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга реал инвестицияларни қўйиш ресурслардан тижорат мақсадида фойдаланишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. **Реал инвестиция** деб, асосий фондларга ва айланма маблағларга инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги маблағларга айтилади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларини таркибий қайта қуриш учун янги техника ва технология ҳамда катта ҳажмдаги қурилиш ишларини амалга ошириш зарурлиги сабабли реал инвестицияларга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун

сарфланадиган инвестиция сармоялари таҳлилининг муҳим объектларидан бири капитал қўйилмалардир.Унинг таркибига қурилиш-монтаж ишларининг қиймати, асбоб-ускуналар харажати, инструмент ва инвентарларни сотиб олиш учун сарфлар, бошқа йирик ишлар ва харажатлар (лойиҳа-қидирув ишлари, қурувчи ташкилотларнинг бошқарув харажатлари ва бошқалар) киради. Капитал қўйилмаларни таҳлил этиш, қуйидаги уч муҳим вазифани ҳал этиш имконини беради:

1. Режа топшириқларининг бажарилишини баҳолаш.
2. Режа бажарилишига таъсир этадиган корхона фаолиятига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омилларни ўрганиш.
3. Капитал қўйилмалар самарадорлигига баҳо бериш ва унинг имкониятларини ўрганиш.

Имкониятлардан фойдаланишда капитал ишларнинг энг самарали йўналишини белгилаб олиш ва ҳар бир сўмлик сармояга тўғри келадиган иш ҳажми кўрсаткичини энг юқори даражага кўтариш, қўйилган маблағларнинг қопланиш муддатларини қисқартириш, харажатлар сарфини назорат қилишга алоҳида эътибор берилади.

94 Инвестицион лойиҳаларнинг молиявий таҳлили қандай ўтказилади ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Инвестицион лойиҳалар ва уларни *иқтисодий асослашда* молиявий таҳлил муҳим рол ўйнайди. Бунда, мавжуд лойиҳаларнинг баҳоланиши ва самарадорлиги, ҳаётийлиги, оқланувчанлиги ёки таваккаллилиги юзасидан *инвестицион* ечимлар белгиланади.

Инвестицион лойиҳалар молиявий таҳлилининг мақсади ва унинг ўрганиш доирасини инвестицион фаолият тушунчасига берилган таърифдан ҳам кўриш мумкин. **Инвестицион фаолият шундай фаолиятки**, бунда иқтисодий ресурслардан келгусида фойда олиш мақсадида инвестицияларни узоқ муддатга банд этиш тушунилади. Инвестицион лойиҳаларнинг молиявий ёки иқтисодий таҳлилида худди шу фой-

да олиш мақсади, имкониятлари башорат қилинади, илмий ечимларнинг тўғрилиги ва ҳаётийлиги белгиланади. Таҳлилда ЮНИДО усули бўйича капитал сармоялар самарадорлигини баҳолаш мезонлари ўрганилади.

Инвестицион лойиҳалар молиявий таҳлилининг асосий вазифаларига қуйидагилар киритилади:

- лойиҳаларнинг ишончлигини таҳлил этиш;
- лойиҳалаштирилган инвестицион дастурда даромад ва харажатларни таҳлил этиш асосида имкониятлар ва уларнинг реализациясини баҳолаш;
- соф кирим ва чиқимлар, лойиҳаларнинг иқтисодий нафлиги, фойдалилиги, инвестицион фаолият самарадорлигини баҳолаш;
- инвестицион қарорлар қабул қилишда капитал сармоялар қийматининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва ҳ.к.

95 Инвестицион лойиҳалар бўйича харажатлар қандай баҳоланади?

Инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлил қилишда харажатларни тўғри баҳолаш муҳим ўрин тутади. Бунда харажатларнинг барча моддалари бўйича қиймат ўзгаришлари ва унинг сабабларига баҳо берилади.

Инвестицион лойиҳалар бўйича харажатларни қуйидаги уч таркиб бўйича қараб чиқиш мумкин:

1. Инвестиция олди харажатлари.
2. Инвестицион харажатлар.
3. Эксплуатацион харажатлар.

Энг аввало, лойиҳани тайёрлаш ва йўлга қўйиш бўйича харажатлар ва уларнинг баҳоланиши белгиланади. Бунда юзага чиқувчи харажатларни қуйидагича таркиблаш мумкин:

- қимматли қоғозлар эмиссияси бўйича дастлабки харажатлар;
- изланишни йўлга қўйиш бўйича харажатлар;
- қурилма ва ускуналарни янгилаш юзасидан харажатлар;

- ишлаб чиқаришни дастлабки синов босқичи харажатлари;
- ликвидацион харажатлар;
- бошқа харажатлар.

Иккинчи даврада юзага чиқувчи харажатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- объектни танлаш, сотиб олиш ва тайёрлаш бўйича харажатлар;
- кўчмас мулк бўйича харажатлар;
- машина ва ускуналар бўйича харажатлар;
- номоддий фаолларни сотиб олиш бўйича харажатлар ва бошқа инвестицион харажатлар.

Учинчи даврага — эксплуатацион харажатлар қаторига инвестицион лойиҳаларни йўлга қўйиш ва жорий активларни сотиб олишда юзага чиқувчи харажатлар киритилади.

Инвестицион лойиҳаларнинг ҳаётийлигини баҳолаш, таҳлил этишда харажатлар ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга аҳамият берилади. Инвестицион харажатлар ва уларнинг баҳоланиши қуйидаги харажат элементлари бўйича ўрганилади:

- завод харажатлари;
- маъмурий ва устама харажатлар;
- молиявий харажатлар;
- амортизация бўйича харажатлар.

Баҳолаш уларнинг ҳар бир туркуми бўйича олиб борилади ва бу билан лойиҳаларнинг ҳаётийлиги ҳамда оқланувчанлиги белгиланади.

96 Инвестицияга қўйилган маблағларни баҳолашнинг қандай усуллари бор?

Инвестицияга йўналтирилган маблағларни баҳолашнинг икки усулини қайд қилиш мумкин. Булар — реал активларнинг кутилган қиймати ва жорий қийматини аниқлаш усулларидир. Инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлил қилишда бу масала асосий ҳисобланади.

Реал активларнинг кутилган қиймати бўйича баҳоланишини қуйидаги ифода орқали тавсифлаш мумкин:

$$Бқ = Ққ\ (\ 1 + К\ )n$$

Бунда:

Бқ — кутилган қиймат ёки тижорат мақсадида қўйилган қийматнинг бўлғуси қиймати;

Ққ — тижорат мақсадида қўйилган капиталнинг дастлабки қиймати;

К — инвестицион капиталнинг даромадлиги;

n — инвестицион капиталнинг бандлик муддати.

Агар 1000000 сўмлик сармоя капитали 5 йил муддатга, йиллик 20 фоизли даражада бандланса, унинг якуний, кутилган қиймати қуйидагича бўлади:

$Бқ = 1000000 \times (\ 1 + 0{,}20\ )_2 = 1000000 \times (1{,}20)_2 = 1000000 \times 1{,}44 = 1440000$ сўм.

Бу қийматни оддий ҳисоб-китобларда аниқлашнинг усули «ЭКСЕЛ» ва «ЛОТУС» ҳисоблагичларига ҳам киритилган.

Қўйилган инвестицион капиталдан кутилувчи қийматни аниқлаш формуласини бироз бошқача бериш ҳам мумкин. Бу ифода кутилган қийматни эмас, балки „жорий қийматни" аниқлаш формуласини беради.

$$Бқ = Ққ \times (\ 1 + К\ )n \Rightarrow$$

$$Ққ = \frac{Бқ}{(\ 1 + К)\ n} = \frac{1}{(\ 1 + К)\ n} \times Бқ$$

Мисол бўйича

$$Ққ = \frac{1440000}{(1 + 0.20)_2} = 1000000 \text{ сўм.}$$

97 Қурилиш ташкилотларида иқтисодий таҳлил қандай амалга оширилади?

Янгидан бино қуриш ёки мавжудларини реконструкциялаш ҳамда кенгайтириш қурилиш ташкилотларининг асосий вазифаси ҳисобланиб, уларни таҳлил этиш қатор хусусиятларга эга. Қурилиш ташкилотларини самарали бошқариш-

ни йўлга қўйишда, уларнинг мураккаб хўжалик фаолиятига объектив баҳо беришда иқтисодий таҳлил жуда катта рол ўйнайди. Иқтисодий таҳлилни ўтказиш жараёнида буюртмачи ташкилотнинг асосий фонд ва ноишлаб чиқариш характерига эга бўлган объектларига капитал сармояларни амалга ошириш борасидаги хусусиятларни, шунингдек, пудратчининг қурилиш-монтаж ишларини олиб боришдаги ўзига хос томонларини эътиборга олиш зарурдир.

Қурилиш ташкилотларининг хўжалик фаолиятлари қуйидаги йўналишларда комплекс таҳлил қилинади:

- қурилиш ташкилотларининг ташкилий техникавий даражасини баҳолаш;
- қурилиш ташкилотларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ва уларни дастлабки баҳолаш (иқтисодий ва илмий жиҳатдан асослаш);
- объектларни фойдаланишга топшириш ва уларнинг смета қийматлари бўйича режа-топшириқларига амал этилишини баҳолаш;
- капитал сармоялар режасининг бажарилиши ва унинг таркибий ўзгаришларига баҳо бериш, манбаланишини ўрганиш;
- қурилиш ташкилотларида молиявий ва пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг самарадорлик кўрсаткичларига баҳо бериш;
- қурилиш ташкилотларида буюртмалар режасига ва унинг бажарилишига баҳо бериш;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва унинг ўзгаришларини ўрганиш;
- қурилиш ташкилотларининг молиявий ҳолатига иқтисодий ташҳис қўйиш;
- иш ҳажмини ошириш ва самарадорлик юзасидан мавжуд ички имкониятларни аниқлаш ва уларни йўлга қўйиш чора тадбирларини белгилаш ва ҳ.к.

Иқтисодий таҳлилда илмий-техник, режа, норматив, ҳисоб, ҳисобот ва ҳисобдан ташқари ахборот манбаларидан фойдаланилади. Фойдаланишга топшириладиган объектларнинг натурал ўлчов бирликлари сифатида, уларнинг қуввати ҳамда қийматдаги ифодаси, смета қиймати олинади.

Таҳлил жараёнида бизнес-режа бўйича тасдиқланган барча объектлар фойдаланиш учун вақтида топширилганлиги ёки топширилмаганлиги, қайси объектлар, ишлаб чиқариш қувватлари, мажмуилари, асосий фондлар нима учун режа бўйича ишга туширилмаганлик сабаблари аниқланади. Ҳақиқатда ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларининг натура ва қиймат ҳолидаги кўрсаткичлари лойиҳа ҳамда бизнес-режа маълумотларига мос келиши ўрганилади. Таҳлил жараёнида объектларнинг ишга туширилиши натижасида лойиҳалаштирилган унумдорликка эришилганлигига эътибор берилади. Чунки, лойиҳа қувватига қанчалик тез эришилса, объектнинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Қурилиш-лойиҳа ташкилотлари режалаштирилган маҳсулотлар, ишлар таннархини ҳақиқий таннарх билан таққослашга интилади. Шунинг асосида харажатларнинг камайиши ҳам аниқланади. Ишлаб чиқаришда қурилиш-монтаж ишларининг қуйидаги таннархлари аниқланади:

- режалаштирилган, яъни, меъёрий маълумотлар асосида аниқланадиган таннарх;
- смета баҳоси (таннархи);
- ҳақиқий таннарх.

Ушбу таннарх кўрсаткичларининг бир йиллик ёки бир неча йиллик даражаси аниқланиб, улар мутлақ ва нисбий ифодада қиёсий таҳлил этилади. Таққослаш натижасида ҳақиқий таннархнинг ошганлиги ёки камайганлиги ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланади. Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини таҳлил этишни таннархнинг харажат моддалари бўйича амалга ошириш лозим.

Объектлар, ишлар бўйича таннархни таҳлил этиш жараёнида корхонадаги режа, меъёрий ҳамда ҳақиқий маълумотлардан батафсил фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қурилиш ишларининг таннархи қурилиш участкалари бригадалар ҳамда гурухлар бўйича амалга оширилиши мумкин. Таннархни таҳлил этишнинг услубий жиҳатлари бошқа тармоқ корхоналаридан кескин фарқ қилмайди.

98 Экспорт операциялари таҳлили қандай ўтказилади?

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ва жаҳон бозорининг актив иштирокчиси ҳамда субъекти сифатида қатнашиш ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг бош мақсадидир. Бу бевосита корхона, фирма маҳсулотининг жаҳон бозорига чиқиши ва уни банд этиши, ўз харидорини топишида корхона истиқболини белгилаш, фаолият натижавийлигини ўстиришнинг муҳим омили сифатида қаралади.

Экспорт операциялари таҳлилида корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти ва унинг самарадорлик кўрсаткичларига иқтисодий ташхис қўйилади. Бу бевосита ташқи савдо оборотн ҳажмини ўстириш ва фойдалилигини таъминлашнинг мавжуд ички имкониятларини ўрганишни ҳам ўз ичига олади. Экспорт операциялари таркибини ўрганишда ялпи экспорт ҳажмида алоҳида олинган товарлар ёки товарлар гуруҳининг мутлақ нисбий ўзгаришларига (режага ва ўтган йилларга нисбатан) баҳо берилади. Шунингдек, ташқи савдо фаолияти бўйича сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар турига оид тақсимот қаторлари, ташқи савдонинг мамлакатлараро сотиш ҳажми, ҳудудлар асосида тақсимотига (Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Яқин Шарқ, Оврупо мамлакатлари ва ҳ.к.) баҳо берилади.

Ташқи савдо оборотн бўйича режа-топшириқларининг бажарилишига аҳамият берилади. Шунингдек, ташқи савдо оборотн бўйича динамик ўзгаришлар эътиборга олинади.

Ташқи савдо оборотн динамикаси деганда, унинг йиллар бўйича ўзгариш даражалари тушунилади. Таҳлилда шунингдек, экспорт ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлилига аҳамият берилади. Экспорт ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таркибига бевосита ҳисобкитоб қилинадиган, сотилган товарлар, ишлар ва хизматлар баҳосининг ўзгариши ва физик ҳажмининг ўзгаришлари киритилади (85-жадвал).

85-жадвал

Ташқи савдо айланма режасининг бажарилиши

Маҳсулот турлари	Режа		Ҳақиқатда		Ялпи маҳсулот		Режа бажарилиши, %
	Миқдори, дона	Баҳо, сўм	Миқдори, дона	Баҳо, сўм	Режа, минг сўм	Ҳақ, минг сўм	
А	100	5000	120	6000	50,0	72,0	144,0
Б	80	3000	100	3500	24,0	35,0	145,8
Жами	*	*	*	*	74,0	107,0	144,6

Корхонада экспорт ҳажми „А" маҳсулот тури бўйича +44,0 фоизга, „Б" маҳсулот тури бўйича +45,8 фоизга ошириб бажарилган. Таъсир этувчи омиллар таҳлилини ҳам юқоридаги жадвал маълумотлари асосида баҳолаш мумкин. Корхонада ташқи савдо оборотн режага нисбатан „А" маҳсулот тури бўйича 22 минг сўмга, „Б" маҳсулот тури бўйича 11 минг сўмга ошиши кузатилган. Бу ўзгаришлар таъсирини қуйидаги боғланишлар асосида аниқлаш мумкин.

„А" маҳсулот тури бўйича ялпи савдо ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таъсири:

1. „А" маҳсулот миқдорининг ўзгариши ҳисоби

$$120\text{-}100 \cdot 5000 = +10{,}0 \text{ минг сўм.}$$

2. „А" маҳсулот баҳосининг ўзгариши ҳисобига

$$6000\text{-}5000 \cdot 120 = +12{,}0 \text{ минг сўм.}$$

Ҳар икки омил йиғиндиси = 10,0+12,0=+22,0 минг сўм.

„Б" маҳсулот тури бўйича маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига тасир этувчи омиллар:

1. „Б" маҳсулот миқдорининг ўзгариши ҳисоби

$$100\text{-}80 \cdot 3000 = +6{,}0 \text{ минг сўм.}$$

„Б" маҳсулот баҳосининг ўзгариши ҳисобига

$$3500\text{-}300 \cdot 100 = 5{,}0 \text{ минг сўм.}$$

Иккала омил йиғиндиси=+6,0+5,0=11,0 минг сўм.

Юқоридаги боғланишларни жами маҳсулот қатори бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

99 Импорт операциялари таҳлили қандай ўтказилади?

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг яна бир муҳим томони импорт операцияларидир. Таҳлилда мамлакат ҳудудига турли давлатлардан олиб келинадиган, қийматга эга моллар ҳаракати ўрганилади. Унинг таркиби, тузилиши ва ҳолатига, динамик ўзгаришларига баҳо берилади. Импорт операциялари таҳлили импорт ҳажмининг режа ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига ва таркибига, шунингдек, ҳудудлар ва мамлакатлар бўйича ҳажмига баҳо беришдан бошланади.

Импорт ҳажми бўйича режа бажарилиши ва динамикаси мутлақ ва нисбий ўзгаришларда ўрганилади. Унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланади. Импорт билан экспорт ҳажми орасидаги нисбат таҳлилнинг муҳим қатори ҳисобланади. Улар орасидаги нисбат баланси орқали мамлакат ялпи миллий маҳсулоти ва ялпи ички маҳсулотлари аниқланади. Яъни, ялпи миллий маҳсулот ҳажмини аниқлашда ташқи савдо оборотн бўйича мутлақ фарқланишлар қўшилган ёки чегирилган ҳолда умумий кўрсаткич аниқланади. Ташқи савдо оборотида мусбат фарқланишга эга бўлиш шартлари шу асосда бошқарилади ва белгиланади. Бу жиҳат ўзгаришлар кўпроқ макро таҳлилда ва мамлакат иқтисодининг истиқбол режалари, дастурларини тузиб чиқишда фойдаланилади.

Таҳлилда импорт ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларга алоҳида аҳамият берилади. 86-жадвал маълумотлари асосида импорт ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таҳлилини кўриб ўтиш мумкин.

86-жадвал

Импорт ҳажми режасининг бажарилиши ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Маҳсулот турлари	Режа бўйича		Ҳақиқатда		Ялпи маҳсулот, минг сўм		Бажарилиши, %
	миқдори, дона	баҳо, сўм	миқдори, дона	баҳо, сўм	режа	ҳақ	
А	50	2000	62	3000	100	186	186,0
Б	40	1000	60	1500	40	90	225,0
Жами	90		122		140	276	197,1

Корхонада импорт ҳажми режага нисбатан кескин ошган. Жумладан, „А" маҳсулот тури бўйича ўсиш 86 фоизни, „Б" маҳсулот тури бўйича ўсиш эса 2,25 мартани ташкил этган. Корхона бўйича жами ўсиш 97,1 фоизни ташкил этган.

Импорт ҳажми миқдор омили ўзгариши ҳисобига қуйидагича бўлган:

(62-50х2000+60-40х1000)=+24,0+20,0=44,0 минг сўм.

Импорт ҳажми баҳо омилининг таъсирида қуйидагича бўлган:

(3000-2000х62+1500-1000х60)=+62,0+30,0=92,0 минг сўм.

Ҳар икки омил таъсирида импорт ҳажмининг ўсиши қуйидагича бўлган:

+44,0+92,0=136,0 минг сўм.

100 Эскпорт-импорт операциялари даромадлари ва харажатлари қандай таҳлил этилади?

Экспорт-импорт операциялари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари сифатида бу борадаги даромадлар ва харажат-

ларнинг нисбий ўзгаришларига баҳо берилади ва бу ўзгаришларга таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Экспорт-импорт операцияларидан олинадиган фойда ҳажмини ошириш, биринчидан, корхона иқтисодий ривожига таъсир этса, иккинчидан, мамлакат валюта захирасининг шаклланиши ва унинг ортишига имкон беради. Корхонанинг валюта тушумлари уларнинг ортиши, эркин иқтисодий ҳаракатда бўлиши хориж билан алоқаларни ривожланишда муҳим молиявий таянч ҳисобланади.

Экспорт операциялари таҳлилида ташқарига мол чиқариш ҳажмидан олинган натижа ва унинг рентабеллигига муҳим эътибор берилади. Буни қуйидаги боғланишлар асосида аниқлашимиз мумкин (87-жадвал):

87-жадвал

Экспорт операцияларидан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
Маҳсулот,иш ва хизматлар экспортидан олинган тушум, минг сўм	100000	120000	+20000
Экспорт қилинган маҳсулот,иш ва хизматлар таннархи, минг сўм	85000	95000	+10000
Экспорт ҳажмидан олинган фойда, минг сўм	15000	25000	+10000
Рентабеллик, фоиз	15,0	20,8	+5,8

Корхонада экспорт ҳажмидан олинган фойда ўтган йилга нисбатан 10000 минг сўмга ортган. Бу ўзгариш бевосита экспорт ҳажмининг ёки олинган даромадлар суммасининг ўзгариши ҳисобига ҳамда экспорт қилинган маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши эвазига рўй берган. Буни қуйидаги боғланишлар орқали аниқлашимиз мумкин: агарда экспорт операциясидан ўтган йилги маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш таннархида жорий давр тушумларига ёки даромадларига эга бўлинганда қўшимча қанча фойдага эга бўлиши мумкин эди? Буни қуйидагича

аниқлаш мумкин: яъни, маҳсулот, иш ва хизматлар жорий давр экспортидан олинган соф тушум суммасидан уларнинг ўтган давр бўйича ишлаб чиқариш таннархи чегирилган ҳолда шартли фойда суммаси ҳисобланилади,

120000 — 85000 = 35000 минг сўм.

Демак, корхона бу ҳолатда қўшимча 35000 сўм фойдага эга бўлган бўларди.

1. Экспорт ҳажмининг ўзгариши ҳисобига олинган фойда суммаси:

35000 — 15000 = +20000 минг сўм.

2.Экспорт қилинган маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши ҳисобига ўзгариши:

25000 — 35000 = —10000 минг сўм.

Ҳар икки омил таъсирида экспорт ҳажмидан олинган фойда суммаси = +20000 — 10000 = +10000 минг сўм ортган.

Корхонада маҳсулот экспорти бўйича, рентабеллик 5,8 фоизга ўсган. Бу ўзгаришни юқоридаги боғланишда аниқлаш мумкин.

Шартли рентабеллик =25000/100000x100 = 25 %.

1. Фойда суммасининг рентабелликка таъсири:

25,0 — 15 = + 10,0 %.

2. Соф тушум суммасининг рентабелликка таъсири:

20,8 — 25,0 = — 4,2 %.

Ҳар икки омил таъсирида экспорт ҳажмининг рентабеллиги 5,8 фоизга ортган.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1 Таҳлил сўзининг мазмуни:
а) "таҳлил" лотинча сўздан олиниб, "бутунни бўлакчаларга бўлиб ўрганаман" маъносини англатади;
б) "таҳлил" французча сўздан олиниб, "бутунни бўлакчаларга бўлиб ўрганаман" маъносини англатади;
в) "таҳлил" грекча сўздан олиниб, "бутунни бўлакчаларга бўлиб ўрганаман" маъносини англатади;
г) "таҳлил" инглизча сўздан олиниб, "бутунни бўлакчаларга бўлиб ўрганаман" маъносини англатади;
д) "таҳлил" русча сўздан олиниб, "бутунни бўлакчаларга бўлиб ўрганаман" маъносини англатади.

2 Молиявий менежментда таҳлил тамойиллари деганда:
а) аниқ ва ҳаққонийлик, кераклилик ва оперативлик, ижодийлик;
б) холисоналик, тўғрилик, комплекс ва тизимлилик;
в) ижодийлик, оперативлик;
г) аниқ ва ҳаққонийлик, комплекс ва тизимлилик;
д) холисоналик, кераклилик ва ижодийлик тушунилади.

3 Йиллик молиявий ҳисоботга қайси шакллар киради?
а) бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, асосий воситалар, пул оқимлари ва ишлаб чиқариш қарорлари тўғрисидаги ҳисоботлар;
б) бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, асосий воситалар, пул оқимлари ва маҳсулотлар сотиш тўғрисидаги ҳисоботлар;

в) бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, асосий воситалар, пул оқимлари ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботлар;
г) бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, асосий воситалар, пул оқимлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома;
д) бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, асосий воситалар, пул оқимлари ва даврий харажатлар тўғрисидаги ҳисоботлар.

4 Таҳлил фанининг предмети деб:
а) хўжаликларнинг ишлаб чиқариш маблағларидан фойдаланишини ўрганишга айтилади;
б) хўжалик жараёнларини иқтисодий манбалардан фойдаланиб ўрганишга айтилади;
в) хўжаликларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганишга айтилади;
г) хўжаликнинг барча жараёнларидаги ўзгариш ва фарқлари сабабини ўрганишга айтилади;
д) барча жавоблар тўғри.

5 Таҳлил фанининг методи деганда:
а) хўжалик фаолиятини ўрганишдаги умумий ёндашиш тушунилади;
б) материалистик диалектик ёндашиш тушунилади;
в) комплекс ёндашиш тушунилади;
г) тизимли ёндашиш тушунилади;
д) ижодий ёндашиш тушунилади.

6 Ўрганадиган даврига қараб иқтисодий таҳлилнинг турини белгиланг:
а) жорий, бошқарув ва молиявий;
б) тезкор, ички ва ташқи;
в) тезкор, истиқболли, ички ва ташқи;
г) жорий, тезкор ва истиқболли;
д) жорий, функционал қийматли, хўжаликлараро.

7 Корхоналарни бошқаришдаги ўрнига қараб иқтисодий таҳлилнинг турини белгиланг:
а) бошқарув (ички) ва молиявий (ташқи);

б) молиявий ва жорий;
в) бошқарув ва тезкор;
г) бошқарув ва истиқболли;
д) молиявий, тезкор ва жорий.

8 Иқтисодий таҳлилда қандай манбалардан фойдаланилади?
а) иқтисодий ва ҳуқуқий;
б) иқтисодий, табиий экологик, биологик, ҳуқуқий ва бошқалар;
в) иқтисодий биологик, ҳуқуқий;
г) табиий экологик, ҳуқуқий ва биологик;
д) иқтисодий.

9 Ижодий ёндашиш тамойили таҳлилнинг қандай турига кўпроқ хос?
а) истиқболли;
б) жорий;
в) бошқарув;
г) молиявий;
д) функционал қийматли.

10 Функционал қийматли таҳлилнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
а) тизимли, комплекс, ижодий янгича фикрлаш, назарий ва амалий билимларни умумлаштириш;
б) тизимли, комплекс, сон ва сифат ўзгаришлар, инкорни-инкор этиш;
в) холислик ва ҳаққонийлик;
г) диалектик ривожланиш;
д) иқтисодий ва ижтимоий ягоналик.

11 Иқтисодий таҳлилнинг тизимли ва комплекс ўрганиш тамойили нималарда намоён бўлади?
а) иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг бирлигида;
б) иқтисодий ва экологик ҳодиса ва жараёнлар бирлигида;
в) диалектик ёндашишда;
г) кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишда;

д) барча турдаги иқтисодий манбалардан ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда диалектик ёндашиб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва экологик бирликни таъминлашда.

12 Таҳлил натижаларига бевосита дахлдорларни қандай гуруҳларга ажратилади?
а) молиявий ва бошқарув;
б) ташқи ва ички;
в) банк ва солиқ;
г) жорий ва истиқболли;
д) оператив статистика.

13 Қайси манбалар хўжалик молия фаолиятини таҳлил этишда асосий манбалар бўлиб ҳисобланади?
а) иқтисодий ва экологик;
б) ҳисоб ва ҳуқуқий;
в) бухгалтерия, статистика, оператив техник ҳисоб ва ҳисобот, ҳисобдан ташқари манбалар;
г) тафтиш натижасининг акти;
д) солиқ органлари текшируви натижаси маълумотлари.

14 Ахборотлар тўплаш, ижодий таҳлил, тажриба ва изланиш ўтказиш, узлуксиз ишлаб чиқариш, тижорат-савдо, назорат қандай таҳлил тури босқичларига киради?
а) бошқарув;
б) молиявий;
в) истиқболли;
г) функционал-қийматли;
д) жорий.

15 Тизимли таҳлил нечта босқичдан иборат?
а) тўртта;
б) бешта;
в) олтита;
г) еттита;
д) саккизта.

16 Қайси омиллар фирма фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари бўлиб ҳисобланади?

а) ички ва ташқи;
б) асосий ва қўшимча;
в) иқтисодий ва ижтимоий;
г) табиий ва экологик;
д) ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш.

17 Қайси усуллар иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари бўлиб ҳисобланади?

а) таққослаш ва иқтисодий математик усуллар;
б) занжирли ва балансли боғланиш, интеграл усуллари;
в) таққослаш, гуруҳлаштириш ва назарий ўйин;
г) таққослаш, гуруҳлаштириш, занжирли боғланиш ва баланс;
д) гуруҳлаштириш, корреляция ва регрессия.

18 Иқтисодий таҳлилни ўтказишдаги кетма-кетлик қандай кўринишга эга?

а) маълумот тўплаш ва қайта ишлаш, таҳлил, таклифлар билдириш;
б) таҳлил ўтказиш режасини тузиш ва бажариладиган вазифаларни тақсимлаш;
в) таҳлил ўтказиш режасини тузиш, маълумот тўплаш, таҳлил, ўзгаришларни аниқлаш, таклифлар билдириш;
г) якуний хулосалар келтириш;
д) маълумот тўплаш, таҳлил ва ечимини аниқлаш.

19 Фарқларни кўпайтириш усулини қўллаб, ҳосилдорликнинг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
Ҳосилдорлик, ц/га	28	26
Ялпи маҳсулот, ц	11760	13000
Экин майдони, га	420	500

Ҳосилдорликнинг таъсири:
а) -860; б) +960; в) -1000; г) +1000; д) -990.

20 Фарқларни кўпайтириш усулини қўллаб, экин майдони ўзгаришининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда
Экин майдони, га	500	520
Ялпи маҳсулот, ц	13500	13000
Ҳосилдорлик, ц/га	?	?

Экин майдони ўзгаришининг таъсири:
а) -500; б) +500; в) -540; г) +640; д) 540.

21 Балансли боғланиш усулини қўллаб фирма фойдасини аниқланг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	
1. Маҳсулот (иш,хизмат)лар сотишдан тушум	219650
2. Қўшилган қиймат солиғи	43930
3. Ишлаб чиқариш сарфлари	51460
4. Даврий харажат	34600
5. Олинган дивидендлар	8700
6. Тўланган фоизлар	12000
7. Солиқлар	31089
8. Фойда	?

а) 55201; б) 55271; в) 88271; г) 88201; д) 50271.

22 Материаллар қийматини таҳлил қилинг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1	2	3
1. Маҳсулот (иш,хизмат)лар сотишдан соф тушум	9790	10670
2. Материаллар сарфи	2140	2730
3. Материаллар қиймати	?	?

а) 4,575:3,908; б) 4,574:3,914; в) 4,574:3,911;
г) 4,576:3,909; д) 4,575:3,914.

23 Чорва моллари сонининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
Жами сут, ц	6700	6900
Соғин сигирлар, бош	268	230

а) +850; б) -850; в) +950; г) -950; д) 900.

24 Чорва моллари маҳсулдорлигининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
Жами сут, ц	6700	6900
Бир бош сигирдан соғиб олинган сут, ц	25	30

а) -1150; б) +1150; в) -1340; г) +1340; д) +200.

25 Занжирли боғланиш усулини қўллаб, маҳсулот қийматига баҳо ўзгаришининг таъсирини аниқланг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
Махсулот қиймати	7500	8000
1 центнер маҳсулот баҳоси	30,0	32

а) -400; б)+400; в) +500; г) -500; д) +600.

26 Занжирли боғланиш усулини қўллаб, маҳсулот қийматига меъёр (норма) ўзгаришининг таъсирини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Материал ,кг 2.1 кг баҳоси,сўм 3.Жами сарф қиймати	850 30 25500	860 30 25800

а) -300; б) -250; в) -200; г) +250; д) +300.

27 Омбордаги материалларнинг йил охиридаги қолдиғини аниқланг:

Кўрсаткичлар	
1.Йил бошидаги қолдиқ	450
2.Сотиб олинган	370
3.2-цехга берилган	180
4.1-цехга берилган	30
5.Асосий ишлаб чиқаришга сарфланган	410
6.Табиий камайиш меъёри	40

а) 260; б) 220; в) 200; г) 180; д) 160.

28 Таққослаш усулини қўллашдаги эътиборга олинадиган талабларни белгиланг:

а) баҳо ва аниқланиш усули бир хил;
б) ихтисослашуви бир хил;
в) ҳажми бир хил;
г) мулк шакли бир хил;
д) ҳисоб-китоби бир хил;
е) нотўғри жавоб йўқ.

29 Маҳсулот ҳажмига асосий воситалар қиймати ўзгаришининг таъсирини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
1.Маҳсулот ҳажми, минг сўм	10000	9000	-1000
2.Асосий воситалар қиймати, минг сўм	4000	4500	+500
3.Фонд қайтими, сўм	2,5	2,0	-0,5

а) 1250; б)-1250; в) 1000; г) -1000; д) 900.

30 Маҳсулот ҳажмига фонд қайтимининг ўзгариши таъсирини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
1.Маҳсулот ҳажми, минг сўм	10000	9000	-1000
2.Асосий воситалар қиймати, минг сўм	4000	4500	+500
3.Фонд қайтими, сўм	2,5	2,0	-0,5

а) -2300; б)-2250; в) -2200; г) -2150; д) -2100.

31 Фонд сиғимини аниқлаб, маълумотларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Асосий воситалар қиймати, минг сўм	5100	5500
2.Маҳсулот қиймати, минг сўм	15300	17600
3.Фонд сиғими, тийин	?	?

а) 0,32:0,31; б) 0,33:031; в) 0,33:0,30; г) 0,32:0,30; д) 0,30:0,31.

32 Занжирли боғланиш усулини қўллаб, шартли маҳсулот таннархини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда
1.Ўртача бир гектарга сарф, сўм	42000	50000
2.Ҳосилдорлик, ц/га	28	25
3.1 ц маҳсулот таннархи, сўм	1500	2000

а) 1580; б) 1600; в) 1620; г) 1640; д) 1680.

33 Бир центнер дон таннархига ҳосилдорлик ўзгаришининг таъсирини ҳисобланг:

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда
1.Ўртача бир гектарга сарф, сўм	1500	1800 1680
2.Ҳосилдорлик, ц/га	28	25
3.1 ц маҳсулот таннархи, сўм	4200	45000

а) +180; б)-180; в) -120; г) +120; д) 300.

34 Бир центнер дон таннархига гектарига сарфланган харажатлар ўзгаришининг таъсирини ҳисобланг:

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда
1.Ўртача бир гектарга сарф, сўм	1500	1800
2.Ҳосилдорлик, ц/га	28	25

а) +180; б)-180; в) -120; г) +120; д) 300.

35 Маҳсулотлар сотиш ҳажмининг ўзгаришга таъсир этувчи омилларни белгиланг:

а) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, инвентаризация натижасида аниқланган маҳсулотларнинг ортиқчалиги ёки камомад;

б) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, оборотдаги тайёр маҳсулот қолдиғини йил бошидагига нисбатан ўзгариши, инвентаризация натижасида аниқланган маҳсулотларнинг ортиқчалиги ёки камомади, ассортимент ва сифат ўзгаришлар;

в) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, оборотдаги тайёр маҳсулот қолдиғини ўзгариши, ассортимент ва сифат ўзгаришлар;

г) маҳсулотларнинг ассортимент ва сифат ўзгариши, оборотдаги тайёр маҳсулот қолдиғини ўзгариши;

д) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

36 Сотилган маҳсулот ҳажмини ҳисобланг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Ишлаб чиқарилган товар маҳсулот, сўм	270	285
2.Омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғи, млн.сўм		
а) йил бошида	19	21
б) йил охирида	21	24
3.Инвентаризация натижасида аниқланган маҳсулотларнинг камомади (-) ёки ортиқчалиги	–2	+1
4.Сотилган маҳсулот	?	?

а) 264; 280; б) 266; 283; в) 264; 287; г) 264; 283; д) 266; 287.

37 Ассортимент режасининг бажарилишини аниқланг:

(млн.сўм)

Маҳсулот турлари	Режа	Ҳақиқатда	Ассортимент режасини бажариш ҳисобига
1	2	3	4
А	189	179	?

1	2	3	4
Б	91	93	?
В	82	80	?
Г	62	65	?
ЖАМИ	424	417	?

а) 98,1; б) 98,3; в) 98,7; г) 96,2; д) 97,1.

38 Корхонанинг маромида ишлаганлигини таҳлил қилинг:

Ўн кунлик	Ишлаб чиқарилган товар маҳсулот,млн.сўм					
	Режа		Ҳисобот йили		Маромийлик ҳисобига	
	млн.с.	%	млн.с.	%	млн.с.	%
1-ўн кунлик	694	32,9	205	11,0	?	?
2-ўн кунлик	710	33,8	595	31,8	?	?
3-ўн кунлик	706	33,3	1070	57,2	?	?
Жами	2110	1100	1870	100	?	?

Маромийлик даражаси а) 69,2; б) 75,0; в) 70,0; г) 71,4; д) 74,2.

39 Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилишда ўрганиладиган кўрсаткич:

а) $\frac{\textit{ишчилар сони}}{\textit{жами саноат ходимлари}}$;

б) $\frac{\textit{жами ходимларнинг ҳақиқатда бажарган киши-соатлари}}{\textit{жами календар иш вақти фонди}}$;

в) $\frac{\textit{жами бажарилган киши-соатлари}}{\textit{жами ходимлар}}$;

г) $\frac{\textit{жами бажарилган киши-соатлари}}{\textit{жами ходимлар}}$;

д) $\frac{\textit{ишчилар сони}}{\textit{жами ходимлар}}$.

40 Иш вақтидан фойдаланишнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни белгиланг:

а) ишчилар сони ва меҳнат унумдорлигининг ўзгариши;

б) ишчилар сони ва бажарилган киши-соатларининг ўзгариши;

в) ишчилар сони, бажарилган киши-куни ва киши-соатларининг ўзгариши;

г) киши куни ва киши-соатларининг ўзгариши;

д) меҳнат унумдорлиги.

41 Бир киши кунининг унумдорлигини таҳлил қилишда ҳисобланадиган қиймат кўрсаткич:

а) товар маҳсулоти / ишчилар сони;

б) товар маҳсулоти / киши соат;

в) товар маҳсулоти / киши кунлар;

г) товар маҳсулоти / бошқарув ходимлар сони;

д) товар маҳсулоти / ходимлар ишлаган киши-соати.

42 Иш вақтидан фойдаланишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
1. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони, киши	1200	1100	-100
2. Жами бир йилда ишчиларнинг ишлаган киши кунлари, минг сўм	252	224,4	-27,6
3. Жами ишланган киши соат, минут	1990,8	1615,68	-375,12
4. Битта ишчининг ишлаган киши куни, кун	210	204	-6
5. Бир иш куннинг давомийлиги, соат	7,9	7,2	-0,7

Ишчилар сони ўзгаришининг жами иш вақтига таъсири: а) +179,0; б) −165,9; в) −170,0; г) −165,9; д) −160,2.

43 Иш вақтидан фойдаланишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
1. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони, киши	1200	1100	-100
2. Жами бир йилда ишчиларнинг ишлаган киши кунлари, минг сўм	252	224,4	-27,6
3. Жами ишланган киши соат, минут	1990,8	1615,68	-375,12
4. Битта ишчининг ишлаган киши куни, кун	210	204	-6
5. Бир иш куннинг давомийлиги, соат	7,9	7,2	-0,7

Бир ишчининг ишлаган киши куни ўзгариши:
а) +52,14; б) +62,14; в) −52,14; г) −62,14; д) −50,14.

44 Иш вақтидан фойдаланишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи
1. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони, киши	1200	1100	-100
2. Жами бир йилда ишчиларнинг ишлаган киши кунлари, минг сўм	252	224,4	-27,6
3. Жами ишланган киши соат, минут	1990,8	1615,68	-375,12
4. Битта ишчининг ишлаган киши куни, кун	210	204	-6
5. Бир иш куннинг давомийлиги, соат	7,9	7,2	-0,7

Иш вақти давомийлигининг ўзгариши: а) −156,80; б) +157,08; в) −167,08; г) +167,08; д) +156,08.

45 Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи меҳнат омилларини белгиланг:

а) ишчилар сони ва ишланган киши кунлар сонининг ўзгариши;

б) ишчилар сони ва ишланган киши куни ва киши соатларининг ўзгариши;

в) ишчилар сони ва ишланган киши соатларининг ўзгариши;

г) ишчилар сони, бажарилган киши куни, киши иш кунининг давомийлиги ва ишчиларнинг бир соатдаги унумдорлигининг ўзгариши;

д) ишчилар сони ва меҳнат унумдорлиги.

46 Меҳнат омилининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига таъсирини фарқларнинг айириш усулида таҳлил қилинг (товар маҳсулоти:ўтган йилда 3300 млн. сўм, ҳисобот йилида 3000 млн. сўм):

Омиллар	Бажарилиши	Фарқ	Маҳсулот ҳажмига таъсир суммаси
1.Ишчилар сони	91,7	-8,3	?
2.Жами ишланган киши кунлар	89,1	-2,6	?
3.Жами ишланган киши соатлари	81,2	-7,9	?
4.Товар маҳсулоти	90,91	+9,71	?

Ишчилар сони ўзгаришининг таъсири:
а) –300; б) –273,9; в) –250,9; г) –268,9; д) –260,9.

47 Меҳнат омилининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига таъсирини фарқларни айириш усулида таҳлил қилинг (товар маҳсулоти: ўтган йилда 3300 млн. сўм, ҳисобот йилида 3000 млн. сўм):

Омиллар	Бажарилиши	Фарқ	Маҳсулот ҳажмига таъсир суммаси
1	2	3	4
1.Ишчилар сони	91,7	-8,3	?

1	2	3	4
2.Жами ишланган киши кунлар	89,1	-2,6	?
3.Жами ишланган киши соатлари	81,2	-7,9	?
4.Товар маҳсулоти	90,91	+9,71	?

Жами ишланган киши кунларининг ўзгариши таъсири:
а) −85,8; б) −80,8; в) −75,8; г) −90,8; д) −79,6.

48 Меҳнат омилининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига таъсирини фарқларни айириш усулида таҳлил қилинг (товар маҳсулоти: ўтган йилда 3300 млн. сўм, ҳисобот йилида 3000 млн. сўм):

Омиллар	Бажарилиши	Фарқ	Маҳсулот ҳажмига таъсир суммаси
1.Ишчилар сони	91,7	-8,3	?
2.Жами ишланган киши кунлар	89,1	-2,6	?
3.Жами ишланган киши соатлари	81,2	-7,9	?
4.Товар маҳсулот	90,91	+9,71	?

Жами ишланган киши соатларининг ўзгариши:
а) −250,7; б) 270,7; в) −240,7; г) −260,7; д) −230,7.

49 Меҳнат омилининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига таъсирини фарқларни айириш усулида таҳлил қилинг (товар маҳсулоти: ўтган йилда 3300 млн. сўм, ҳисобот йилида 3000 млн. сўм):

Омиллар	Бажарилиши	Фарқ	Маҳсулот ҳажмига таъсир суммаси
1	2	3	4
1.Ишчилар сони	91,7	-8,3	?

1	2	3	4
2.Жами ишланган киши кунлар	89,1	—2,6	?
3.Жами ишланган киши соатлари	81,2	—7,9	?
4.Товар маҳсулот	90,91	+9,71	?

Товар маҳсулоти ҳажми (меҳнат унумдорлиги):
а) +330,4; б) +340,4; в) +310,4; г) +320,4; д) +350,4.

50 Асосий фондларнинг техник ҳолатини таҳлил қилишда ҳисобланиладиган кўрсаткичларни белгиланг:
а) яроқлилик ва эскириш даражаси;
б) янгиланиш, эскириш ва яроқлилик даражаси;
в) эскириш ва янгиланиш даражаси;
г) яроқлилик ва янгиланиш даражаси;
д) янгиланиш ва эскириш даражаси.

51 Иш ҳақи фондининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Ишчилар сони	540	550
2.Ўртача ставка	6020	6000
3.Жами иш ҳақи, минг сўм	?	?

Жами иш ҳақи фонди:
а) 3250,8; 3240, б) 3250,8; 3300, в) 3250,8; 3111,
г) 3240; 3300, д) 3240; 3111.

52 52. Иш ҳақи фондининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Ишчилар сони	540	550
2.Ўртача ставка	6020	6000
3.Жами иш ҳақи, минг сўм	?	?

Ишчилар сонининг таъсири:
а) +52,2; б) 52,2; в) 60,2; г) 61,2; д) 62,2.

53 Иш ҳақи фондининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Ишчилар сони	540	550
2.Ўртача ставка	6020	6000
3.Жами иш ҳақи, минг сўм	?	?

Ставка ўзгаришининг таъсири:
а) −9,0; б) −10,0; в) 11,0; г) −12,0; д) −13,0.

54 Корхонанинг асосий фондлар билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Асосий фондлар қиймати,млн. сўм	1950	2200
2.Ходимларининг йиллик ўртача сони, киши	1410	1190
3.Бир ходимга тўғри келадиган фондлар	?	?

Минг сўм ҳисобида:
а) 1483:1682,7; б) 1383:1849; в) 1283:1482;
г) 1450:1570; д) 1383:1687,7.

55 Асосий фондлардан самарали фойдаланиш даражасини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Товар маҳсулоти, млн. сўм	3300	3000
2.Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати, млн. сўм	1950	2200
3.Фонд қайтими	?	?

а) 1,89:1,56; б) 1,79:1,66; в) 1,692:1,364; г) 1,59:1,26;
д) 1,69:1,56.

56 Асосий фондлардан самарали фойдаланиш даражасини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Товар маҳсулоти, млн. сўм	3300	3000
2.Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати, млн.сўм	1950	2200
3.Фонд қайтими	?	?

Маҳсулот ишлаб чиқариш ўзгаришига фондлар ҳажмининг таъсири:

а) 423,0; б) 523,0; в) 323,0; г) 623,0; д) 723,0.

57 Асосий фондлардан самарали фойдаланиш даражасини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Товар маҳсулоти, млн. сўм	3300	3000
2.Асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати, млн.сўм	1950	2200
3.Фонд қайтими	?	?

Маҳсулот ишлаб чиқариш ўзгаришига фонд қайтимининг таъсири:

а) 723,0; б) −823; в) —623; г) −721,6; д) 623.

58 Материаллардан самарали фойдаланиш даражасини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Товар маҳсулоти, млн.сўм	3300	3000
2.Материал сарфлар, млн.сўм	1870	2400
3.Материал сиғими	?	?

а) 0,58; 0,9; б) 0,60; 10; в) 0,54; 0,7; г) 0,57; 0,8; д) 0,59; 0,8.

59 Бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1	2	3
1.Улгуржи баҳода товар маҳсулоти, млн.сўм	3300	3000

1	2	3
2.Тўлиқ таннархдаги товар маҳсулот, сўм	3000	2800
3.Бир сўмлик товар ишлаб чиқариш учун сарфланган харажат, сўм	?	?

а) 0,90: 0,9; б) 0,89: 0,88; в) 0,92: 0,95; г) 0,91: 0,93; д) 0,89: 0,95.

60 Материал харажатларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.1 тонна мой ишлаб чиқариш учун сарфланган чигит, тонна	5,45	5,65
2.1 тонна чигитнинг баҳоси, минг сўм	110,0	120,0
3.Жами чигит сарфи, минг сўм	?	?

а) 599,5: 680; б) 599,5: 678; в) 600,5: 683; г)600:670; д) 599,5: 683.

61 Материал харажатларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.1 тонна мой ишлаб чиқариш учун сарфланган чигит, тонна	5,45	5,65
2.1 тонна чигитнинг баҳоси,минг сўм	110,0	120,0
3.Жами чигит сарфи, минг сўм	?	?

Жами шартли чигит сарфи, минг сўм:
а) 622,0; б) 621,5; в) 612,0; г) 618; д) 616.

62 Материал харажатларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1	2	3
1.1 тонна мой ишлаб чиқариш учун сарфланган чигит, тонна	5,45	5,65

1	2	3
2.1 тонна чигитнинг баҳоси, минг сўм	110,0	120,0
3.Жами чигит сарфи, минг сўм	?	?

Чигит баҳосининг ўзгариши:
а) 59,5; б) 56,5; в) −56,5; г) −59,5; д) 57,5.

63 Материал харажатларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.1 тонна мой ишлаб чиқариш учун сарфланган чигит, тонна	5,45	5,65
2.1 тонна чигитнинг баҳоси, минг сўм	110,0	120,0
3.Жами чигит сарфи, минг сўм	?	?

Чигит харажатларининг ўзгаришига таъсир этган омиллар, чигит сарфи нормасининг ўзгариши:
а) −30; б) −22; в) +36; г) +32,0 д) −36,0.

64 Истеъмол фонди ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Ходимлар сони, киши	500	450
2.Жами истеъмол фонди млн.сўм		
3.Бир ходимга тўғри келадиган истеъмол фонди, млн. сўм	2500 ?	2700 ?

а) 5; 6; б) 4,9; 6,2; в) 5,0; 6,4; г) 5,3; 6; д) 5,2; 6,1.

65 Истеъмол фонди ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Ходимлар сони, киши	500	450
2.Жами истеъмол фонди, млн.сўм		
3.Бир ходимга тўғри келадиган истеъмол фонди, млн. сўм	2500 ?	2700 ?

Ходимлар сони ўзгаришининг жами истеъмол фондга таъсири:
а) +260; б) +240; в)+265; г) —250; д) —240.

66 Истеъмол фонди ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Ходимлар сони, киши	500	450
2.Жами истеъмол фонди, млн.сўм		
3.Бир ходимга тўғри келадиган истеъмол фонди, млн. сўм	2500 ?	2700 ?

Истеъмол ставкасининг ўзгариши:
а) -60; б) +45; в) -65; г) -50; д) 65.

67 Жами ҳисоб натижасида олинган фойда суммасини ҳисобланг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Маҳсулот сотишдан олинган фойда, млн. сўм	300	240
2.Операцион даромадлар	40	50
3.Молиявий фаолиятдан фойда	9	7
4.Фавқулодда чиқимлар	26	32
Жами ҳисоб фойдаси	?	?

а) 323:260; б) 323:255; в) 343:265; г) 323:265;
д) 343:255.

68 Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳақиқий сотиш ҳажми ўтган йил баҳосида	Ҳисобот йили
1.Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум, млн. сўм	3200	3100	3000
2.Сотилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархи, млн.сўм	2750	2700	2650
3.Молиявий натижа (фойда), млн.сўм.	?	?	?

а) 450: 500: 400; б) 900: 300: 350; в) 450:400: 350; г) 450: 400: 300; д) 450: 300: 400.

69 Маҳсулотларни сотишдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳақиқий сотиш ҳажми ўтган йил баҳосида	Ҳисобот йили
1. Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум, млн. сўм	3200	3100	3000
2. Сотилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархи, млн.сўм	2750	2700	2650
3. Молиявий натижа (фойда), млн.сўм	?	?	?

Баҳо ўзгаришининг фойда ҳажмига таъсири:
а) 200; б)+100; в) -200; г) -100; д) 150.

70 Маҳсулотларни сотишдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳақиқий сотиш ҳажми ўтган йил баҳосида	Ҳисобот йили
1. Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум, млн. сўм	3200	3100	3000
2. Сотилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархи, млн.сўм	2750	2700	2650
3. Молиявий натижа (фойда), млн.сўм	?	?	?

Таннархнинг ўзгариши ва унинг фойда ҳажмига таъсири:
а) —50; б) —100; в) 50; г) 100; д) —150.

71 Маҳсулотларни сотишдан олинган фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳақиқий сотиш ҳажми ўтган йил баҳосида	Ҳисобот йили
1	2	3	4
1. Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум, млн.сўм	3200	3100	3000

1	2	3	4
2. Сотилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархи, млн.сўм	2750	2700	2650
3. Молиявий натижа (фойда), млн.сўм	?	?	?

Бошқа омиллар таъсири:
а) 250; б) 150; в) 180; г) -100; д) -50.

72 Рентабеллик ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Сотилган маҳсулотнинг таннархи, млн.сўм	2750	2650
2. Маҳсулотни сотишдан олинган фойда, млн.сўм	500	450
3. Рентабеллик, фоиз	?	?

а) 18,2:17,0; б)19:16; в)18,0:17,3; г)17:18; д)19:18.

73 Рентабеллик ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Сотилган маҳсулотнинг таннархи, млн.сўм	2750	2650
2. Маҳсулотни сотишдан олинган фойда, млн.сўм	500	450
3. Рентабеллик, фоиз	?	?

Шартли рентабеллик:
а) 18,4; б) 18,7; в) 18,6; г) 18,9; д) 18,8.

74 Рентабеллик ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Сотилган маҳсулотнинг таннархи, млн.сўм	2750	2650
2. Маҳсулотни сотишдан олинган фойда, млн.сўм	500	450
3. Рентабеллик, фоиз	?	?

Таннарх ўзгаришининг рентабелликка таъсири:
а) 1,2; б) 0,7; в) 1,9; г) —0,7; д) —1,9.

75 Рентабеллик ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг?

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Сотилган маҳсулотнинг таннархи, млн.сўм	2750	2650
2. Маҳсулотни сотишдан олинган фойда, млн.сўм	500	450
3. Рентабеллик, фоиз	?	?

Фойда ҳажмининг ўзгариши ва унинг рентабелликка таъсири:

а) 0,6; б) —0,7; в) —1,9; г) +1,9; д) 0,7.

76 Нималар узоқ муддатли активларни ташкил этади?

1) асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва фойданинг ишлатилиши;

2) асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал қўйилмалар, узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, ўрнатилган асбоб-ускуналар, таъсисчилар билан ҳисоб-китоб ва бошқа оборотдан ташқари активлар;

3) асосий воситалар, номоддий активлар, капитал сарф ва аванслар, узоқ муддатли капитал жамғармалар, бойликлар бўйича ҳисоблашишлар, бошқа оборотдан ташқари активлар;

4) асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, шўъба корхоналар акциялари ва уюшма корхоналардаги акциялар ва берилган қарзлар, узоқ муддатли инвестициялар, бошқа активлар;

5) асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва бошқа инвестициялар.

77 Қайси бир корхона балансида узоқ муддатли активлар қиймати тўғри акс эттирилган?

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
Асосий воситалар:					
• Бошланғич баҳода (01)	24000	26000	22000	20000	24000
• Эскириш (02)	5040	10000	4050	3500	4000
• Қолдиқ баҳода	18960	16000	17950	16500	20000
Номоддий активлар:					
• Бошланғич баҳода (04)	3200	3400	3000	2900	3000
• Эскириши (05)	600	800	500	550	1000
• Қолдиқ баҳода	2600	2600	2500	2350	2000
Бошқа оборотдан ташқари активлар	430	500	530	520	600
Жами	27690	19900	20980	19920	26600

78 Корхонанинг мажбуриятлари таркибига нималар киради?

а) қисқа ва узоқ муддатли кредитлар, муддатида узилмаган ссудалар ва бошқа қарзга олинган маблағлар;

б) қисқа, ўрта ва узоқ муддатга олинган қарз маблағлар, ссудалар ва бошқа қарзлар;

в) қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар, муддатида қайтарилмаган ссудалар, қисқа ва узоқ муддатга қарзга олинган маблағлар, кредиторлар билан ҳисобкитоблар;

г) қисқа ва узоқ муддатли кредит ва қарзлар, харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар ва кредиторлар;

д) узоқ ва қисқа муддатли қарзлар.

79 Моддий айланма маблағлар таркиби нималардан иборат?

а) захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, тайёр маҳсулот, товарлар, бошқа захира ва харажатлар;

б) захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, тайёр маҳсулотлар, товарлар, қолдиқ товарлар, муомила харажатлари, бошқа харажатлар:

в) захирлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр чиқимлари, тайёр маҳсулотлар, товарлар, бошқа захиралар ва харажатлар;

г) ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот;

д) ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, олиб сотиладиган товарлар ва келгуси давр сарфлари.

80 Қуйидаги кўрсаткичлардан қайси бири корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқроқ ифодалайди?

а) жами маблағ таркибидаги корхонанинг ўзига қарашли маблағ улуши;

б) ўзига қарашли айланма маблағ билан жами ўзига қарашли маблағ ўртасидаги нисбат;

в) мажбуриятлар билан ўз маблағи ўртасидаги нисбат;

г) мажбуриятлар билан жами маблағ ўртасидаги нисбат;

д) жами мажбуриятлар.

81 Қайси корхона ўзига қарашли айланма маблағлар манбаи билан етарли таъминланган?

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1.Ўз маблағлари ва узоқ муддатли қарзлар	26000	24000	20000	18000	16000
2.Узоқ муддатли активлар	22000	21000	15000	14000	13000
3.Ўзига қарашли айланма маблағлар	?	?	?	?	?
4.Захира ва харажатлар	7000	6000	5000	3000	3000
5.Ўзига қарашли айланма маблағларининг ортиқчалиги (+) ёки етишмаслиги (-) (3-4)	?	?	?	?	?

82 Айланма маблағлар ҳаракатини аниқлаш формуласи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) $\frac{\text{захира ва харажатлар}}{\text{жами мулк}}$;

б) $\frac{\text{пул маблағлари}}{\text{жами мулк}}$;

в) $\frac{\text{захира ва харажатлар+пул маблағлари}}{\text{жами мулк}}$;

г) $\frac{\text{айланма активлар}}{\text{жами мулк}}$;

д) $\frac{\text{дебитор қарзлар}}{\text{жами мулк}}$.

83 Эскириш коэффициенти қандай аниқланади?

а) $\frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш суммаси}}{\text{асосий воситалар}}$;

б) $\frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш суммаси}}{\text{жами мулк}}$;

в) $\frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш суммаси}}{\text{асосий воситалар,номоддий активлар}}$;

г) $\frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш суммаси}}{\text{узоқ муддатли активлар}}$;

д) $\frac{\text{асосий воситаларнинг эскириш суммаси}}{\text{айланма активлар}}$.

84 Қуйидаги кўрсаткичлардан қайси бири жорий тўлов қобилиятини ифодалайди?

а) $\frac{\text{пул маблағлари}}{\text{қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари}}$;

б) $\frac{\textit{пул маблағлари ва бошқа активлар}}{\textit{қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари}}$;

в) $\frac{\textit{пул маблағлари + қимматли қоғозлар}}{\textit{қисқа муддатли тўлов мажбуриятлари}}$;

г) $\frac{\textit{айланма активлар}}{\textit{мажбуриятлар}}$;

д) $\frac{\textit{дебиторлар}}{\textit{кредиторлар}}$.

85 Қуйидаги маълумотларга кўра қайси бир корхона кўпроқ молиявий барқарорликка эгалигини кўрсатинг:

(минг сўм)

Пассивлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1.Ўз маблағлари	24	20	18	14	12
2.Мажбуриятлар	12	9	3	6	4
Жами	36	29	21	20	16

86 Қайси корхонанинг мулки тез пулга айланувчан (ликвид)лигини кўрсатинг:

(минг сўм)

Пассивлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1.Узоқ муддатли активлар	21	15	14	17	30
2.Захира ва харажатлар	6	5	3	6	8
3.Пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар	9	10	4	4	12
Жами	36	30	21	27	40

87 Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти қандай аниқланади?

а) $\frac{\textit{маҳсулотни сотишдан тушган тушум + тайёр маҳсулот}}{\textit{айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати}}$;

б) маҳсулотни сотишдан тушган тушум / айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати;

в) сотилган маҳсулотнинг таннархи / айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати;

г) сотилган маҳсулотнинг таннархи / жами мулк;

д) маҳсулотни сотишдан тушган тушум / айланма активлар.

88 Қайси бир корхонада айланма маблағларининг айланиши тезроқ?

Кўрсаткичлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1. Маҳсулотни сотишдан тушган тушум, минг сўм	28	27	26	22	20
2. Айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати, минг сўм	12	11	8	7	6
3. Айланиш коэффициенти	2,93	2,45	3,25	3,25	3,33

89 Қайси бир корхона юқори молиявий барқарорликка эга?

Кўрсаткичлар	Корхоналар				
	А	Б	В	Г	Д
1. Ўз маблағлари, млн.сўм	900	800	700	600	500
2. Жами мулк, млн.сўм	1800	1700	1350	1400	1200
3. Молиявий барқарорлик	?	?	?	?	?

90 Фирманинг пул маблағлари қандай фаолиятларда ҳаракат қилади?

а) ҳўжалик, инвестиция, солиққа тортиш ва ташқи иқтисодий фаолиятларда;

б) ҳўжалик, инвестиция, солиққа тортиш ва молиявий фаолиятларда;

в) ҳўжалик, инвестиция, солиққа тортиш ва валюта маблағлар ҳаракатида;

г) хўжалик, инвестиция, солиққа тортиш ва ижара мажбуриятларида;
д) хўжалик, инвестиция, солиққа тортиш ва акция чиқаришда.

91 Хўжалик фаолиятида пул маблағлари ҳаракати нималардан ташкил топади?
а) харидор ва мол етказиб берувчиларга пул кирими ва чиқимидан;
б) ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул кирими ва чиқимидан;
в) турли хил пулли тўловлар ва тушумлардан;
г) харидор ва мол етказиб берувчилар, ходимлар ва бошқа турли хил тўлов ва тушумлардан;
д) харидор ва мол етказиб берувчилардан пул кирими ва чиқими валюта маблағлар ҳаракатидан.

92 Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдаги пул маблағлари ҳаракати таҳлилида қандай маълумотлар ўрганилади?
а) олинган ва тўланган фоизлар, харидор ва мол етказувчилар билан пулли ҳисоблашишлар;
б) олинган ва тўланган дивидендлар;
в) тўланган солиқлар, бошқа пулли тўловлар;
г) олинган ва тўланган фоиз, дивидендлар ва солиқлар;
д) олинган, тўланган фоиз ва дивидендлар.

93 Инвестиция фаолиятидаги пул маблағлари ҳаракати таҳлилида нималар ўрганилади?
а) номоддий ва узоқ муддатли активларни олиш ва сотишдаги пул маблағлари ҳаракати;
б) харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалардаги пул маблағлари ҳаракати;
в) жами инвестиция фаолиятидаги соф пул оқимининг кирим ва чиқими;
г) узоқ муддатли активлар олиш ва сотиш;
д) узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар олиш ва сотиш.

94 Молиявий фаолиятдаги пул оқимини таҳлил қилишда асосий ўрганиладиган кўрсаткичларни белгиланг:

а) акция чиқаришдан, узоқ, қисқа муддатли қарзлар ва ижара мажбуриятлар бўйича кирим ва чиқим;
б) олинган ва тўланган фоизлардан кирим ва чиқим;
в) олинган ва тўланган дивидендлардан кирим ва чиқим;
г) тўланган солиқлар бўйича чиқим;
д) ижара мажбуриятлари бўйича соф кирим ва чиқим.

95 Қуйида қайд қилинган қайси маълумотлар валюта маблағлари ҳаракатини тўлиқ ифодалайди?

а) валюта маблағларининг кирими;
б) валюта маблағларининг чиқими;
в) валюта маблағларини ҳисобот даври бошидаги қолдиғи;
г) валюта маблағларининг йил бошидаги қолдиғи;
д) йил бошидаги қолдиқ, жами тушум ва чиқим, йил охиридаги қолдиқ.

96 Хусусий капитал нималардан иборат?

а) устав, қўшилган ва резерв капиталдан;
б) устав, қўшилган ва резерв капитал, тақсимланмаган фойдадан;
в) хусусий капитал билан қопланмаган зарарлардан;
г) ҳиссадорлик капиталининг ўсишидан;
д) қимматбаҳо қоғозлар ва асосий воситаларни қайта баҳоланишидан.

97 Қайси бир фирмада пул ва унга тенглаштирилган маблағларнинг йил охиридаги қолдиғи тўғри аниқланган?

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Фирмалар				
	А	Б	В	Г	Д
1	2	3	4	5	6
1. Хўжалик фаолиятидан тушган пул маблағлар соф кирими / чиқими	1500	1600	1400	1400	1300

1	2	3	4	5	6
2. Инвестиция фаолиятидан тушган пул маблағлар соф кирими/ чиқими	-400	-600	-500	-600	-400
3. Молиявий фаолиятдан тушган пул маблағлари соф кирими/чиқими	-300	+500	-500	+400	-150
4. Тўланган солиқлар	-500	-600	-400	-450	-350
5. Ҳисобот йили бошидаги қолдиқ	400	400	400	400	400
6. Йил охиридаги қолдиқ	500	400	400	450	850

98 Қуйидаги маълумотлар асосида ўз оборот маблағларининг мавжуд суммасини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Сумма
1.Узоқ муддатли активлар	74184
2.Ўз маблағлари	85722
3.Узоқ муддатли пассивлар	2500

а) 11238; б) 14038; в) 8738; г) 83222; д) 71684.

99 Қуйидаги маълумотларга асосланган ҳолда «А» маҳсулотининг рентабеллик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқланг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1. Маҳсулотни сотиш баҳоси, сўм	2080	2090
2.Маҳсулотнинг тўлиқ таннархи, сўм	1530	1545
3.Фойда	550	545
4.Рентабеллик, фоиз	35,9	35,3; 35,6

Фойда ўзгаришининг таъсири:
а) −0,6; б) −0,5; в) −0,4; г) −0,3; д) −0,2.

100 Қуйидаги маълумотларга асосланган ҳолда «А» маҳсулотининг рентабеллик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқланг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1	2	3
1. Маҳсулотни сотиш баҳоси, сўм	2080	2090

1	2	3
2. Маҳсулотнинг тўлиқ таннархи, сўм	1530	1545
3.Фойда	550	545
4.Рентабеллик, фоиз	35,9	35,3; 35,6

Таннарх ўзгаришининг таъсири:
а) −0,3; б) −0,1; в) −0,2; г) +0,9; д) −0,4.

101 Қуйидаги маълумотлар асосида маҳсулот реализациясидан кўрилган ялпи фойда миқдорини аниқланг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Сумма
1.Маҳсулот реализациясидан келган тушум	106850
2.Қўшилган қиймат солиғи	20113
3.Акциз солиғи	726
4.Бошқа солиқлар	168
5.Реализация қилинган маҳсулот таннархи	65196

а) 41654; б) 40760; в) 21541; г) 20815; д) 20647.

102 Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб солиқ тўлашга қадар бўлган молиявий натижани аниқланг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Сумма
1. Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум	186850
2.Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи	84360
3.Даврий харажатлар	47630
4.Олинган дивидендлар	5360
5.Тўланган дивидендлар	6200
6.Тўланган фоизлар	9350
7.Ўтган йилларга тегишли бўлган фойда	50
8.Солиқ тўлашга қадар умумий молиявий натижа	?

а) 44670; б) 44720; в) 44620; г) 44820; д) 44770.

103 Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасини аниқланг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Сумма
1.Сотишдан кўрилган молиявий натижа	298,0
2.Сотиш харажатлари	46,0
3.Маъмурий харажатлар	51,8
4.Асосий фаолиятдан кўрилган:	
а) даромадлар	7,640
б) зарарлар	12,1
5.Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси	?

а) 200,20; б) 188,10; в) 195,74; г) 276,6; д) 276,9.

104 Товар маҳсулотининг материал сиғимини аниқланг ва уни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили
1.Материал харажатлар, минг сўм	3200	3600
2. Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум, минг сўм	5900	6000
3. Материал сиғими	?	?

а) 0,53:0,59; б) 0,54:0,61; в) 0,54:0,64; г) 0,53:0,61; д) 0,54:0,60.

105 Баҳо ва меъёр ўзгаришининг материал харажатлар қийматига таъсирини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи
1.Материал миқдори, кг	30	25	-5
2. 1 кг баҳоси,сўм	4,5	5	+0,5
3. Сумма, сўм	135	125	-10

Меъёр ўзгаришининг таъсири:
а) −5; б) −4,5; в) −20; г) −22,5; д) −11.

106 Баҳо ва меъёр ўзгаришининг материал харажатлар қийматига таъсирини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи
1.Материал миқдори, кг	30	25	-5
2. 1 кг баҳоси,сўм	4,5	5	+0,5
3. Сумма, сўм	135	125	-10

Баҳо ўзгаришининг таъсири:
а) 15; б) +10,5; в) 12,5; г) +0; д) 1.

107 Соф фойда суммасини аниқланг ва фаолият якунига изоҳ беринг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)	Ўсиш суръати
1	2	3	4	5
1.Маҳсулотни сотишдан келган тушум (қўшилган қиймат солиғи,акциз солиғисиз)	4583,3	5694,5	+1111,2	124,3
2.Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи (иш, хизмат)	3951,2	4841,7	+890,5	122,5
3.Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)дан олинган ялпи фойда (1-2)	632,1	852,8	+220,7	134,9
4.Давр харажатлари (маҳсулотни сотиш, бошқариш ва бошқа операцион харажатлар)	152,4	178,3	+25,9	117,0
5.Бошқа операцион даромад	31,3	37,2	+5,9	18,8
6. Асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар натижаси (фойда + зарар)	+511,0	+711,7	+200,7	140,6
7.Молиявий фаолият натижаси (+,-)	+71,2	+80,4	+9,2	112,9

1	2	3	4	5
8.Тасодифий фойда, зарарлар	+11,4	+8,3	-3,1	72,8
9.Солиқ тўлагунга қадар фойда,зарар (+,-) (6+7+8)				
10.Солиқлар -38%				
11.Соф фойда	?	?	?	?

а) 593,6 800,4 +206,8 134,8;
б) 368,0 496,2 +128,2 134,8;
в) 225,6 304,2 +78,6 134,8;
г) 511,0 711,7 +200,7 140,6;
д) 632,1 852,8 +220,7 134,9.

108 Ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг. Фойда ўзгариши таъсирини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Асос йилида	Ҳисобот йилидаги маҳсулот шу давр баҳоси ва базис йили таннархида	Ҳисобот йилидаги маҳсулот асос йили баҳоси ва ҳисобот йили таннархида	Ҳисобот йилида
1.Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг тўла таннархи	3951,2	3951,2	4841,7	4841,7
2.Сотилган маҳсулотнинг қиймати	4583,3	5694,5	4745,4	5694,5
3.Ялпи фойда (2-1)	+632,1	+1743,3	-96,3	+852,8

Сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши:
а) +1111,2; б) 110,2; в) 0; г) 949,1; д) 852,8.

109 Ялпи фойда ўзгаришига маҳсулот таннархининг таъсирини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Базис йилида	Ҳисобот йилидаги маҳсулот шу давр баҳоси ва базис йили таннархида	Ҳисобот йилидаги маҳсулот базис йили баҳоси ва ҳисобот йили таннархида	Ҳисобот йилида
1. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг тўла таннархи	3951,2	3951,2	4841,7	4841,7
2. Сотилган маҳсулот қиймати	4583,3	5694,5	4745,4	5694,5
3. Ялпи фойда (2-1)	+632,1	+1743,3	-96,3	+852,8

Фойда ўзгаришида маҳсулот таннархи ўзгаришининг таъсири:

а) 890,5; б) —1839,6; в) 0; г) +890,5; д) 1839,6.

110 Ялпи фойда ўзгаришига маҳсулот баҳоси ўзгаришининг таъсирини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Базис йилида	Ҳисобот йилидаги маҳсулот шу давр баҳоси ва базис йили таннархида	Ҳисобот йилидаги маҳсулот базис йили баҳоси ва ҳисобот йили таннархида	Ҳисобот йилида
1. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг тўла таннархи	3951,2	3951,2	4841,7	4841,7
2. Сотилган маҳсулот қиймати	4583,3	5694,5	4745,4	5694,5
3. Ялпи фойда (2-1)	+632,1	+1743,3	-96,3	+852,8

Баҳо ўзгаришининг ялпи фойда ўзгаришига таъсири:
а) +949,1; б) —949,1; в) 0; г) 162,1; д) —162,1.

111 Бизнес режада кўзда тутилган фойда суммаси қандай аниқланади?

а) Маҳсулот ҳажми=ялпи харажат+фойда;

б) Маржинал фойда=маҳсулот ҳажми—ўзгарувчан харажатлар;

в) Фойда=маҳсулот ҳажми—сотиш ҳажмига солинган солиқлар—ўзгарувчан харажатлар;

г) Фойда=маҳсулот ҳажми—доимий харажатлар;

д) Фойда=маҳсулот ҳажми—доимий харажатлар—ўзгарувчан харажатлар.

112 Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг фойдалилик нуқтаси қандай аниқланади?

а) $Ф_н = \dfrac{\text{доимий харажатлар}}{\text{1 та маҳсулотдан олинадиган маржинал фойда}}$;

б) $Ф_н = \dfrac{\text{доимий харажатлар+ўзгарувчан харажатлар}}{\text{маҳсулот ҳажми}}$;

в) $Ф_н = \dfrac{\text{қоплов фойдаси}}{\text{доимий харажатлар салмоғи}}$;

г) $Ф_н = \dfrac{\text{маҳсулот ҳажми}}{\text{даврий харажатлар}}$;

д) нотўғри жавоб йўқ.

113 Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг фойдалилик нуқтасини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Сумма
1	2
1.1 та маҳсулотнинг сотиш баҳоси, сўм	130
2.1 та маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар, сўм	90
3.Шу маҳсулотдан олинадиган маржинал фойда	40

1	2
4. Таҳлил даври учун зарур бўлган доимий харажатлар, сўм	?
5. Фойдалилик нуқтаси (Фн) ёки критик маҳсулот ҳажми (Ук)	?

а) 500 дона; б) 200 дона; в) 153 дона; г) 222 дона; д) 550 дона.

114 Критик ҳажм даражасининг ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?

а) ҳажм ўзгариши, баҳо ўзгариши;

б) ҳажм ўзгариши, баҳо ўзгариши, доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўзгариши;

в) ҳажм ўзгариши, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши;

г) доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўзгариши;

д) ҳажм ўзгариши, баҳо ўзгариши, доимий ва ўзгарувчан харажатлар, ташкилий ўзгаришлар, солиқлар ўзгариши.

115 Бизнес режада кўзда тутилган фойда суммасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот ҳажми (Мх) қандай аниқланади?

а) $Мх = \dfrac{фойда}{тушум\text{-}ишлаб\ чиқариш\ харажатлари}$;

б) Мх=маҳсулот бирлиги баҳоси х маҳсулот миқдори ;

в) $Мх = \dfrac{фойда + доимий\ харажат}{маҳсулотнинг\ бир\ бирлигига\ тўғри\ келадиган\ фойда}$;

г) Мх= доимий харажатлар+ўзгарувчан харажатлар + фойда;

д) Мх=доимий харажат + ўзгарувчан харажат.

116 Бизнес режада кўзда тутилган фойда суммасига эришиш учун зарур бўлган маҳсулот ҳажмини аниқланг:

Кўрсаткичлар	Сумма
1.1 та маҳсулотнинг сотилиш қиймати, сўм	2000
2.1 та маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар, сўм	1600
3.Шу маҳсулотдан маржинал фойда, сўм	+400
4.Доимий харажатлар, сўм	50000
5.Бизнес режада кўзда тутилган фойда, сўм	30000
6.Бизнес режага киритиладиган маҳсулот ҳажми	?

а) 125 дона; б) 75 дона; в) 200 дона; г) 40 дона; д) 50 дона.

117 Қопланмаган зарар молиявий ҳисобот балансининг қайси томонида ва қайси бўлимида кўрсатилади?

а) актив томонининг 2-бўлими охирида алоҳида зарарлар қаторида;

б) пассив томонининг 1-бўлимида қопланмаган зарар қаторида минусли ишора билан;

в) пассив томонининг 2-бўлимида алоҳида қатор сифатида;

г) балансда зарар суммаси хусусий капитал билан қопланиши туфайли кўрсатилмайди;

д) актив томонининг 1-бўлими охирида бошқа активлар қаторида.

118 Молиявий мустаҳкамлик деганда нима тушунилади?

а) корхонанинг ўз мажбуриятларини қоплашда пул маблағларининг ортиқчалиги;

б) фаолият натижасида барча харажатларни қоплаб фойда олишни таъминлашга эгалиги;

в) устав капиталининг юқори даражадалиги;

г) тўловга қобиллик даражасининг юқорилиги;

д) корхонанинг молиявий барқарорлиги.

119 Рентабеллик таҳлилидан қандай мақсад кўзда тутилади?

а) бозор иқтисоди шароитида фойдалилик кўрсаткичларининг янги тизимини, уларни аниқлаш, таҳлил қилиш йўлларини белгилашдан, унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, ички имкониятларни ахтариб топиш орқали корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг йўлларини белгилаб беришдан иборат;

б) корхона фаолияти ва унинг натижавийлигини бой берилган имкониятларини кўрсатиб беришдан;

в) фаолият натижавийлигининг йиллар бўйича ўзгаришга баҳо беришдан;

г) фаолият натижавийлигига баҳо беришнинг кўрсаткичларини белгилашдан;

д) корхона фаолияти ва унинг натижавийлигини назорат қилишдан.

120 Қуйидагилардан қайси бири рентабеллик кўрсаткичларини тўлиқ ифодалайди?

а) корхона активлари рентабеллиги, соф рентабеллик, хусусий капитал рентабеллиги, маҳсулот турлари бўйича рентабеллик, модда харажатларга нисбатан рентабеллик, қарзга олинган маблағлар рентабеллиги, узоқ муддатли молиявий жамғармалар рентабеллиги, 1 та акцияга тўғри келадиган фойда;

б) мулкка нисбатан рентабеллик, сотилган маҳсулот рентабеллиги, алоҳида маҳсулотлар рентабеллиги, умумий рентабеллик;

в) фондларга нисбатан рентабеллик, маҳсулот турлари бўйича рентабеллик;

г) асосий ва оборот фондларга нисбатан рентабеллик, харажатларга нисбатан рентабеллик;

д) корхона жами активлари рентабеллиги, умумий рентабеллик, хусусий маблағлар рентабеллиги, алоҳида маҳсулотлар рентабеллиги.

121 Корхона активларига нисбатан рентабеллик қандай аниқланади?

а) $\frac{\text{соф фойда} \times 100}{\text{корхона активлари жами}}$;

б) $\frac{\text{соф фойда x 100}}{\text{баланснинг 1-бўлими жами}}$;

в) $\frac{\text{корхона активлари, жами}}{\text{соф фойда}}$;

г) $\frac{\text{соф фойда x 100}}{\text{асосий фондлар+айланма фондлар}}$;

д) $\frac{\text{соф фойда}}{\text{корхонанинг уз маблағлари.}}$

122 Корхона активларига нисбатан рентабелликни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+,–)
1. Корхона активлари жами, минг сўм	8050	9540	+1490
2. Соф фойда, минг сўм	490,0	760,0	+270
3. Рентабеллик, фоиз	?	?	?

а) 6,0 7,9 +1,9;
б) 16,4 12,5 +3,8;
в) 7,56 8,78 +1,22;
г) 75,6 87,8 12,2;
д) 60,0 79,0 +19.

123 Сотилган маҳсулот рентабеллиги қандай аниқланади?

а) $\frac{\text{маҳсулотни сотишдан тушган тушум x 100}}{\text{ялпи фойда}}$;

б) $\frac{\text{сотишдан ялпи даромад x 100}}{\text{маҳсулот сотишдан тушган тушум}}$;

в) $\frac{\text{сотишдан ялпи фойда x 100}}{\text{маҳсулот сотишдан тушган соф тушум}}$;

г) $\frac{\text{маҳсулотни сотишдан тушган ялпи тушум} \times 100}{\text{ялпи сарфлар}}$;

д) $\frac{\text{маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда} \times 100}{\text{муомила харажатлари}}$.

124 Ўз маблағлари рентабеллиги қандай аниқланади?

а) $\frac{\text{ўз маблағлари} \times 100}{\text{соф фойда}}$;

б) $\frac{\text{устав капитали} \times 100}{\text{соф фойда}}$;

в) $\frac{\text{соф фойда} \times 100}{\text{устав капитали}}$;

г) $\frac{\text{соф фойда} \times 100}{\text{хусусий капитал}}$;

д) $\frac{\text{соф фойда} \times 100}{\text{ўз маблағлари жами}}$

125 Ўз маблағлар рентабеллигини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+,–)
1. Корхонанинг ўзига тегишли маблағлар, минг сўм	95045	100706	+5661
2.Соф фойда, минг сўм	24836	31000	+6164
3.Рентабеллик, фоиз	?	?	?

а) 3,8 3,2 -0,6;
б) 38,2 32,4 -5,8;
в) 26,1 30,7 +4,6;
г) 2,61 3,07 +0,46;
д) 70,2 69,7 -0,5.

126 Ишлаб чиқариш фондлари бўйича рентабеллик қандай аниқланади?

а) $\frac{\text{соф фойда} \times 100}{\text{корхона активлари жами}}$;

б) $\frac{\text{фойда} \times 100}{\text{асосий воситалар+айланма маблағлар}}$;

в) $\frac{\text{фойда} \times 100}{\text{актив фондлар+ пассив фондлар}}$;

г) $\frac{\text{фойда} \times 100}{\text{баланс активи 1-бўлим + 2-бўлим жами}}$

127 Корхонанинг рентабеллик даражасини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+,—)
1. Балансдаги фойда, минг сўм	553,4	574,0	+20,6
2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1459,5	1495,8	+36,3
3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	719,2	689,2	—30,0
4. Рентабеллик даражаси, фоиз	?	?	?

а) 37,9 38,3 +0,4;
б) 76,9 83,2 +6,3;
в) 3,79 3,83 +0,04;
г) 25,40 26,27 +0,87;
д) 2,54 2,62 +0,08.

128 Корхонанинг рентабеллигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Фойда ўзгариши билан	Асосий воситалар ўзгариши билан	Айланма маблағлар ўзгариши билан
1. Балансдаги фойда, минг сўм	461,2	478,4	478,4	478,4
2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1216,3	1216,3	1246,5	1246,5
3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	599,4	599,4	599,4	574,4
4. Рентабеллик, фоиз	25,40	26,35	25,92	26,27

Фойда ўзгариши ҳисобига:
а) +0,95; б) +0,35; в) −0,43; г) −0,32; д) 0,48.

129 Корхонанинг рентабеллигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Фойда ўзгариши билан	Асосий воситалар ўзгариши билан	Айланма маблағлар ўзгариши билан
1	2	3	4	5
1. Балансдаги фойда, минг сўм	461,2	478,4	478,4	478,4
2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1216,3	1216,3	1246,5	1246,5
3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	599,4	599,4	599,4	574,4

1	2	3	4	5
4. Рентабеллик, фоиз	25,40	26,35	25,92	26,27

Асосий воситалар қийматининг рентабелликка таъсири:

а) +0,43; б) +0,35; в) −0,43; г) −0,32; д) +0,48.

130 Корхонанинг рентабеллигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Фойда ўзгариши билан	Асосий воситалар ўзгариши билан	Айланма маблағлар ўзгариши билан
1. Балансдаги фойда, минг сўм	461,2	478,4	478,4	478,4
2. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	1216,3	1216,3	1246,5	1246,5
3. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	599,4	599,4	599,4	574,4
4. Рентабеллик, фоиз	25,40	26,35	25,92	26,27

Айланма маблағлар ўзгаришининг рентабелликка таъсири:

а) +0,35; б) −0,35; в) −0,43; г) −0,95; д) +0,95.

131 Корхонанинг рентабеллик даражасини аниқланг ва баҳо беринг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+; −)
1	2	3	4
1. Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	25430,7	27180,5	+174,8

1	2	3	4
2.Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	47182	45185	—1997
3.Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	15610	20110	—4500
4.Маҳсулотнинг фойдалилиги, фоиз	1,85	1,66	+0,19
5.Айланма маблағларнинг маҳсулотда тўпланиши, фоиз	0,61	0,73	0,12
6.Балансдаги фойда, минг сўм	4610,2	4780,4	+170,2
7.Фойданинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси, фоиз	18,1	17,5	—0,6
8. Рентабеллик даражаси, фоиз	?	?	?

а) 7,35 7,3 −0,03;
б) 8,41 8,97 +0,56;
в) 18,1 17,5 −0,6;
г) 9,8 10,5 +0,7;
д) 29,5 33,7 −5,8.

132 Корхона рентабеллигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Фойда ўзгариши билан	Асосий воситалар ўзгариши билан	Айланма маблағлар ўзгариши билан
1	2	3	4	5
1.Фойданинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси, тийин	18,1	17,5	17,5	17,5
2.Маҳсулотнинг фойдалилиги, фоиз	1,85	1,85	1,66	1,66

1	2	3	4	5
3.Айланма маблағларнинг маҳсулотда тўпланиши, коэф., фоиз	0,61	0,61	0,61	0,73
4.Рентабеллик, фоиз	?	?	?	?

Таъсир этувчи омиллар: фойда ўзгаришининг таъсири
а) −0,24; б) +0,24; в) −0,03; г) +0,03; д) 0,59.

133 Корхона рентабеллигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Фойда ўзгариши билан	Асосий воситалар ўзгариши билан	Айланма маблағлар ўзгариши билан
1.Фойданинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси, тийин	18,1	17,5	17,5	17,5
2.Маҳсулотнинг фойдалилиги, фоиз	1,85	1,85	1,66	1,66
3.Айланма маблағларнинг маҳсулотда тўпланиши, фоиз	0,61	0,61	0,61	0,73
4.Рентабеллик, фоиз	?	?	?	?

Маҳсулотнинг фойдалилик коэффициенти ўзгаришининг рентабелликка таъсири:
а) −0,24; б) +0,24; в) −0,59; г) +0,59; д) −0,38.

134 Корхона рентабеллигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Фойда ўзгариши билан	Асосий воситалар ўзгариши билан	Айланма маблағлар ўзгариши билан
1. Фойданинг сотилган маҳсулотдаги хиссаси, тийин	18,1	17,5	17,5	17,5
2. Маҳсулотнинг фойдалилиги, фоиз	1,85	1,85	1,66	1,66
3. Айланма маблағларнинг маҳсулотда тўпланиши, фоиз	0,61	0,61	0,61	0,73
4. Рентабеллик, фоиз	?	?	?	?

Айланма маблағларнинг маҳсулотда тўпланиш коэффициенти ўзгаришининг рентабелликка таъсири:
а) −0,24; б) +0,24; в) +0,59; г) -0,38; д) 0.

135 Сотилган маҳсулот рентабеллигини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (+; −)
1. Сотилган маҳсулот жами, минг сўм	4583,3	5694,5	+1111,2
2. Сотишдан олинган фойда, минг сўм	632,1	852,8	+220,7
3. Рентабеллик, фоиз	?	?	?

Рентабеллик даражасини аниқланг:
а) 7,25 6,67 −0,58;
б) 72,5 66,7 −5,8;
в) 13,7 14,9 +1,2;
г) 0,13 0,14 +0,01;
д) 39,5 48,41 +8,91.

136 Маҳсулот рентабеллигига таъсир этадиган омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Сотишдан тушум ўзгариши билан	Сотишдан фойда ўзгариши билан
1. Маҳсулотни сотишдан тушган тушум, минг сўм	12600	13420	13420
2.Маҳсулотни сотишдан олинган фойда, минг сўм	840	840	960
3.Рентабеллик, фоиз	6,6	6,2	7,1

Маҳсулотни сотишдан тушган тушум ўзгаришининг рентабелликка таъсири:

а) +0,5; б) −0,5; в) −0,4; г) +0,4; д) +0,9.

137 Маҳсулот рентабеллигига таъсир этадиган омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Сотишдан тушум ўзгариши билан	Сотишдан фойда ўзгариши билан
1. Маҳсулотни сотишдан тушган тушум, минг сўм	12600	13420	13420
2.Маҳсулотни сотишдан олинган фойда, минг сўм	840	840	960
3.Рентабеллик, фоиз	6,6	6,2	7,1

Сотишдан олинган фойда суммаси ўзгаришининг рентабелликка таъсири:

а) +0,5; б) -0,5; в) -0,4; г) -0,9; д) +0,9.

138 Битта акцияга тўғри келадиган фойда суммасини аниқланг ва таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (−,+)
1	2	3	4
1.Соф фойда, минг сўм	1200	1810	610

1	2	3	4
2.Муомаладаги оддий акциялар сони	575	670	95
3.1 та акцияга тўғри келадиган базавий фойда, минг сўм	?	?	?

а) 625 1140 −515;
б) 0,47 0,37 −0,10;
в) 2,08 2,70 0,62;
г) 690,0 1212,7 +522,7;
д) 1775,0 2480 +705.

139 Битта акцияга тўғри келадиган базавий фойда суммасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Фойда ўзгариши билан	Акциялар сонининг ўзгариши билан
1. Соф фойда, минг сўм	11200	11810	11810
2.Акциялар сони	1575	1575	1670
3.1 та акцияга тўғри келадиган базавий соф фойда, минг сўм	7,11	7,49	7,07

Фойда ўзгаришининг 1 та акцияга тўғри келадиган базавий фойда ўзгаришига таъсири:
а) −0,42; б) +0,38; в) −0,38; г) +0,42; д) −0,04.

140 Битта акцияга тўғри келадиган фойданинг ўзгаришига акциялар сонининг таъсири:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Фойда ўзгариши билан	Акциялар сонининг ўзгариши билан
1	2	3	4
1. Соф фойда, минг сўм	11200	11810	11810

1	2	3	4
2.Акциялар сони	1575	1575	1670
3.1 та акцияга тўғри келадиган базавий соф фойда, минг сўм	7,11	7,49	7,07

Акциялар сонининг ўзгариши 1 та акцияга тўғри келадиган фойда ўзгаришидаги даражаси:
а) −0,42; б) +0,42; в) −0,04; г) +0,04; д) +0,38.

141 Битта акцияга тўғри келадиган фойда суммаси қандай топилади?

а) $\frac{\textit{соф фойда}}{\textit{оддий акциялар+имтиёзли акциялар сони}}$;

б) $\frac{\textit{соф фойда}}{\textit{оддий акциялар сони}}$;

в) $\frac{\textit{соф фойда}}{\textit{муомаладаги оддий акциялар сони}}$;

г) $\frac{\textit{соф фойда}}{\textit{йил бошида сотилган жами акциялар сони}}$;

д) $\frac{\textit{соф фойда}}{\textit{йил охирида сотилган жами акциялар сони}}$.

142 Пул оқими деганда нимани тушунасиз?
а) пул маблағлари киримини;
б) пул маблағлари чиқимини;
в) пул ва пул маблағларининг киримини ва чиқимини;
г) пул маблағларининг муайян давр оралиғидаги ҳаракатини;
д) пул балансини.

143 Пул оқими таҳлилининг асосий вазифаси нимадан иборат?
а) пул ва пул маблағлари ҳаракатидаги ўзгаришларни аниқлаш ва унга баҳо бериш;

б) пул ва пул маблағларидаги кирим ҳамда чиқим ўзгаришларига баҳо бериш;
в) пул маблағлари балансини тузиш;
г) пул маблағларини бошқариш юзасидан керакли маълумотларни тайёрлаш;
д) пул ва пул маблағлари кирими ҳамда чиқимининг аналитик қаторини йиллар бўйича ўрганиш.

144 Пул оқими таҳлили учун зарур маълумотлар қайси ҳисобот шаклларидан олинади?
а) пул оқими тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл), баланс (1-шакл) ва қўшимча маълумотлардан;
б) баланс 1-шаклдан;
в) молиявий ҳисоботнинг 5 шаклидан:
1-шакл — «Баланс»дан;
2-шакл — «Молиявий натижалар» тўғрисидаги ҳисоботдан;
3-шакл — «Асосий воситалар ҳаракати» тўғрисидаги ҳисоботдан;
4-шакл — «Пул оқими» тўғрисидаги ҳисоботдан;
5-шакл — «Хусусий капитал» тўғрисидаги ҳисоботдан;
г) пул маблағлари ҳаракати тўғрисида 2-журнал ордердан;
д) пул маблағлари ҳаракати тўғрисида 2-журнал ордер ва 51,52,55,56,57- счётлардан.

145 Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот қайси даврга тузилади?
а) йил бўйича;
б) чораклик, ярим йиллик, 9 ойлик, йиллик бўйича;
в) фақат чораклар бўйича;
г) ярим йиллик ва йиллик бўйича;
д) тўлиқ ҳисобот даври бўйича.

146 Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот қайси усулда тузилади?
а) тўғри ва эгри услубда;
б) баланс услубида;
в) тўғри услубда;
г) тўғри ва баланс усулида;
д) қаторли ва балансли усулда.

147 Валюта маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумот қайси ҳисобот шаклида илова қилинган?

а) 1-шакл — «Баланс»да;
б) 2-шакл — «Молиявий натижалар» тўғрисидаги ҳисоботда;
в) 4-шакл — «Пул оқими» тўғрисидаги ҳисоботда;
г) алоҳида маълумотнома тарзида;
д) 5-шакл — «Хусусий капитал» тўғрисидаги ҳисоботда.

148 Пул маблағлари ҳаракатдаги активларнинг қайси қаторига киради?

а) тез сотилувчи активларга;
б) доимий ҳаракатдаги активларга;
в) секин сотилувчи активларга;
г) айланма маблағларга;
д) захирага.

149 Тўловга қобилликнинг мутлақ коэффициентини аниқлашда пул оқимининг қайси кўрсаткичи олинади?

а) пул маблағларининг соф кирими;
б) пул маблағларининг кирим-чиқим ўзгаришидаги мусбат фарқ;
в) пул маблағларининг йил боши ва охиридаги нақд қолдиғи (валюта маблағларини қўшган ҳолда);
г) фақат операцион фаолиятдан нақд пул тушуми;
д) умумий фаолиятдан нақд пул тушумлари.

150 Операцион фаолиятдан тушган пул оқимининг ўзгаришини таҳлил қилинг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (—,+)
1	2	3	4
1.Харидор ва буюртмачилардан олинган пул маблағлари	30150	45225	+15075

1	2	3	4
2. Мол етказиб берувчи ишчиларга тўланган пул маблағлари	27600	34600	+7000
3. Жараёнлардан пул оқими	2550	10625	+8075
4. Тўланган фоизлар	270	2610	+2340
5. Даромаддан тўланган солиқ	900	1489	+589
6. Кутилмаган моддаларга қадар пул оқими	1380	6526	+5146
7. Суғурта тўловлари	180	420	+240
8. Операцион фаолиятдан соф пул оқими	?	?	?

а) 1200 6106 +4906;
б) 1560 6946 +5386;
в) 1170 4099 +2929;
г) 4240 24097 +19857;
д) 2550 10625 +8075.

151 Инвестицион фаолиятдан тушган пул оқимини таҳлил қилинг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (—,+)
1	2	3	4
1. Шўъба корхоналарни қабул қилиш	5500	6900	+1,400
2. Кўчмас мулк, бино ва иншоотларни сотиб олиш	4906	5610	+704
3. Асбоб-ускуналарни сотишдан тушган тушум	469	1840	+1371
4. Олинган фоизлар	290	360	+70

1	2	3	4
5.Олинган дивидендлар	210	540	+330
6.Инвестиция фаолиятига ишлатилган соф пул маблағлари оқими	?	?	?

а) −9437 −9770 +333;
б) +9437 +9770 +333;
в) +1563 +4030 +2467;
г) +11375 +15250 +3875;
д) +10875 +14350 +3475.

152 Молиявий фаолиятдаги пул оқимини таҳлил қилинг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (—,+)
1.Акциялар эмиссиясидан тушумлар	250	480	+230
2.Узоқ муддатли қарзлардан тушумлар	510	270	-240
3.Молиявий лизинг бўйича мажбуриятлар тўлови	240	120	-120
4.Тўланган дивидендлар	360	180	-180
5.Молиявий фаолиятдан тушган соф пул оқими	?	?	?

а) +160 +450 +290;
б) +320 +690 +370;
в) +1040 +1050 +10;
г) +560 +810 +250;
д) −160 −450 −290.

153 Пул оқимини таҳлил қилинг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (—,+)
1. Операцион фаолиятдан тушган соф пул оқими	+15600	+6946	+5386
2. Инвестицион фаолиятдан тушган соф пул оқими	-1210	+440	-770
3. Молиявий фаолиятдан тушган соф пул оқими	-1600	-4500	-2900
4. Пул маблағларининг йил бошидаги қолдиғи	498	1210	+712
5. Пул маблағларининг йил охиридаги қолдиғи	?	?	?

Йил охиридаги пул маблағлари қолдиғини аниқланг:

а) 13288 4096 +9192;
б) 12790 2886 +9904;
в) 12292 1676 +10616;
г) 498 1210 +712;
д) 16098 8156 −7942.

154 Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан мақсад нима?

а) пул маблағлари ҳаракатининг балансини тузиш;
б) маълумотдан фойдаланувчиларга корхонанинг пул маблағларини бошқарувидаги лаёқатига баҳо бериш;
в) пул маблағларининг фаолият шакли бўйича ҳаракатини кўрсатиш;
г) олинган нақд пул маблағларининг ҳисобот давридаги ҳолатини кўрсатиш;
д) пул маблағлари ҳаракатини бошқаришни ахборотлар билан таъминлаш.

155 Фойдалилик деганда нимани тушунасиз?

а) ялпи даромаднинг жами сарфларга нисбатининг қуйи ўзгарувчанлиги тушунилади;
б) сотишдан тушган ялпи тушум таркибида жами сарфларнинг тўлиқ қопланувчанлигидаги юқори ўзгарувчанлик тушунилади;

в) сотишдан тушган ялпи тушум таркибида доимий харажатлар қопланишининг юқори ўзгарувчанлиги тушунилади;
г) сотишдан тушган соф тушум таркибида ишлаб чиқариш харажатлари қопланишининг юқори ўзгарувчанлиги тушунилади;
д) сотишдан тушган тушум таркибида доимий ва ўзгарувчан харажатлар қопланишининг юқори ўзгарувчанлиги тушунилади.

156 Сотишдан тушган ялпи тушум қандай топилади?
а) сотишдан тушум минус давр харажатлари;
б) сотишдан тушум минус ўзгарувчан харажатлар;
в) сотишдан тушум минус ўзгарувчан ва доимий харажатлар;
г) сотишдан тушум минус ишлаб чиқариш таннархи;
д) сотишдан тушум минус сотиш ҳажмига солиқлар (қўшилган қийматга солиқ, акциз, реклама ва бошқа сотишлар ҳажмига солиқлар).

157 Маржинал фойда деганда нимани тушунасиз?
а) сотишдан тушган тушум минус ўзгаручан харажатлар;
б) сотишдан тушган соф тушум минус ўзгарувчан харажатлар;
в) сотишдан тушган соф тушум минус сотилган маҳсулот таннархи;
г) сотишдан тушган соф тушум минус доимий ва ўзгарувчан харажатлар;
д) сотишдан тушган тушум минус доимий харажатлар.

158 Қуйидаги қаторлардан қайси бири фойдалилик кўрсаткичларини тўлиқ ифодалайди?
а) сотишдан олинган фойда-зарар, сотишдан ташқари фаолиятдан олинган фойда-зарар, бошқа сотишлардан фойда-зарар;
б) асосий фаолиятдан олинган фойда-зарар, молиявий фаолиятдан олинган фойда-зарар, фавқулотда (ҳолатлардан) фойда-зарарлар;
в) маҳсулот сотишдан фойда-зарарлар, давр харажатлари, операцион фаолиятдан тушумлар, даромадлар,

молиявий фаолиятдан фойда-зарарлар, кутилмаган фойда-зарарлар;
г) асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан фойда-зарарлар, умумхўжалик фаолиятидан фойда-зарарлар, солиқ тўловига қадар фойда-зарарлар;
д) асосий фаолиятдан фойда-зарарлар, бошқа фаолиятлардан фойда-зарарлар, фавқулотда фойда-зарарлар.

159 Фойдалиликни аниқлашда корхона харажатлари қай тартибда гуруҳланади?
а) сотилган маҳсулот таннархи, даврий харажатлар, молиявий фаолиятдан харажатлар, кутилмаган харажатлар;
б) тўғри ва эгри харажатлар;
в) маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари, сотиш харажатлари, бошқа сотишлар бўйича харажатлар;
г) ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар;
д) асосий фаолият юзасидан харажатлар, умумхўжалик фаолияти юзасидан харажатлар, кутилмаган харажатлар.

160 Фойдалилик ва харажатларни янги таркибий гуруҳлаш ва ўрганиш нима учун зарур?
а) ишлаб чиқаришда реал натижавийликка эришиш учун;
б) солиққа тортиш юзасидан солиққа тортиладиган даромад суммасини аниқлашнинг услубий шаклини белгилаш учун;
в) ҳисоб тизимини халқаро ҳисоб андозаларига кўчириш учун;
г) ишлаб чиқариш харажатларини бошқа сарфлардан фарқлаш, молиявий бошқарувнинг ахборот манбаини фойдаланувчилар талабига мослаш, корхонанинг фаолият натижавийлигини солиққа тортиш юзасидан реалликни белгилаш, ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, корхона даромадлари ва харажатларини юзага чиқиш ўрни бўйича ҳисобга олишни белгилаш учун;
д) маҳсулот таннархини аниқлашнинг реал тизимини белгилаш учун.

161 Соф фойда суммаси қандай аниқланади? Қуйидагилардан қайси бири соф фойдани аниқлаш қаторини тўғри ифодалайди?

а) солиқ тўловига қадар фойда минус фойда (даромад) дан солиқлар суммаси;

б) солиқ тўловига қадар фойда минус фойда (даромад) дан солиқлар ҳамда бошқа фойдадан солиқлар, тўловлар;

в) солиқ тўловига қадар фойда минус фойда (даромад) дан солиқлар «+», «—» кутилмаган фойда-зарарлар;

г) соф фойданинг ҳисоб фойдаси-солиққа тортиладиган (қайта қўшилувчи моддалар қўшилган ҳолда) фойда;

д) солиқ тўловига қадар фойда-солиқлар, фойдадан турли тўловлар, фондларга ажратмалар.

162 Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) суммасини таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи (—,+)
1. Баланс бўйича 1.01 га тақсимланмаган фойда, минг сўм	11021	11621	+600
2. Ҳисобот йили соф фойдаси, минг сўм	15200	19737	+4537
3. Соф фойданинг ишлатилган қисми фондларга, дивиденд тўловларига, минг сўм	14600	16690	+2090
4. Ҳисобот йили охирига 31.12 га тақсимланмаган фойда	?	?	?

Ҳисобот йили охиридаги тақсимланмаган фойда суммасини аниқланг:

а) 11621 14668 +3047;
б) 600 3047 +2447;
в) 11021 11621 +600;
г) 3579 5069 +1490;
д) 26221 31358 +5137.

163 Зарарсизлик, критик ҳажм даражасининг ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?

а) маҳсулот бирлигига тўғри келган ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши, доимий харажатларнинг ўзгариши;
б) маҳсулот таркиби ва тузилмасининг ўзгариши, харажатларнинг ўзгариши;
в) маҳсулот миқдори, баҳоси, маҳсулот бирлигига тўғри келган ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатларнинг ўзгариши;
г) маҳсулот ҳажми ва баҳосининг ўзгариши;
д) маҳсулот миқдори, баҳосининг ўзгариши, даврий харажатларнинг ўзгариши, солиқлар объекти ва ставкаси ўзгариши, маҳсулотлар таркиби ва тузилмасининг ўзгариши.

164 Хусусий капитални таҳлил қилишда қайси ҳисобот шакллари маълумотларига таянилади?

а) 1-шакл — «Баланс»;
б) 2-шакл — «Молиявий натижалар» тўғрисидаги ҳисобот;
в) 3-шакл — «Асосий воситалар ҳаракати» тўғрисидаги ҳисобот;
г) 4-шакл — «Пул оқими» тўғрисидаги ҳисобот;
д) 5-шакл — «Хусусий капитал» тўғрисидаги ҳисобот.

165 Хусусий капитал қаторига кирувчи маблағлар:

а) устав капитали, тақсимланмаган фойда;
б) захира капитали, қўшилган капитал;
в) тақсимланмаган фойда;
г) устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали, тақсимланмаган фойда, қопланмаган зарар;
д) устав капитали, захира капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), мақсадли тушумлар ва молиялаштиришлар, келгуси давр бўйича тўловлар захиралари.

166 Хусусий капитал таҳлилини ўтказинг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йил боши	Йил охири	Фарқи (—,+)
1	2	3	4
1.Устав капитали	120	420	+300

1	2	3	4
2.Қўшилган капитал	60	88	+28
3.Резерв капитали	20	122	+102
4.Тақсимланмаган фойда	610	920	+310
5.Хусусий капитал билан қопланмаган зарар	—	—	—
6.Мақсадли тушумлар,фондлар	26	42	+16
7.Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар	120	160	+40
8. Келгуси давр даромадлари	210	168	-42
Жами	1166	1920	+754

Юқоридаги маълумотлар асосида хусусий капитал суммасини аниқланг:

а) Йб—1166 м.с; Йо—1920 м.с;
б) Йб—200 м.с; Йо—630 м.с;
в) Йб—810 м.с; Йо—1550 м.с;
г) Йб—836 м.с; Йо—1592 м.с;
д) Йб—956 м.с. Йо—1752 м.с.
• Йб—йил бошида • Йо—йил охирида

167 Устав капиталининг ўзгаришини таҳлил қилинг:

Вариантлар	Кўрсаткичлар							
	I. Устав капиталининг йил бошидаги қолдиғи	1. Ҳиссадорлик капиталининг ўсиши	2. Қимматли қоғозлар эмиссияси	3. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши	4. Резерв учун ажратма	5. Жорий йил фойдаси	6. Дивидендлар	II. Устав капиталининг йил охиридаги қолдиғи
А		+	+	+	+	+	+	
Б		+	+		+	+		
В		+	+	+				
Г		+	+			+		
Д		+	+	+	+			

Устав капиталининг ўзгариши қайси вариантда тўлиқ ва тўғри ифодаланган?

168 Қўшилган капитал ўзгаришини таҳлил қилинг:

Вариантлар	Кўрсаткичлар							
	I. Қўшилган капитал йил бошида	1. Ҳусусий ҳиссадорлик капиталининг ўсиши	2. Қимматли қоғозлар эмиссияси	3. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши	4. Захира учун ажратма	5. Жорий йил фойдаси	6. Дивидендлар	II. Қўшилган капиталнинг йил охиридаги қолдиғи
А		+	+	+	+	+	+	
Б		+	+	+	+	+		
В		+	+	+		+	+	
Г		+	+	+		+		
Д				+	+			

Қўшилган капиталнинг ўзгариши қайси вариантда тўлиқ ва тўғри ифодаланган?

169 Захира капитали ўзгаришини таҳлил қилинг?

Вариантлар	Кўрсаткичлар							
	I. Захира капитали йил бошида	1. Ҳиссадорлик капиталининг ўсиши	2. Қимматли қоғозлар эмиссияси	3. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши	4. Захира учун ажратма	5. Жорий йил фойдаси	6. Дивидендлар	II. Захира капитали йил охирида
А		+	+	+	+	+	+	
Б				+	+	+	+	
В		+		+		+	+	
Г		+	+	+		+		
Д		+	+		+	+		

Захира капиталининг ўзгариши қайси вариантда тўлиқ ва тўғри ифодаланган?

170 Тақсимланмаган фойда ўзгаришини таҳлил қилинг:

Вариантлар	Кўрсаткичлар							
	I. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) йил бошида	1. Ҳиссадорлик капиталининг ўсиши	2. Қимматли қоғозлар эмиссияси	3. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши	4. Захира учун ажратма	5. Жорий йил фойдаси	6. Дивидендлар	II. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) йил охирида
А		+	+	+	+	+	+	
Б					+	+	+	
В		+	+			+		
Г						+	+	
Д		+		+		+		

Тақсимланмаган фойданинг ўзгариши қайси вариантда тўлиқ ва тўғри ифодаланган?

171 Хусусий капитал билан қопланмаган зарар ўзгаришини таҳлил қилинг:

Вариантлар	Кўрсаткичлар							
	I. Хусусий капитал билан қопланмаган зарар йил бошида	1. Ҳиссадорлик капиталининг ўсиши	2. Қимматли қоғозлар эмиссияси	3. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши	4. Захира учун ажратма	5. Жорий йил фойдаси	6. Дивидендлар	II. Хусусий капитал билан қопланмаган зарар йил охирида
1	2	3	4	5	6	7	8	9
А		+	+	+	+	+	+	
Б		+	+	+				

1	2	3	4	5	6	7	8	9
В					+	+		
Г		+	+		+	+		
Д						+		

Хусусий капитал билан қопланмаган зарарнинг ўзгариши қайси вариантда тўлиқ ва тўғри ифодаланган?

172 Хусусий капиталнинг ўзгаришини таҳлил қилинг:

Вариантлар	Кўрсаткичлар						
	I. Хусусий капитал йил бошида	1. Ҳиссадорлик капиталининг ўсиши	2. Қимматли қоғозлар эмиссияси	3. Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши	4. Захира учун ажратма	5. Жорий йил фойдаси	II. Хусусий капитал йил охирида
А		+	+			+	
Б		+	+	+	+	+	
В		+	+	+	+		
Г					+	+	
Д		+	+	+			

Хусусий капиталнинг ўзгариш сабаблари қайси вариантда тўлиқ ва тўғри ифодаланган?

173 Устав капиталининг ўсиш (камайишига) таъсир этувчи омиллар:

а) акцияларнинг номинал қийматининг ўсиши ёки камайиши, қимматли қоғозлар, акцияларнинг қўшимча эмиссияси, шўъба корхоналарга ва резерв фондига ўтказилган акцияларнинг қайтариб олиниши ёки ўтказилиши;

б) фойданинг ўзгариши;

в) харажатнинг ўзгариши;

г) захира фондининг ўзгариши;

д) акцияларнинг номинал қиймати ва уларнинг ўзгариши.

174 Ўз маблағлари деганда нимани тушунасиз?
а) корхонанинг ўзига тегишли маблағлари;
б) қарзга олинган (узоқ муддатга) маблағлар;
в) маҳсулот сотишдан олинган даромадлар;
г) мажбуриятлар қопланишидаги ортиқча маблағлар;
д) ҳукумат томонидан субсидия сифатида берилган маблағлар.

175 Устав капитали баланснинг қайси бўлимида кўрсатилади?
а) пассив томон — 1-бўлимда;
б) актив томон — 1-бўлимда;
в) пассив томон — 2-бўлимда;
г) актив томон — 2-бўлимда;
д) манба сифатида пассив — 1-бўлимда, маблағ сифатида актив — 1 ва 2- бўлимларда.

176 Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан мақсад нима?
а) баланс пассиви 1-бўлим бўйича таркиблашни бериш;
б) баланснинг 1-бўлими пассивини тартиблаштириш;
в) маълумотлардан фойдаланувчилар, қизиқувчиларга хусусий капитал ўзгариши тўғрисидаги ахборотлар бериш;
г) молиявий бошқарувни ахборот сўрови билан таъминлаш;
д) ўз маблағлари ҳолати тўғрисида ахборотлар бериш.

177 Маҳсулот таннархи нима?
а) меъёрий ишлаб чиқариш харажатларининг пулдаги ифодаси;
б) тўғри ва эгри харажатларнинг пулдаги ифодаси;
в) бевосита ва билвосита харажатларнинг пулдаги ифодаси;
г) маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган барча харажатларнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг пулдаги ифодаси;
д) режа бўйича барча харажатларнинг пулдаги ифодаси.

178 Маҳсулот таннархи тўғрисидаги низомга биноан харажатлар қандай гуруҳланади?

а) тўғри ва эгри харажатлар, доимий ва ўзгарувчан харажатлар;
б) ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари, тўғри ва эгри харажатлар, даврий харажатлар;
в) доимий ва ўзгарувчан харажатлар;
г) даврий ва ўзгарувчан харажатлар;
д) бевосита ва билвосита харажатлар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлар.

179 Доимий харажатлар деб қандай харажатларга айтилади?

а) маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган, харажатларга айтилади;
б) маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган даврий харажатларга айтилади;
в) маъмурий ва бошқарув харажатларга айтилади;
г) барча турдаги иш ҳақи харажатларига айтилади;
д) барча турдаги материал харажатларга айтилади.

180 Ўзгарувчан харажатлар деб қандай харажатларга айтилади?

а) маҳсулот ҳажми ўзгаришига боғлиқ тарзда ўзгарувчи харажатларга айтилади;
б) тўғри ва эгри харажатларга айтилади;
в) бевосита ва билвосита харажатларга айтилади;
г) фақат материал харажатларга айтилади;
д) барча турдаги ишлаб чиқариш харажатларига айтилади.

181 Ўзгарувчан харажатларга қандай харажатлар киради?

а) ижара учун тўловлар, бошқарув ходимларининг иш ҳақи;
б) маҳсулот ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг меҳнат ҳақи, материаллар, хом ашё сарфлари ва бошқа харажатлар;
в) янги маҳсулотни ўзлаштириш харажатлари;
г) сотиш харажатлари, маъмурий, бошқарув харджатлари;
д) барча турдаги материал харажатлар.

182 Бир сўмлик маҳсулотга қилинган жами харажатларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи (—,+)
1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм ҳисобида	22610	28400	+5790
2. Маҳсулот ҳажми, амалдаги баҳода, минг сўм	28400	32600	+4200
3.1 сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган харажат, тийин	?	?	?

а) 78,6 87,1 +8,5;
б) 79,5 87,1 +7,5;
в) 80,4 86,4 +6;
г) 82,2 86,4 +4,2;
д) 87,1 79,6 −7,5.

183 Маҳсулот таннархини аниқланг:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Сумма
1. Маҳсулотни ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи	50600
2. Иш ҳақидан ажратмалар (асосий ишлаб чиқаришда)	20240
3. Бошқарув харажатлари	18000
4. Сотиш харажатлари	
5. Асосий ишлаб чиқаришдаги фондларнинг эскириши	12400
6. Материал, хом ашё харажатлари (асосий ишлаб чиқаришга)	108600
7. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	7400

Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархини ҳисобланг:
а) 226240 сўм; б) 217240 сўм; в) 199240 сўм;
г) 186840 сўм; д) 191840 сўм.

184 Бир сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган материал харажатларни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи (—,+)
1. Товар маҳсулоти ҳажми, амалдаги баҳода, минг сўм	22640	26200	+4200
